

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ  
ТАҲЛИЛИ**

**UZBEK LAW REVIEW**

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА  
УЗБЕКИСТАНА**

<b>ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ</b>	<b>SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL</b>	<b>НАУЧНО АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ</b>
--------------------------------------	----------------------------------------------	--------------------------------------------

---

---

**2018  
№4**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

**БОШ МУҲАРРИР:**

**Гулямов Саид Саидахарович** – юридик фанлари доктори, профессор.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:**

- Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – ю.ф.д., профессор.  
**Рахимов Фахри Хайдарович** – ю.ф.д., профессор.  
**Адилходжаева Сурайё Махкамовна** – ю.ф.д., профессор.  
**Оқюлов Омонбой** – ю.ф.д., профессор.  
**Имомов Нурилло Файзуллаевич** – ю.ф.д., доцент.  
**Эсанова Замира Нормуратовна** – ю.ф.д., профессор.  
**Шодманов Фурқат Юсупович** – ю.ф.д., профессор.  
**Самарходжаев Ботир Билялович** – ю.ф.д., профессор.  
**Шамухамедова Замира Шаисламовна** – ю.ф.д., доцент.  
**Эргашев Восит Ёқубович** – ю.ф.н., доцент.  
**Холмўминов Жуманазар Тоштемирович** – ю.ф.д., профессор.  
**Файзиёв Шухрат Хасанович** – ю.ф.д., профессор.  
**Махкамов Отабек Мухтарович** – ю.ф.д.  
**Зуфаров Рустам Ахмедович** – ю.ф.д., профессор.  
**Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович** – ю.ф.д., профессор.  
**Тошев Бобоқул Норқобилович** – ю.ф.д., профессор.  
**Рустамбеков Исламбек Рустамбекович** – ю.ф.д., доцент.

<p>Маълумот олиш учун куйидагиларга мурожаат этиш сўралади:  <b>Гулямов Саид Саидахарович,</b>  <b>Рустамбеков Исламбек Рустамбекович</b>                  ТДЮУ, Халқаро тижорат ҳуқуқи кафедраси,                  Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047,                  Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36</p>
<p>"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон нусхаси Интернетдаги <a href="http://www.lawreview.uz">www.lawreview.uz</a> сайтида жойлаштирилган.</p>
<p><b>Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация комиссияси журналлари рўйхатида киритилган.</b></p>

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.  
 2019 йилда нашр этилди.  
 Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва қўлайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент давлат юридик университетига мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И.Р. Рустамбеков**  
 Нашриёт муҳаррири: **Н. Ниязова**  
 Техник муҳаррир: **Ш. Ҳўжаев**  
 Лицензия № 02-0074  
 Босишга рухсат этилди – 28.01.2019  
 Нашриёт ҳисоб табоғи – 5  
 «IMPRESS MEDIA» босмахонасида босилди  
 Адади – 100 нусха.

**ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ  
 ЖУРНАЛ**

**4/2018**

**МУНДАРИЖА**

**ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ**

**Ш.Асадов**  
 Маҳаллий ҳокимликларда давлат хизмати амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари..... **5**

**Д.Махкамов**  
 Ўзбекистон Республикасининг сув соҳасидаги қонун ҳужжатлари шаклланиши ва ривожланиши босқичлари..... **8**

**Д.Артиков**  
 Маъмурий суд ҳужжатларини ижро этишнинг айрим масалалари ..... **11**

**Б.Мирзараимов**  
 Ахборот эркинлигини кафолатлаш механизмида оммавий ахборот воситаларининг ўрнига оид масалалар таҳлили..... **15**

**Д.Нурмухамедова**  
 Дунё иккипалатли парламентларида “тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш” ҳуқуқий институтини шакллантиришнинг амалий жиҳатлари..... **19**

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ**

**Н.Имомов**  
 Давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асослари..... **23**

**А.Исманжанов**  
 Муаллифлар, нашр этувчилар ва онлайн фойдаланувчиларнинг юридик манфаатларини такомиллаштириш ..... **26**

**О.Камалов, Н.Кулдашев**  
 Деликт муносабатларда ички ишлар органларининг иштироки..... **29**

**Д.Бабажанова**  
 Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш асослари ва тартиби..... **31**

**Ф.Ибратова**  
 Фуқаролик суд ишларида келишув битими: назарий муаммолар ва амалиёт ..... **35**

**И.Салимова**  
 Тааллуқчиликни белгилаш мезонлари: назарий-ҳуқуқий ва процессуал жиҳатлар ..... **40**

**Д.Нурумов**  
 Адвокат томонидан тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий механизми ..... **44**

**Б.Топилдиев**  
 Ишончли бошқарувчи томонидан муаллифнинг мутлақ ҳуқуқларини амалга ошириш масалалари..... **48**

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ**

**Ф.Фазилов**  
 Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти таркибининг айрим масалалари..... **51**

**Б.Умирзаков**  
 Вояга етмаганлар жиноятчилиги тушунчаси ва олдини олиш ..... **54**

**А.Матмуратов**  
 Жиноят процессида ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этиш билан боғлиқ нормаларнинг таҳлили..... **58**

**Ш.Гофуров**  
 Уюлмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар таҳлили..... **60**

**ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР**

**Ш.Раҳманов**  
 Халқаро ташкилотлар дипломатик ҳуқуқининг шартномавий-ҳуқуқий манбалари ва уларнинг халқаро ташкилотлар персонали химоясидаги ўрни ..... **64**

**И.Рустамбеков**  
 Халқаро арбитраж соҳасида кадрлар тайёрлаш механизмларини ривожлантириш истиқболлари..... **72**

**Г.Узакова, Э.Ахунджанов**  
 Ўзаролик тамойили ва халқаро ҳушмуомалалик хорижий мамлакат судларининг қарорларини тан олиш ва ижро этиш асоси сифатида ..... **75**

**Ш.Исмаилов**  
 ХМТ янги юз йиллик арафасида ва Ўзбекистонда муносиб меҳнатни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик ..... **78**

**Ф.Зайнобиддинова**  
 Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим масалалари..... **81**

**Д.Умарханова**  
 Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам институтининг тартибга солиниши масалалари..... **83**

**Н.Гафурова**  
 Ҳуқуқ тизимида тиббиёт ҳуқуқининг комплекс ҳуқуқ тармоғи сифатида шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари..... **87**

**ТАҚРИЗЛАР**

**М.Ахмедшаева**  
 Юридик фанлар доктори, профессор Х.Т.Одилқориевнинг “Davlat va huquq pazaʼiyasi” фанидан тайёрланган дарслигига тақриз ..... **91**

**М.Нажимов, Ш.Сайдуллаев**  
 Х.Т.Маматовнинг “Конституциявий ҳуқуқ” дарслигига тақриз..... **92**

**И.Тулътеев**  
 Юридик фанлар доктори, доцент И.Р.Рустамбековнинг “Интернет тармоғида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш муаммолари” мавзусидаги монографиясига тақриз ..... **94**

**EDITORIAL BOARD**

**GENERAL MANAGER:**

**Dr. Gulyamov Said** – Professor, Doctor of Sciences in Law.

**MEMBERS OF EDITORIAL BOARD:**

**Mrs. Akhmedshaeva Maviyuda** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Rakhimov Fakhri** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mrs. Adilkhodjaeva Surayo** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Okyulov Omonboy** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Imomov Nurillo** – associate professor, doctor of sciences in Law.

**Mrs. Esanova Zamira** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Shodmanov Furqat** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Samarkhodjaev Botir** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mrs. Shamukhamedova Zamira** – associate professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Ergashev Vosit** – associate professor, candidate of sciences in law

**Mr. Kholmuminov Jumanazar** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Fayziev Shukhrat** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Makhkamov Otabel** – doctor of sciences in Law.

**Mr. Zufarov Rustam** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Mukhitdinov Fakhridin** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Toshev Bobokul** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Rustambekov Islambek** – associate professor, doctor of sciences in Law.

For further information please contact:

**Mr. Gulyamov Said,**  
**Mr. Rustambekov Islambek**  
35, Sayilgoh Street, Tashkent,  
TSUL, Department of "International commercial Law",  
Council of Young Scientists  
100047, Uzbekistan. Tel.: 233-66-36

Electronic copy of "Uzbek Law Review" journal can be found at [www.lawreview.uz](http://www.lawreview.uz)

**The journal was registered in the list of the High Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan in 2013.**

The findings, conclusions and interpretations expressed in the journal are those of the authors alone and can in no way be taken to reflect the views of the Republic of Uzbekistan or the Tashkent State University of Law.

Published in 2019.

Copyright by Tashkent State University of Law. All rights reserved. Enquiries concerning reproduction should be addressed to Tashkent State University of Law, 100047, 35, Sayilgoh Street, Tashkent, Uzbekistan.

ISSN 2181-8118

General Secretary: **I.Rustambekov**  
Publishing editor: **N.Niyazova**  
Technical editor: **Sh.Khujaev**

License No. 02-0074

Authorized to issue – 28.01.2019

Bulk – 5

Printed in «IMPRESS MEDIA» Printhouse

Number of copies – 100

**SCIENTIFIC-ANALYTICAL JOURNAL**

**4/2018**

**CONTENTS**

**STATE LAW AND MANAGEMENT**

<b>Sh.Asadov</b> The Priority Directions of Improvement of Practice of Public Services in Local Authorities.....	<b>5</b>
<b>D.Mahkamov</b> Stages of Formation and Development of Water Legislation of the Republic of Uzbekistan.....	<b>8</b>
<b>D.Artikov</b> Certain Issues of the Execution of Administrative-Judicial Acts .....	<b>11</b>
<b>B.Mirzaraimov</b> Analysis of the Issues on the Media's Role in the Mechanism of Guarantees of Freedom of Information.....	<b>15</b>
<b>D.Nurmuhammedova</b> Practical Aspects of the Formation of the Legal Institute of Checks and Balances in the Two-Parliamentary Parliaments of the World .....	<b>19</b>

**CIVIL LAW AND CIVIL PROCESS**

<b>N.Imomov</b> Legal Bases of Public-Private Partnership .....	<b>23</b>
<b>A.Ismanjanov</b> Balancing the Legal Interests of the Authors, Publishers and the Users Online.....	<b>26</b>
<b>O.Kamalov, N.Kuldashv</b> Participation of Law Enforcement Bodies in Tort Relations .....	<b>29</b>
<b>D.Babajanova</b> Basis and Procedure of Identification of Children Who Left Without Parental Care.....	<b>31</b>
<b>F.Ibratova</b> The Settlement Agreement in Civil Legal Proceedings: Theoretical Problems and Practice .....	<b>35</b>
<b>I.Salimova</b> Criteria for Determining Jurisdiction: Theoretical, Legal and Procedural Aspects.....	<b>40</b>
<b>D.Nurumov</b> Legal Mechanisms of Providing Lawyer's Services for Entrepreneurial Activities.....	<b>44</b>
<b>B.Topildiev</b> Matters of Implementation of the Exclusive Rights of the Author from the Trustee.....	<b>48</b>

**CRIMINAL LAW AND CRIMINAL PROCESS**

<b>F.Fazilov</b> Some Questions in the Composition of Legalization of Incomes Obtained from Criminal Activity.....	<b>51</b>
<b>B.Umirzakov</b> The Concept of Criminality of Juveniles and It's Prevention .....	<b>54</b>
<b>A.Matmuratov</b> Analysis of Norms Related to the Execution of Sentences, Rulings and Decisions in Criminal Proceedings .....	<b>58</b>
<b>Sh.Gofurov</b> Causes and Conditions for the Possibility of Committing Offenses among Unorganized Youth .....	<b>60</b>

**INTERNATIONAL LEGAL RELATIONS**

<b>Sh.Rahmanov</b> International Contractual Sources of Diplomatic Rights of International Organizations and their Role in the Protection of Personnel of International Organizations .....	<b>64</b>
<b>I.Rustambekov</b> Prospects of Development of Mechanisms of Training of Personnel in the Sphere of International Arbitration.....	<b>72</b>
<b>G.Uzakova, E.Akhundjanov</b> Principle of Reciprocity and International Politeness as Basis for Recognition and Execution of Decisions of the Courts of the Foreign States.....	<b>75</b>
<b>Sh.Ismailov</b> ILO on the Threshold of a new Century and Cooperation in the Field of Decent Work in Uzbekistan.....	<b>78</b>
<b>F.Zaynobiddinova</b> Some Issues of Contractual-Legal Regulation of Investment Activities in the Republic of Uzbekistan .....	<b>81</b>
<b>D.Umarhanova</b> The Settlement of the Institution of Mutual Legal Assistance in Criminal Matters.....	<b>83</b>
<b>N.Gafurova</b> Features of the Formation of Medical Law as an Complex Branch of the Legal System .....	<b>87</b>

**REVIEWS**

<b>M.Ahmedshaeva</b> Review of the textbook "Theory of State and Law" under the authorship of Doctor of Law, Professor Kh.T. Odilkoriev .....	<b>91</b>
<b>M.Najimov, Sh.Saydullaev</b> Review of the textbook "Constitutional Law" under the authorship of Kh.T.Mamatova....	<b>92</b>
<b>I.Tulteev</b> Review of the monograph "Problems of regulation of civil law relations in the Internet" under the authorship of Doctor of Law, Associate Professor I. Rustambekov .....	<b>94</b>

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ**

**ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:**

**Гулямов Саид Саидахарович** – доктор юридических наук, профессор.

**ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ:**

- Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – д.ю.н., профессор.  
**Рахимов Фахри Хайдарович** – д.ю.н., профессор.  
**Адилходжаева Сурайё Махкамовна** – д.ю.н., профессор.  
**Оқюлов Омонбой** – д.ю.н., профессор.  
**Имомов Нурилло Файзуллаевич** – д.ю.н., доцент.  
**Эсанова Замира Нормуратовна** – д.ю.н., профессор.  
**Шодманов Фурқат Юсупович** – д.ю.н., профессор.  
**Самарходжаев Ботир Билялович** – д.ю.н., профессор.  
**Шамухамедова Замира Шаисламовна** – д.ю.н., доцент.  
**Эргашев Восит Ёқубович** – к.ю.н., доцент.  
**Холмўминов Жуманазар Тоштемирович** – д.ю.н., профессор.  
**Файзиев Шухрат Хасанович** – д.ю.н., профессор.  
**Махкамов Отабек Мухтарович** – д.ю.н.  
**Зуфаров Рустам Ахмедович** – д.ю.н., профессор.  
**Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович** – д.ю.н., профессор.  
**Тошев Бобоқул Норқобилович** – д.ю.н., профессор.  
**Рустамбеков Исламбек Рустамбекович** – д.ю.н., доцент.

<p>Для получения информации просим обращаться:  <b>Гулямов Саид Саидахарович,</b>  <b>Рустамбеков Исламбек Рустамбекович</b>                  ТГЮУ, кафедра Международное коммерческое право.                  Республика Узбекистан, Ташкент, 100047,                  ул. Сайилгох, 35. Тел.: 233-66-36 (1073).</p>
<p>Электронная версия "Обзор законодательства Узбекистана" размещена на Интернет сайте:  <a href="http://www.lawreview.uz">www.lawreview.uz</a></p>
<p><b>Журнал включен в список Высшей Аттестационной Комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан в 2013 г.</b></p>

Результаты, заключения, толкования, выраженные в этом документе, принадлежат только их авторам и не отражают политики или мнения Республики Узбекистан или Ташкентского государственного юридического университета.

Опубликовано в 2019 г.

Авторские права принадлежат Ташкентскому государственному юридическому университету. Все права защищены. Публикация может производиться, распространяться или передаваться в какой-либо форме с разрешения Ташкентского государственного юридического университета. По вопросам воспроизведения обращаться в Ташкентский государственный юридический университет. Республика Узбекистан, Ташкент, 100047, ул. Сайилгох, 35.

ISSN 2181-8118

Ответственный секретарь: **И.Рустамбеков**  
 Издательский редактор: **Н.Ниязова**  
 Технический редактор: **Ш.Хужаев**  
 Лицензия № 02-0074

Подписано к печати – 28.01.2019 г.  
 Уч.- изд. лист. – 5

Отпечатано в типографии «IMPRESS MEDIA»  
 Тираж – 100

**НАУЧНЫЙ-АНАЛИТИЧЕСКИЙ  
ЖУРНАЛ**

**4/2018**

**СОДЕРЖАНИЕ**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ ПРАВО И УПРАВЛЕНИЕ**

**Ш.Асадов**  
 Организационно-правовые вопросы осуществления экспертизы нормативно-правовых актов ..... **5**

**Д.Махкамов**  
 Принятие справедливых законов – основной критерий законотворчества ..... **8**

**Д.Артиков**  
 Приоритетные направления участия политических партий в деятельности представительных органов государственной власти на местах ..... **11**

**Б.Мирзараимов**  
 Понятие и особенности конституционного правонарушения ..... **15**

**Д.Нурмухамедова**  
 Концепция децентрализации и ее роль в демократизации государственного управления ..... **19**

**ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО И ГРАЖДАНСКИЙ ПРОЦЕСС**

**Н.Имомов**  
 Правовые основы государственно-частного партнерства ..... **23**

**А.Исманжанов**  
 Уравновешивание юридических интересов авторов, издателей и онлайн пользователей ..... **26**

**О.Камалов, Н.Кулдашев**  
 Участие органов внутренних дел в деликтных отношениях ..... **29**

**Д.Бабажанова**  
 Порядок и основы выявления детей, оставшихся без попечения родителей ..... **31**

**Ф.Ибратова**  
 Мировое соглашение в гражданском судопроизводстве ..... **35**

**И.Салимова**  
 Критерии определения подведомственность: теоретико-правовые и процессуальные аспекты ..... **40**

**Д.Нурумов**  
 Правовые механизмы оказания адвокатами юридических услуг для предпринимательской деятельности ..... **44**

**Б.Топилдиев**  
 Вопросы осуществления исключительных прав автора со стороны доверительного управляющего ..... **48**

**УГОЛОВНОЕ ПРАВО И УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС**

**Ф.Фазилов**  
 Некоторые вопросы в составе легализации доходов, полученных от преступной деятельности ..... **51**

**Б.Умирзаков**  
 Понятие преступности несовершеннолетних и её предупреждения ..... **54**

**А.Матмуратов**  
 Анализ норм связанные с исполнением приговоров, определений и решений в уголовном процессе ..... **58**

**Ш.Гофуров**  
 Совершения правонарушений и условия, способствовавшие их совершению среди неорганизованной молодежи ..... **60**

**МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ**

**Ш.Рахманов**  
 Международные договорно-правовые источники дипломатического права международных организаций и их роль в защите персонала международных организаций ..... **64**

**И.Рустамбеков**  
 Перспективы развития механизмов подготовки кадров в сфере международного арбитража ..... **72**

**Г.Узакова, Э.Ахунджанов**  
 Принцип взаимности и международная вежливость как основание для признания и исполнения решений судов иностранных государств ..... **75**

**Ш.Исмаилов**  
 МОТ на пороге нового столетия и сотрудничество в сфере обеспечения достойного труда в Узбекистане ..... **78**

**Ф.Зайнобиддинова**  
 Некоторые вопросы договорно-правового регулирования инвестиционной деятельности в Республике Узбекистан ..... **81**

**Д.Умарханова**  
 Вопросы урегулирования института взаимной правовой помощи по уголовным делам ..... **83**

**Н.Гафурова**  
 Особенности формирования медицинского права как комплексной отрасли в системе права ..... **87**

**РЕЦЕНЗИИ**

**М.Ахмедшаева**  
 Рецензия на учебник "Теория государства и права" под авторством доктора юридических наук, профессора Х.Т.Одилкориева ..... **91**

**М.Нажимов, Ш.Сайдуллаев**  
 Рецензия на учебник "Конституционное право" под авторством Х.Т.Маматова ..... **92**

**И.Тулътеев**  
 Рецензия на монографию "Проблемы регулирования гражданско-правовых отношений в сети Интернет" под авторством доктора юридических наук, доцента И.Рустамбекова ..... **94**

Ш.Ф.Асадов,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси “Бошқарув маҳорати” кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент

### МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАРДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ АМАЛИЁТИНИ ТАҚОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация:** В статье были на основе законодательства и правоприменительной практики были проанализированы особенности государственных услуг в местных органах власти, были определены приоритетные направления совершенствования в данной сфере.

**Ключевые слова:** государство, население, власть, приоритетные направления, государственные услуги.

**Аннотация:** Мақолада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти асосида маҳаллий ҳокимият органларида давлат хизматларининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган, мазкур йўналишда тақомиллаштиришнинг устувор йўналишлар белгилаб берилган.

**Калит сўзлар:** давлат, аҳоли, ҳокимият, устувор йўналишлар, давлат хизматлари.

**Annotation:** Article on the basis of the legislation and law-enforcement practice analysis features of public services in local authorities, defines the priority directions of improvement in this sphere.

**Key words:** state, population, power, priority directions, public services

Демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида давлат ва жамият бошқарувининг ўзига хос модели яратилмоқда, давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий шароитларини яратиш борасида босқичма-босқич ислохотлар стратегияси белгилаб олинди. Бинобарин, мазкур ислохотларнинг пировард натижаси ҳокимият барча тармоқлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўлиб, бунинг учун мамлакатимизда нафақат қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизими, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ислоҳ қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди, натижадабу борада қатор ишлар амалга оширилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ва таркибий тузилмаларининг жорий ҳолати ва уларни тадқиқ этиш ҳамда мутахассис ва экспертлар билан суҳбатлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябрдаги Қонун нормалари эскиргани ва ҳозирги замон талабларига жавоб бера олмаслиги, маҳаллий бошқаруви ҳозирги замон талаблари даражасида ташкил этилишига ва ташкилий механизмларни яратишга имкон бермапти. Маҳаллий бошқарув органлари фаолиятида қонун ва қонун ости ҳужжатлар, ички тартиб қоидалар асосида иш юритиш ўрнига, юқоридан кўрсатма бериш тартиби шаклланди. Ҳокимликларда ҳужжат алмашинув эскирган тизим асосида олиб борилмоқда. Бошқарув органлари ўзларининг функционал вазифаларидан ташқари, юқоридан кўплаб вазифалар юкланади ва

натижада улар ўз вазифаларини тўла бажариш имкониятидан маҳрум бўлмоқда. Ҳокимлик аппаратида вазифалар тақсимоли қониқарли даражада йўлга қўйилмаган (ҳатто айрим туманларда, ҳуқуқий асослари мавжуд эмас). Ҳокимликда ходимлар кўнимсизлиги мавжуд. Ходимларга ортиқча вазифаларнинг юкланиши, вақтида нормал дам олиш, ўз устида ишлаш, оиласи билан шуғулланиш учун етарли вақти мавжуд эмаслиги учун улар ўз ишидан рози эмас (мотивация мавжуд эмас). Моддий манфаатдорлик паст даражада (асосан қуйи лавозимдаги ходимларда). Бу эса иш сифати таъсир қилмай қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси мутахассислари томонидан 2018 йил сентябрь ойида мамлакатимизнинг бир қатор туман ва шаҳарлар ҳокимликлари фаолиятини ўрганиш ҳамда жорий йилнинг июнь-июль ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокими ўринбосарлари, вилоят ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари ва туман ҳокимлари учун “Бошқарув маҳорати” бўйича ташкил этилган тренинглар натижасида бир қатор муаммо ва камчиликлар аниқланди:

*Биринчидан*, туман ҳокимликлари фаолияти аниқ режалаштиришга асосланмай ташкил этилмоқда. Тузилган “Йўл харита”ларидаги вазифалар ва муаммолар тез ҳамда фавақулда шакллантирилган бўлиб, уларни амалда бажариш муддати ва сифати талаб даражасида эмас. “Бошқарув маҳорати” бўйича ташкил этилган тренинглар натижасида вилоят ҳокими ўринбосарлари ва туман ҳокимлари ишларини режалаштириш тизимли йўлга қўйилмаганлиги аниқланди. Жумладан:

топшириқларни муҳим ва номуҳимга ажратиш ҳамда шу асосда устуворликларни аниқлаш, мақсадларни белгилаш малакаси сустиги;

ваколатларни узатиш ва топшириқларни тақсимлаш кўникмалари шаклланмаганлиги;

режадаги ишлар ўрнига кўплаб режалаштирилмаган топшириқларнинг берилиши ва бажарилиши туфайли ҳокимларда режаларни кераксиз деб билиш ёндашуви шаклланиб қолганлиги;

вилоят ҳокими ўринбосарлари ва туман ҳокимлари томонидан иш юкласини тақсимлашда ижро учун кетадиган вақтни нотўғри белгилаш натижасида ишларни сифатсиз бажарилиши;

ҳокимлар аксарият ҳолларда кундалик ишларни бажарганлиги боис, ҳудудларни ривожлантиришнинг истиқболдаги режалари, муаммоларни ҳал қилишнинг стратегик режаларини ишлаб чиқишга етарли даражада эътибор қаратмасликлари кузатилди.

Маҳаллий ҳокимликларда ҳужжатлар билан ишлашнинг эскирган тизими, мавжуд иш ҳажми кўламига жавоб бермайди. Ўрганиш натижасида барча ҳокимликларда электрон ҳужжат алмашинув тизимидан фойдаланиш паст даражада ташкил этилганлиги аниқланди (масалан, Сурхондарё вилояти, Музрабод туманида топшириқларни ижросини таъминлашда электрон ҳужжат айланиш тизими мавжуд эмас).

\*Тошкент шаҳар: Мирзо Улуғбек, Шайхонтохур, Олмазор туманлари; Тошкент вилояти: Бўка тумани; Наманган вилояти: Косонсой тумани; Сурхондарё вилояти: Музрабод тумани; Қашқадарё вилояти: Қарши ва Миришкор туманлари.

Ҳокимликларнинг ҳозир ишлаб турган электрон ҳужжат алмашинув тизимида ҳужжатларнинг ижроси ва топшириқларни назорат қилиш ҳамда мониторингини олиб бориш элементлари шакллантирилмаган. Замонавий тўлиқ электронлаштирилган ахборот алмашинув тизимини жорий этишга молиявий имкониятлар деярли йўқ (сабаб битта туман даражасида бу иш молиявий жиҳатдан оғирлик қилади). Ҳужжат алмашинув тизимида қўлдабажариш меҳнатининг улуши катта бўлиб, баъзи туман ҳокимликларида ҳужжатларни ижро этиш интизомига риоя этилмайди.

*Иккинчидан*, ҳокимликлар ходимларининг сони келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш ва юқоридан тушган топшириқ ҳамда вазифаларни бажариш учун етарли эмас. Ҳоким ва унинг ўринбосарлари фаолияти, асосан, мурожаатлар билан ишлашга қаратилмоқда. Масалан, Шайхонтохур тумани ҳокимига 2018 йилнинг биринчи ярмида 976 та, унинг ўринбосарларига эса жами 1239 та мурожаат, Наманган вилояти Косонсой тумани ҳокимлигига эса жами 2601 та мурожаат, Қашқадарё вилояти Қаршитумани ҳокимлигига 262 та топшириқ ва жисмоний ва юридик шахслардан 1081 та мурожаатлар, Сурхондарё вилояти Музрабод тумани ҳокимлигига 6917 та мурожаатлар ва топшириқлар келиб тушган. Бундан ташқари ҳокимга пухта ўйланмаган топшириқларнинг берилиши ҳам учрайди. Тошкент вилояти Бўка туман ҳокими тажрибаси ўрганилганда ҳокимиятнинг юқоридан бериладиган топшириқлар ижросини таъминлашга асосий эътибор қаратишга объектив сабабларга кўра имкони йўқлиги аниқланди. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари мисолида кўрилса, уни кунига ўртача 20 га яқин ёзма топшириқлар берилади. Барча ҳокимликларда хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарларида ҳокимлик аппаратидаги Мазкур топшириқларни юқори сифатда ва ўз вақтида бажарилишига қуйидаги омиллар салбий таъсир кўрсатаётганлиги аниқланди:

- баъзи топшириқлар кечикиб келганлиги учун ўз вақтида ижроси таъминланмайди;
- мазкур топшириқларнинг ҳаммасини бир вақтда бажариш учун ходимлар сони чекланган;
- топшириқларни бажаришда ҳокимиятда ишлаётган кадрларнинг салоҳияти етарли эмас;
- баъзи топшириқларни бажаришда ваколатлар етарли даражада эмас.
- аксарият ҳолларда топшириқлар тегишли давлат бошқаруви органлари томонидан бажариш мумкин бўлмаган муддатлар кўйилади ва у бевосита ижрочига етиб келишида бир қатор босқичлардан ўтади (юқори давлат органлари вилоят ҳокимиятига, у ерда девондан рўйхатдан ўтади ва раҳбарга виза учун юборилади, раҳбар виза қўйиб, масалани тегишлилигига қараб ўринбосарга чиқаради, тегишли вилоят ҳокимининг ўринбосари уни туман ва шаҳар ҳокимиятларига ижро учун юборади, тегишли туман ва шаҳар ҳокимиятининг девонхонасида рўйхатдан ўтгач тегишли ҳокимга киритилади, ҳоким масалага қарам тегишли ўринбосарига чиқаради, ўринбосари масалани тегишлилигига қараб тегишли ташкилотга чиқаради). Бу эса юқоридан берилётган топшириқларни ўз вақтида бажарилишига катта салбий таъсир кўрсатади. Бўка тумани ҳокимлигида 7 та ўринбосар бўлиб, ҳар биттасида биттадан мутахассис фаолият олиб бормоқда. Юқоридан берилётган топшириқларни самарали бажариш учун

штат етарли эмас. Натижада, баъзи топшириқларнинг ижроси бажарилмасдан қолади ёки жуда паст сифатда бажарилади.

*Учинчидан*, ҳоким ва унинг ўринбосарларига жуда кўплаб функция ва вазифалар юкланган. Масалан, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими, унинг ўринбосарлари, ташкилий назорат гуруҳининг раҳбари ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси котибига 510 тадан ортиқ функция ва вазифалар юклангани аниқланган. Шулардан 256 таси бевосита уларнинг функционал мажбуриятлари бўлиб, қолган 204 таси юқори турувчи органларнинг протокол топшириқлари билан юклатилган. Наманган вилояти Косонсой туман ҳокимининг жами бажарётган функциялари ва вазифаларининг сони 34 та, туман ҳокимининг ўринбосарлари ва ташкилий назорат гуруҳи раҳбарининг жами бажарётган функциялари ва вазифаларининг сони 240 та Улардан бевосита 125 таси функционал мажбуриятлар, юқори ташкилотларнинг протокол топшириқлари билан юклатилган, Сурхондарё вилояти, Музрабод тумани ҳокими, унинг ўринбосарлари ва ташкилий назорат гуруҳи раҳбарининг жами бажарётган функциялари ва вазифаларининг сони 172 та, шундан юқори ташкилотларнинг протокол топшириқлари билан юклатилгани 44 тани ташкил этади. Ушбу ҳолат ҳоким ва унинг ўринбосарлари функция ва вазифаларини оптималлаштириш, уларни бажариш учун етарли меҳнат ва бошқа ресурслар билан таъминлашни талаб қилади. Бундай ҳолатни вужудга келишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги ПК–2691-сон қароридан келиб чиқиб, туманларда ҳоким ўринбосарлари, ҳокимлик аппаратининг бошқа ходимларининг вазифа ва функциялари ягона ҳужжат шаклида қабул қилинмаганлигисабаб бўлмоқда. Тошкент шаҳрининг ўрганилган туманларида бундай ҳужжатлар қабул қилинмаганлиги аниқланди (Шайхонтохур туманидан ташқари).

*Туртинчидан*, Маҳаллий ҳокимлик ходимларида етарлича ҳужжатлар билан ишлаш ва топшириқларни маҳаллий хусусиятга мослаштириш, ижрони самарали ташкил этиш, чет тилларини билиш ва шунга ўхшаш кўникма ҳамда билимлари етарли эмас. Айниқса, чет эл инвесторларини жалб этишда ва улар билан мулоқат қилишда хорижий тилларни биладиган ходимларга эҳтиёж катта. Шу билан бирга, ҳокимликда тартибсиз иш вақтининг мавжудлиги юқори салоҳиятли кадрлар жалб қилишга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, Тошкент шаҳри туманларининг барчасида 2018 йил ҳолатида кўплаб қурилиш ва реконструкция ишлари кетаётган бир паллада, ҳокимлик ходимлари ва мутахассислари ичида коммунал, қурилиш, коммуникация соҳасидаги мутахассисликларни эгаллаган кадрларга эҳтиёжнинг катталиги сезилмоқда.

*Бешинчидан*, Баъзи топшириқларни бажариш учун ҳокимликларда ваколатлар етарли даражада эмас. Вазирлик ёки бошқа давлат бошқаруви органи ҳудудий тузилмасига тегишли бўлган ҳоким ва ҳокимлик тузилмаларига келиб тушган топшириқ ёки уларнинг функцияларини бажаришда айрим ҳолларда топшириқларни бажармаган ташкилот раҳбарларига туман ҳокими томонидан тўғридан-тўғри чора қўллаш ваколати бўлмаганлиги сабабли топшириқлар тўлиқ бажарилмай қолмоқда. Мисол тариқасида, топшириқлар орасида қўшимча солиқ манбаларини аниқлаш ва солиқ базасини кўпайтиришга қаратилган

топшириқлар мавжуд. Ҳудудда мазкур топшириқ ижросини таъминлаш туман ҳокимияти туман солиқ инспекцияси зиммасига юклайди, бироқ солиқ инспекция раҳбарига ҳокимият томонидан тўғридан-тўғри ҳеч қандай таъсир чора қўллаш ваколатига эга эмас. Бу эса, ўз навбатида, берилаётган топшириқларни самарали ижросини таъминлашга қатта тўсиқ бўлмоқда. Шунингдек, инвесторларни жалб этиш ва улар учун инфротузилмани ташкил этиш борасида ҳам етарлича ваколатлари мавжуд эмас.

*Олтинчидан*, Маҳаллий ҳокимликлар фаолиятида қарорлар қабул қилиш амалиёти ҳам яхши йўлга қўйилмаганлиги маълум бўлмоқда.

Юқорида айтилган тренинглар натижасида ҳокимликлар томонидан қарорлар қабул қилишда:

уларнинг стратегик аҳамияти ҳисобга олинади, бироқ амалиётга жорий этиш масаласи эътибордан четда қолганлиги;

туман миқёсидаги муаммоларнинг ҳал қилинишида мураккаб марказлашган тизим мавжуд бўлиб, муаммоларни ҳал қилишда “туман – ҳокимлиги - вилоят ҳокимлиги – вазирлик ва идоралар” ҳамкорлиги тизими тўғри йўлга қўйилмаганлиги;

вилоят ва туман ҳокимликларида “номарказлаштиришга оид муносабатлар алгоритми” ишлаб чиқилмаганлиги;

туман ҳокимлари томонидан умумий мазмундаги ва бир хил ечимга асосланган (шаблон), ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда қарорлар қабул қилиниши одатий ҳолга айланганлиги;

қарор лойиҳасини манфаатдор ташкилотларга келишиш учун юбориш амалиёти йўлга қўйилмаган, шунингдек вазифаларни тўғри тақсимлаш, уларнинг ижроси, молиявий манбалар билан таъминлаш ва назорат қилиш фаолияти инобатга олинмаслиги;

вилоят ва туманлар ҳокимликларининг веб-сайтларини юритиш ва уларнинг инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш хусусидаги кўникмалар шаклланмаганлиги аниқланди.

Шунингдек, ҳокимликларда юридик хизмат қониқарли даражада ташкил этилган деб бўлмайди. Қабул қилинган қарорларнинг ҳуқуқий экспертизаси ва уларнинг қонунчиликка мос келиши талаб даражасида эмас. Мисол тариқасида, 2018 йил саккиз ойи натижасига кўра, Тошкент вилояти прокуратураси томонидан вилоятдаги туман ва шаҳар ҳокимлари қарорларини бекор қилиш юзасидан 325 та протестлар келтирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ва таркибий тузилмаларини такомиллаштириш бўйича қўйидаги таклиф ва мулоҳазаларни билдириш мумкин.

1. Туман ҳокимликлари аппаратидаги Бош юристконсулт лавозими ўрнига, “Ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш” бўлимини ташкил этиш ва уни 4-5 нафар юқори малакали аналитик кадрлар ва ҳуқуқшунослар билан таъминлаш лозим. Ҳоким ўринбосари – хотин – қизлар кўмитаси раиси мажмуасидаги 2 та мутахассис штатини бўлимга олиб бериш тавсия этилади. Туманлардаги мазкур мутахассисларни ишини ташкил этиш, ҳар бир ҳоким ўринбосарлари фаолияти йўналишларидан келиб чиқиб амалга оширилиши керак (ҳар бирини битта ўринбосарга бириктириб қўйиш лозим бўлади). Шу билан бирга ҳуқуқшунослар иқтисодий, ижтимоий, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва фуқаролик муносабатлари бўйича ихтисослашган бўлишлари

мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур нормани жорий этилиши, биринчидан, юқоридан берилаётган топшириқларни маҳаллий шароитга мослаган ҳолда, тегишли соҳа бўйича ҳоким қарори лойиҳасини тайёрлаш сифати ва самарадорлиги ошади; иккинчидан, ҳудудни ривожлантириш борасида ҳуқуқ ижодкорлигини ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини қўллашда ташаббускорликни кучайтиради.

2. Маҳаллий ҳокимликларда ҳужжатлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш учун эски услубда (қўлда бажарадиган) ишлаш тизимидан тўла воз кечган ҳолда, ҳар бир вилоят негизида (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) барча туман ва шаҳарларда бир хил тизимда ишлайдиган, нафақат ҳужжатларни қабул қилиш, қайд этиш, тарқатиш, ҳужжатлардаги топшириқларни тақсимлаш, балки марказлашган ҳолда ижро интизомини назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш имконини берадиган ҳамда таҳлил қилиш учун қулай бўлган янги электрон ҳужжат алмашинув тизимини (е-ижро тизимини) кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда амалга оширилаётган барча бўғиндаги янгиланишлар, бошқарув тизимидаги кадрларнинг салоҳиятига, билим ва тажрибаларига бевосита боғлиқдир. Давлат бошқарувида, айниқса, маҳаллий бошқарувда фаолият олиб бораётган давлат хизматчиларининг фаолиятини ижтимоий кафолатлаш ҳамда бошқарувда бир-бирини тақоррлайдиган тизимларни қайта кўриб чиқиш, фаолиятнинг самарали шакллари яратиш олдинга қўйган мақсадларга эришишнинг муҳим шартидир.

**Д.Н.Маҳкамов,**

Тошкент давлат юридик университети 3-курс декани,  
юридик фанлар номзоди

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СУВ  
СОҲАСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ БОСҚИЧЛАРИ:  
ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИР ИШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Аннотация:** мақолада муаллиф томонидан давлатнинг экологик сиёсати, сув қонунчилиги ривожланишининг ҳуқуқий таҳлили ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** сувдан фойдаланиш, сув захираларини муҳофаза қилиш, сувдан махсус фойдаланиш, табиий ресурс, сув истеъмоли, сувдан фойдаланувчи.

**Аннотация:** в статье представлены экологической политике государства, юридический анализ развития водного законодательства и авторские предложения по совершенствованию законодательства.

**Ключевые слова:** водопользование, охрана водных ресурсов, специальное водопользование, природные ресурсы, водопотребление, водопользователь.

**Annotation:** the article presents the state's environmental policy, legal analysis of the development of water legislation and author's proposals for improving legislation.

**Keywords:** water use, protection of water resources, special water use, natural resources, water consumption, water user.

2017 йил 19 сентябрь куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. Мазкур нутқда дунё аҳамиятига молик масалаларга тўхталиб, аниқ таҳлилий фикрлар орқали глобал муаммоларга эътибор қаратилди. Хусусан, Президентимиз “Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар тўғрисида сўз юритар эканмиз, минтақанинг умумий сув захираларидан оқилона фойдаланиш каби муҳим масалани четлаб ўтолмаймиз. Ўзбекистон БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди.” деб алоҳида таъкидлиб ўтди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда сув захираларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тобора мураккаб жараёнларни келтириб чиқармоқда. Бу, ўз навбатида, мазкур соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ислоҳ қилишни назарда тутди. Шу сабабли ҳам яқин беш йилликда мамлакатимиз забот этиши назарда тутилган улкан довлар, халқимиз ҳаёт даражасини юксалтиришнинг механизмлари аниқ белгилаб берилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида сувдан фойдаланиш масалаларига урғу берилган. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар доирасида назарда тутилган

атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш масалалари келгусида бир қатор қилиниши лозим бўлган вазифаларга асос бўлди. Қолаверса, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари қаторига қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш: суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энгаввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш вазифалари белгиланди.

Юқоридаги соҳаларда тубдан бурилиш ясашга пойдевор бўлувчи вазифаларни бажаришда амалдаги қонун ҳужжатларимиз нечоғлик имконият яратиш даражаси хусусида тўхталишимиз жоиз. Мамлакатимизда айнан сув соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда 1993 йил 6 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур Қонунга ўтган йиллар мобайнида мазмунан 11 мартаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган (1997, 1998, 2000 йилда 2 марта, 2003, 2007, 2009, 2011 йилда 2 марта, 2013 ва 2014 йиллар).

Ушбу ўзгартиришларнинг асосий моҳияти ва мазмуни давлатнинг экологик, шу жумладан сув соҳасидаги сиёсатига оид қўйидаги асосий йўналишларни ажратиш бўлиши имконини беради:

**Биринчидан.** Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг устувор йўналишларидан бири бу ушбу соҳадаги муносабатларнинг асосий иштирокчилари – Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолияти асосларини янада мустақамлаш ва такомиллаштириш борилиши билан узвий боғлиқ. Хусусан, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Мелиорация вазирлигининг вазирлиги тугатилиб, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилиши, саноатда ва қишлоқда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви органи ҳуқуқий мақомдаги ўзгаришлар, ирригация тизимлари бошқармалари ташкил этилиши, сув хўжалиги баланслари тузилиши ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолияти йўлга қўйилиши, ўз навбатида, сув соҳасидаги иштирокчиларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳамда давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга хизмат қилди, шунингдек парламентаризм асослари шакллантирилиши шароитида парламент, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сув соҳасидаги ваколатлари ҳам кенгайтирилди, хусусан, парламентнинг сув соҳасидаги қонун ижодкорлиги ваколати ўз аксини топди (1997, 1998, 1999, 2003, 2007, 2009 ва 2011 йиллар). Айни дамда Вазирлар Маҳкамаси ваколатлари сув фонди ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини, шунингдек сувдан фойдаланишнинг меъёрлари ва лимитларини тасдиқлаш (2007 йил), ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, бу борадаги вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бошқа юридик шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, сув олиш лимитларини тасдиқлаш (2009 йил) кабилар билан кенгайтирилди.



**Иккинчидан.** Сув соҳасидаги муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқларини босқичма-босқич кенгайтириб, такомиллаштириб бориш тенденцияси бормоқда. Чунончи, ўтган йиллар мобайнида сув қонун ҳужжатларига фермер ва деҳқон хўжалиқларининг сувдан фойдаланиш лимитлари уларнинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмаслиги (2000 йил), Қонуннинг асосий вазифаларидан бири сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжалиқлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш эканлиги (2009 йил) тўғрисидаги муҳим демократик мазмундаги қоида ва меъёрлар киритилди. Шунингдек, 2009 йилдаги тузатишлар сувдан фойдаланувчилар ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтди – улар эндиликда сувдан фойдаланишни амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги иншоотлар, қурилмалар ҳамда бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш, берилаётган сувнинг миқдори ва сифатини текшириш, сувдан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бўйича олинмай қолган сув учун компенсация талаб қилиш, сув ресурсларини бошқаришга оид қарорлар қабул қилинишида иштирок этиш, манбанинг таҳмин қилинган ва ҳақиқий сувлигидан келиб чиққан ҳолда сув олиш лимитларини ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш, сув олиш ҳуқуқининг бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Юқоридаги Қонун асосида сув истеъмолчиларининг ҳам 6 та ҳуқуқлари ўзифодасини топти.

Шунингдек, 2009 йилдаги ўзгартиш ва қўшимчалар таъсирида Қонунда сув хўжалиги тадбирларини ўтказиш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли шартларини бекор қилиш ёки ўзгартириш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича алоҳида 39-модда киритилди. Унга мувофиқ корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжалиқлари ҳамда фуқароларга сув хўжалиги тадбирларини (сув объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини ва бошқаларни) ўтказиш, сувлардан нооқилона фойдаланиш, уларни булғатиш, ифлослантириш, камайтириш, шунингдек сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли шартларини қонунга ҳилоф равишда бекор қилиш ёки ўзгартириш натижасида етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда қопланади.

**Учинчидан.** Сувдан оқилона фойдаланишни, уни асраб-авайлаш, тежамкор ва эҳтиёткорона фойдаланишни таъминлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмлар белгилаб берилди. Хусусан, 2003 йилда сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби такомиллаштирилди, сувдан фойдаланувчиларнинг барчасига нисбатан сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби жорий этилиб, сувдан фойдаланиш лимитларини белгилаш тартиби ва механизмлари белгиланди. Шунингдек, 2003 йилда сувдан фойдаланишни режалаштириш тизими жорий этилиб, уларни тасдиқлаш тартиби, асослари, механизмлари белгиланди. 2009 йилда сувдан фойдаланиш лимитларини белгилаш тартиби, муддатлари ва механизмлари янада такомиллаштирилиб, уларни белгилашда сув истеъмолчилари уюшмалари роли ҳам кўзда тутилди.

**Тўртинчидан.** Сувдан фойдаланиш соҳасида маъмурий тартиб-таомиллар босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилди. Чунончи, сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмола қилиш учун рухсатнома бериш тартиби мустаҳкамланди (2009 йил), сув объектларида спорт ва ҳаваскорлик йўли билан балиқ овлашга рухсат берилиши кўзда тутилди (2011 йил), шунингдек табиий сув объектларининг сувидан махсус фойдаланиш ёки уларнинг сувини махсус истеъмола қилиш учун рухсатнома бериш тартиби аниқлаштирилди (2013 йил), рухсатноманинг амал қилишини тугатишга оид қоидалар киритилди (2014 йил).

**Бешинчидан.** Сувни муҳофаза қилишга оид механизмларни изчил кучайтириб бориш тенденцияси давом эттирилди. Хусусан, 2009 йилда ягона давлат сув фонди таркиби кенгайтирилди, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ва ишга тушириш шартлари, бундай корхоналар, иншоотлар ҳамда бошқа объектлар қуриладиган, реконструкция қилинадиган, таъмирланадиган ва тикланадиган жойларни белгилаш ва давлат экспертизасидан ўтказиш тартиби, ушбу объектларни ишга туширишни тақиқлаш асослари, сув объектларидан ўтадиган кўприклар, ўтиш йўллари ҳамда бошқа транспорт коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш тартиби белгиланди, 2011 йилда муҳофаза этиладиган сув объектларининг ҳуқуқий ҳолати аниқлаштирилиб, устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик сув объектлари ёки уларнинг айрим участкаларининг махсус мақоми белгиланди, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сувларидан фойдаланиш тартиби ва уларни муҳофаза қилиш чоралари мустаҳкамланди, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг сув объектларини олиб қўйишни чекловчи махсус норма киритилди.

Шунингдек, сувни муҳофаза қилишга оид яхлит механизмнинг таркибий қисми сифатида сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмола қилиш ҳуқуқини бекор қилиш асослари ҳам узлуксиз такомиллашиб борди. Хусусан, сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмола қилиш ҳуқуқи сувдан фойдаланишга, сув истеъмолига эҳтиёж қолмаганда ёки улардан воз кечилганда; сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли муддати тугаганда; корхона, муассаса, ташкилот, фермер хўжалиги тугатилганда, деҳқон хўжалиги тугатилганда (фаолияти тугатилганда); сув хўжалиги иншоотлари бошқа сувдан фойдаланувчиларга берилганда; танҳо фойдаланилаётган сув объектларини қайтариб олишга зарурат туғилганда бекор қилиниши белгиланди.

Қонун билан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини олиш ҳамда уни бартараф этиш бўйича учта асосий мажбуриятлари белгилаб қўйилди. Сув етказадиган зарарли таъсирдан муҳофаза қилиш, зарарли таъсирнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш тадбирлари қай ҳолларда сувдан фойдаланувчилар, сув истеъмолчиларининг маблағлари ҳамда маҳаллий бюджет ҳисобидан ҳамда қайси ҳолатларда республика бюджети ҳисобидан амалга оширилиши аниқлаштирилди;

**Олтинчидан.** Сувлардан ва сув объектларидан оқилонга фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек фуқароларнинг иштироки кенгайтирилмоқда.

2009 йилги тузатишларга кўра сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз уставларига мувофиқ ҳамда фуқаролар сувлардан ва сув объектларидан оқилонга фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашади. Айтилган давлат органлари бу тадбирларни ўтказишда сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек фуқароларнинг таклифларини ҳисобга олиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида белгиланди.

Юқоридаги қонун билан, шунингдек сув истеъмолчилари уюшмаларининг ҳуқуқий ҳолатига бағишланган янги 18<sup>2</sup>-модда киритилиб, унда сув истеъмолчи уюшмаларини ташкил этиш шартлари, уларнинг муассислари, аъзолари ҳамда сув истеъмолчилари уюшмаси ва унинг хизмат кўрсатиш зонасида жойлашган аъзолари, шунингдек бошқа қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда ўзга юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги сувга доир муносабатларни тартибга солиш хусусиятлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати унда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилишга доир ваколати махсус нормада белгилаб берилди (86-модда). Унга мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудидаги сув объектларидан фойдаланиш масалалари юзасидан фуқаролар ўртасидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш мазкур органларнинг ваколатига киради, қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари ҳамда шунга ваколатли бошқа давлат органлари ҳал қилиши лозим бўлган низолар бундан мустасно.

Шунингдек, Қонун нодавлат нотижорат ташкилотларига ўз уставларига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сувдан оқилонга фойдаланиш, сувни оқилонга истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилишга қаратилган самарали чора-тадбирларнинг татбиқ этилишини рағбатлантириш ва тақдирлаш имкониятини ҳам тақдим этди.

**Еттинчидан. Сувдан фойдаланиш турларининг хилма-хиллиги принципи мустаҳкамланди ҳамда изчил такомиллаштириб борилди.** Чунончи, 2009 йил 25 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни асосида сув қонунчилигига “сув истеъмоли” институти кириб келди. Қонунда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолчининг аниқ фарқлари, уларнинг ҳуқуқий тартиботи, сув истеъмоли манбалари, сув истеъмоли турларига оид муҳим қоидалар белгилаб қўйилди.

Шунингдек, 2009 йилда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тури ҳам анча такомиллаштирилди. Қонунда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолчини ташкил этиш,

суғориладиган ерларида қулай сув режимини вужудга келтириш, фермер ва деҳқон хўжалиқларининг сув олиш лимитларини манбаларнинг суви камайган ҳолларда уларнинг розилигисиз ўзгартириш мумкинлигини белгилаш, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланишни ва сув истеъмолчини режалаштириш, суғориладиган ерларда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолчининг ўзига хос хусусиятлари, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланувчи сувдан фойдаланувчиларнинг ва сув истеъмолчиларининг мажбуриятларини мустаҳкамлаш бўйича муҳим янгиликлар киритилди (47–50-моддалар).

Хусусан, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ресурсларидан фойдаланувчи сув истеъмолчилари зиммасига қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарактларини суғориш, шунингдек яйловларга сув чиқаришнинг қулай режимини сақлаш; сувни тежайдиган технологияларни ва илғор суғориш техникасини жорий этиш орқали суғориш воситалари ва усулларини такомиллаштириш; сувни тежаш имконини берадиган агротехника тадбирларини амалга ошириш; тупроқ унумдорлигини сақлаш имконини берадиган мелиорация тадбирларини амалга ошириш ва бошқа мажбуриятлар юқланди.

**Саккизинчидан.** Сувдан фойдаланиш соҳасида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Хусусан, 2009 йилда Қонунга сув истеъмолчиларининг сув объектларидан бериладиган сув оқими маромини ўзбошимчалик билан ўзгартиришини тақиқловчи махсус норма киритилди (54-модда). Унга кўра сув истеъмолчиларининг сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари билан белгиланган тартибда келишилмаган ҳолда сув сарфини кўпайтириш ёки камайитириш мақсадида сув объектларидаги гидротехника иншоотларини ўзбошимчалик билан ўзгартириши, шунингдек уларга мувофиқат тўсиқлар, насос станциялари (агрегатлар) ва сувни кўтарадиган ҳамда сув оладиган бошқа иншоотларни қуриши, шунингдек рўйхатдан ўтказилмаган сув ажратиш жойларидан ўзбошимчалик билан сув олиш тақиқланди.

Қонунда, шунингдек сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилувчи органлар ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати белгиланди, яъни бундай органлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари, шунга ваколатли бошқа органлар ва судлар кўзда тутилди. Ҳар бир органнинг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилишга доир ваколати алоҳида моддаларда мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати унда сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик учун алоҳида боб киритилиб, сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши белгиланди. Натижада ушбу норма реализацияси сифатида 2009 йилда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузишга оид 74-модда билан такомиллаштирилди.

МЖТК билан табиий сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар, ер ости сувли қатламлари) ва сунъий сув оқимлари (очиқ ва ёпиқ каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари), сув ҳавзалари (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) ҳамда бошқа табиий ва сунъий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, сув олиш лимитларини бузиш, шунингдек лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган ҳолда улардан сув олишни амалга ошириш учун маъмурий жазо чоралари белгиланди.

**Тўққизинчидан.** Сувдан оқилона фойдаланиш, сувни оқилона истеъмоли қилиш ва сувларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий чора-тадбирлари мустақамланиб борилмоқда. Масалан, 2009 йилда сувдан оқилона фойдаланиш, сувни оқилона истеъмоли қилиш ва сувларни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий чора-тадбирлари сифатида сув ресурсларидан фойдаланганлик, сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари, сув объектларини ифлослантирганлик ва уларга зарарли таъсир этишнинг ўзга турлари учун ҳақ олиш; сувни тежайдиган технологияларни жорий этишда, сувни муҳофаза қилиш ва тежашда самарали бўлган фаолиятни амалга оширишда юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган солиққа, кредитга оид ва бошқа имтиёзлар белгилаш; ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, экологик рағбатлантиришнинг ва бошқача рағбатлантиришнинг самарали чора-тадбирлари тизимини қўллаш тартиби ва асослари мустақамланди.

Мамлакатимизда сув қонунчилиги ривожланишининг кейинги босқичида ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари тизими яхлитлиги ва ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мақсадида уларни кодификациялаш ҳамда ягона Сув кодексини қабул қилиш, шунингдек сувдан оқилона фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш, шу жумладан қишлоқ хўжалигида томчилаб суғориш тизимини жорий этиш учун иқтисодий рағбатлантиришнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу технологияларни жорий этиш учун имтиёзли кредитлаш ва молиялаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, ер ости сувларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада аниқлаштириш ва мустақамлаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, БМТ Бош котибининг “сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқ” деган фикрлари соҳани тартибга солишга қаратилган қонунчиликни тубдан такомиллаштириш нақадар муҳимлигини намоён этади.

Д.Р. Артиков,

Тошкент давлат юридик университети  
ўқитувчиси

## МАЪМУРИЙ СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада маъмурий суд ҳужжатларини ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва соҳадаги қонунчиликни ривожлантириш истиқболлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** “ижро варақаси”, маъмурий суд иш юритуви принциплари, ижро этиш муддати, ижронини кечиктириш.

**Аннотация:** в данной статье анализируются особенности исполнения административно-судебных актов и перспективы развития законодательства данной отрасли.

**Ключевые слова:** "исполнительный лист", принципы административного судопроизводства, сроки исполнения, задержание исполнения.

**Annotation:** this article describes the legal nature of the execution of administrative-judicial acts and the prospects for the development of legislation in this sphere.

**Keywords:** “writ of execution”, principles of administrative-judicial process, deadlines for execution, detention of execution.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда маъмурий низоларни ҳал этиш бўйича суд ислохотлари жадал тарзда амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Айниқса, Фармонда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш мақсадида илгор хорижий тажрибани ўрганиш асосида маъмурий судларни ташкил этиш бўйича белгиланган вазифа бу борада муҳим қадам бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимида маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатини ташкил этиш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) маъмурий судлари учун 262 та судьялар штат бирлиги ажратилиши белгиланди [1].

Хориж тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак маъмурий низоларни ҳал этишнинг умумий судлов шакли кенг амал қилади. Ушбу тизимнинг моҳияти шундаки, ижро ҳокимияти устидан суд контроли умумий юрисдикция судлари томонидан фуқаролик процессуал қоидалари асосида амалга оширилади. Бундай тизим Буюк Британия, АҚШ, Австралия, Канада, Ҳиндистон, Бельгия, Дания, Норвегия ва Япония каби мамлакатларда мавжуд [2]. Ўз навбатида, ягоналаштирилган тизим ҳам иккига бўлинади. Биринчи тизимга Дания, Норвегия, Япония давлатлари кириб, уларда маъмурий юстиция фақат умумий судлар томонидан амалга оширилади. Буюк Британия, АҚШ, Канада, Янги Зеландияда эса умумий судлардан ташқари махсус маъмурий трибуналлар ҳам тузилган. Маъмурий трибуналларнинг ташкил этилиши қуйидаги

ҳолатлар билан изоҳланади: биринчидан, трибуналлар томонидан ишларнинг тез ва малакали равишда ҳал этилиши; иккинчидан, улар фаолиятини таъминлашда харажатларнинг кам сарфланиши.

Кўпгина Европа давлатлари, хусусан, Германия, Австрия, Финляндия кабиларда маъмурий судларнинг алоҳида тизими амал қилади. Ушбу органлар ижро органларидан ҳам суд органларидан мустақил ҳисобланади. Шунингдек, ушбу органлар давлатнинг ягона суд тизимига кирувчи тўлақонли суд органлари ҳисобланади[3]. Бизнинг мамлакатимизда ҳам ушбу тизим амал қилади. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаси ҳам давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахслари билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасида вужудга келадиган маъмурий низоларнинг ихтисослашган маъмурий судлар томонидан ҳал этилишининг бир қатор устун жиҳатлари мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, шикоятлар юқори маъмурий орган томонидан эмас, балки ҳолис орган суд томонидан ошкоралик ва тортишувчилик тамойилларига амал қилган ҳолда белгиланган процессуал тартиб-қоидалар асосида кўриб чиқилади ҳамда судда шикоятчига ўз манфаатини ҳимоя қилиш учун далиллар тақдим қилиш учун қулай шароит яратилади. Маъмурий судлар ташкил этилиши давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулияти янада ортишига ҳамда улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги таъминланишига хизмат қилади[4].

Мамлакатимизда маъмурий судларда оммавий-хуқуқий низоларни ҳал этиш 2018 йил 25 январь куни қабул қилинган Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс[5] асосида ҳал этиб келинмоқда. Ушбу кодекс шу йилнинг 1 апрель кунидан бошлаб кучга кирди. Кодекс IV бўлим, 29 боб ва 288 моддадан иборат.

Маълумки, суд қарорларини ижро этиш масаласи маъмурий низоларни ҳал этишнинг якуний босқичи ҳисобланади. Ўз навбатида, энг муҳим босқичларидан бири сифатида баҳолаш мумкин. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 4-бўлими суд қарорлари ижро этишга бағишланган. Кодекснинг 276-моддасига кўра суд ҳужжатлари қонуний кучга киргач ижрога қаратилади, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда дарҳол ижро этиш ҳоллари мустасно. Суд ҳужжатининг ижроси ҳал қилув қарори (қарори) асосида пул маблағларини мажбурий ундириш бўйича суд ҳужжатининг ижроси эса суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Суд томонидан берилган, ундирувчининг суд ҳужжатини мажбурий тартибда ижро эттириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ижро варақасидир.

Россия Федерацияси Маъмурий суд иш юритуви кодексига кўра суд қарорлари у кучга кирганидан сўнг ижро этилиши лозим, федерал қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳоллар бундан мустасно. Агар апелляция шикояти бериладиган тақдирда, суд қарори шикоят кўриб чиқилганидан сўнг кучга киради[6].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Россия Федерацияси қонунчилида маъмурий суд қарорларини ижро этиш муддатини оқилона белгилаш принцип сифатида белгилаб ўтилган. Жумладан, Маъмурий суд иш юритуви кодексининг 6-моддасига кўра маъмурий

суд ҳужжатларини оқилона муддатда ижро этилиши қайд этиб ўтилган.

Германияда ҳам маъмурий суд процессининг принциплари сифатида маъмурий суд ҳужжатларини оқилона муддатда ижро этилиши белгилаб ўтилган.

Мазкур принципни қонунчиликда белгиланиб қўйилиши суд ҳужжатларини ижро этишда муддат борасидаги муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади. Мамлакатимиз қонунчилигида қуйидаги принциплар белгилаб ўтилган:

Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши;

Қонун ва суд олдида тенглик;

Судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши;

Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқчилиги;

Маъмурий суд ишлари юритиладиган тил;

Суд муҳокамасининг ошкоралиги;

Суд муҳокамасининг бевоситалиги;

Маъмурий ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш.

Юқоридаги принциплардан кўриш мумкинки, амалдаги қонунчиликда маъмурий суд ҳужжатларини оқилона муддатда кўриб чиқиш принципи ўз аксини топмаган. Хорижий мамлакатлар тажрибаси ва суд ҳужжатларини ижро этиш муддатини юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш нуқтаи назардан маъмурий суд ҳужжатларини оқилона муддатда ижро этилиши принципини Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига киритиш мақсади мувофиқдир.

Одатда, суднинг қарори бошқарув органи томонидан тўлиқ ижро этилади. Бошқарув органининг ўзи суднинг қароридан хулоса чиқариб, тегишли ҳаракатларни амалга оширади. Суднинг қарори ижро этилмаган тақдирда ҳам суд бошқарув органига нисбатан ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун пеня тўлашни талаб қила олади. Бундан ташқари, Давлат Кенгашининг ўзи ҳам вазифаларининг ва фаолиятининг хусусиятига кўра ижро ҳокимиятининг бир элементи ҳисобланади. Шуни эътиборга олиш керакки, француз маъмурий юстицияси маъмурий суд органларининг ижро ҳокимияти тизимида ташкил этилганлиги билан ҳам бошқа давлатларнинг маъмурий суд тизимидан фарқ қилади. Ана шу сабабли ҳам Франция маъмурий судлари квази шакл сифатида ўз фаолиятини олиб боради. Ушбу судларнинг камчилик жиҳатлари эса қуйидагиларда намоён бўлади. Француз олимларининг фикрига кўра ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан энг муҳими бу судларнинг бошқарув органига муайян иш юзасидан тўғридан-тўғри тақдимнома кирита олмаслиги ҳамда маъмурий суд органлари таъсирининг аҳоли кенг қатламларига кириб бормаслигидир.

Суд ҳужжатларини ижро этиш борасида Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун асосий роль ўйнайди. Ушбу Қонуннинг мақсади суд ҳужжатлари, шунингдек қонунда белгиланган ваколатларини амалга ошираётганларида жисмоний ёки юридик шахслар зиммасига пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни ўзга шахсларга бериш ёхуд улар фойдасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклаш ҳуқуқи берилган бошқа органларнинг (мансабдор шахсларнинг) ҳужжатлари мажбурий ижро этилаётганда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади[7].

Қонуннинг 5-моддасига кўра қонунда белгиланган қоидаларга биноан қуйидагилар ижро этилиши лозим:

1) фуқаролик ишлари ва иқтисодий низолар бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари;

2) жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми, шунингдек жарима тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми;

4) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;

5) нотариусларнинг ижро хатлари;

6) меҳнат низолари комиссияларининг қарорлари;

7) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;

8) ҳакамлик судининг қарорлари;

9) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ёки халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет эл судлари ва арбитражларининг қарорлари;

10) ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйлarda яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;

11) суд ижрочиларининг ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллардаги қарорлари;

12) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари.

Юқоридаги ҳужжатлар ичида оммавий-ҳуқуқий низолар доирасида чиқариладиган мамурий суд ҳужжатлари назарда тутилмаган. Аслини олганда, маъмурий суд ҳужжатларини ижро этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Буни маъмурий низоларни бошқа судларда кўриладиган ишлардан анча фарқ қилиши билан асослаш мумкин. Жумладан, маъмурий низоларни ҳал этишни фуқаролик низодан фарқли жиҳатларини қуйидагича асослаш мумкин:

1. Фуқаролик процессида томонлар сифатида икки хусусий шахс иштирок этади. Маъмурий низода эса фуқаролик процессидан фарқли равишда тарафлардан бири сифатида мансабдор шахс (бошқарув органи) бўлиб, у ишда хусусий шахс эмас балки маъмурий идоранинг вакили сифатида иштирок этади [8].

2. Давлат органи ёки мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан судга шикоят билан мурожаат қилган фуқаро нафақат даъвогар, балки ҳам айбловчи, ҳам жабрланувчи сифатида ишда иштирок этади.

3. Фуқаролик процессида суднинг қарори фуқаролик-ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқарса (зарарни қоплаш, неустойкани ундириш), маъмурий процессда иш шикоят предмети бўлган бошқарув актини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш билан яқунланади [9].

Маъмурий суд ҳужжатларини ижро этиш давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари билан бевосита боғлиқдир. Яъни, ижро органлари давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг суд ҳужжатларини ижро этишга мажбур қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига маъмурий суд ҳужжатларини киритиш мақсадга мувофиқ. Ушбу моддани қуйидаги тартибда баён қилиш лозим:

“Ушбу Қонунда белгиланган қоидаларга биноан қуйидагилар ижро этилиши лозим:

1) фуқаролик ишлари, иқтисодий ва маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари;

...”.

Маъмурий суд иш юритувида суд қарорини ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари маъмурий ишларнинг хусусиятлари билан белгиланади. Аризачининг талаблари ҳокимиятга эга бўлган маъмурий органи муайян ҳаракатлар қилиш ёки улардан тийилишга мажбур қилади.

Умумий қоида сифатида маъмурий ишлар бўйича суд қарори қонуний кучга кирган санадан бошлаб ижрога қаратиш мумкин. Маъмурий судлов ишининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда маъмурий суд кўпинча суд қарорини дарҳол ижро этиш учун аризачининг илтимосномасидан фойдаланади, чунки бу ҳуқуқни амалга оширишда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Мантиқан олиб қараганда, мансабдор шахснинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш бўйича ишлар дарҳол ижро этилиши маъмурий суд иш юритуви қонунчилиги мақсадига мувофиқ келади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 2-моддасига кўра маъмурий суд ишларини юритиш вазибалари қуйидагилардан иборат:

маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг (бундан буён матнда юридик шахслар деб юритилади) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш;

қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш.

Маъмурий суд ҳужжатларини ижро этишнинг муҳим жиҳатларидан бири суд ҳужжатларида жавобгар бажариши керак бўлган ишларнинг рўйхати кўрсатилиши керак ва уларни бажариш тартиби ҳам ўз ичига олиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Маъмурий суд ҳужжатларини ижро этиш борасида маъмурий суд ҳужжатлари ижросини кечиктириш ва ўзгартириш муҳим ўрин тутаяди. Россия Федерацияси қонунчилигига кўра, суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, ижро ҳужжатини чиқарган суд қарздорнинг илтимосномаси орқали суд ҳужжати ижросини кечиктириши, ёки уни ижро этиш тартибини ўзгартириши мумкин.

Россияда мазкур турдаги иш судга илтимоснома келиб тушган кундан бошлаб ўн кун ичида суд томонидан кўриб чиқилади. Кўрсатилган шахсларга нисбатан суд мажлисининг вақт ва жойини тегишли равишда хабардор қилинган шахсларнинг судга келмаслиги ариза кўриб чиқишида тўсқинлик қилмайди. Аризани кўриб чиқиш натижалари ижрога тайинланган санадан кейинги иш кунидан кечикмай жўнатилади.

Амалдаги қонунчиликда ушбу тартиб белгилаб ўтилган. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 32-моддасига кўра ижро

ҳаракатларини амалга оширишга тўқинлик қиладиган объектив ҳолатлар бўлган тақдирда, суд ижроси ўз ташаббуси билан ёхуд тарафлардан бирининг аризасига кўра, шунингдек тарафларнинг ҳар бири мустақил тарзда ижронини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш ҳамда ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга мурожаат қилишга ҳақлидир. Ижро ҳужжатини ижро этиш кечиктирилган тақдирда, ижро этишни кечиктирган суд ёки бошқа орган томонидан белгиланган муддат ичида ижро ҳаракатлари амалга оширилишига йўл қўйилмайди. Қарздорнинг ҳисобварақларига қўйилган хатлов кечиктириш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган тақдирда кечиктириш муддатига олиб ташланади.

Маъмурий суд ҳужжатлари ижросини кечиктириш ва ўзгартириш масаласини Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига алоҳида модда сифатида киритиш муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур тартибот, ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш, ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш, Ижро варақасининг дубликатини бериш каби алоҳида аҳамиятга эгадир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маъмурий суд ҳужжатларини ижро борасида амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

**Биринчидан**, амалдаги қонунчиликда маъмурий суд ҳужжатларини оқилона муддатда кўриб чиқиш принципи ўз аксини топмаган. Хорижий мамлакатлар (Германия, Россия ва бошқалар) тажрибаси ва суд ҳужжатларини ижро этиш муддатини юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш нуқтаи назардан маъмурий суд ҳужжатларини оқилона муддатда ижро этилиши принципини Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига киритиш мақсадга мувофиқдир.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига маъмурий суд ҳужжатларини киритиш мақсадга мувофиқ. Ушбу моддани қуйидаги тартибда баён қилиш лозим:

“Ушбу Қонунда белгиланган қоидаларга биноан қуйидагилар ижро этилиши лозим:

1) фуқаролик ишлари, иқтисодий ва **маъмурий судларнинг** ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари;”.

**Учинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига Маъмурий суд ҳужжатлари ижросини кечиктириш ва ўзгартириш тартиботини алоҳида модда сифатида киритиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунида мазкур тартибот ўз ифодасини топган бўлсада, иш суд аралашуви билан амалга ошишини ҳисобга олиб, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига киритиш мақсадга мувофиқдир.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Ушбу Фармон “Халқ сўзи”

газетасининг 2017 йил 22 февралдаги 38 (6732)-сонда эълон қилинган

2. Стариков Ю.Н. Административная юстиция. Теория, история, перспективы. – М., 2001. – С. 261.

3. Кривельская О.В. Административная юстиция в Федеративной Республике Германии: Дисс....канд. юрид. наук. – М., 2004. – С. 168.

4. Йенс Демпе. Административное право в Германии и во Франции. [http://www.bizneslaw.uz/5\\_6/sravntab.htm](http://www.bizneslaw.uz/5_6/sravntab.htm).

5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон

6. Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации" от 08.03.2015 N 21-ФЗ (ред. от 19.07.2018)

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномас. –2001. –№ 9,10.169-модда

8. Усанов В.Е. Институт административной юстиции в системе административного права: Дисс....канд. юрид. наук. – М., 1999. – С. 57.

9. Стариков Ю.Н. Административная юстиция. Проблемы теории. – Воронеж, 1998. – С. 97.

**Б.Т.Мирзараимов,**  
ТДЮУ “Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи”  
кафедраси ўқитувчиси

### АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИНИ КАФОЛАТЛАШ МЕХАНИЗМИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИГА ОИД МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛИ

**Аннотация:** мақолада фуқароларнинг ахборот эркинлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқаруви органлари шакллантиришдаги иштирокини каби масалалар таҳлил этилган. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ахборот, ахборот эркинлиги, ахборот жамияти, фуқаролик жамияти, давлат ҳокимияти, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, либераллаштириш.

**Аннотация:** в данной статье проанализирован роль средств массовой информации в обеспечении свободы информации граждан и участия в формировании органов государственной власти, а также органов управления

**Ключевые слова:** информация, свобода информации, информационное общество, гражданское общество, государственная власть, нормативно-правовые акты, либерализация.

**Annotation:** this article analyzes the role of mass media in providing freedom of information of citizens and participation in the formation of public authorities and governing bodies

**Key words:** information, freedom of information, information society, civil society, government, legal acts, liberalization.

Ахборот эркинлигига бўлган ҳуқуқларни ўзида ифода этган қонунчилик нормаларини ижтимоий воқеликка татбиқ этиш, энг аввало, бу борада муайян механизмнинг яратилганлиги ва унинг самарали фаолият юритишини тақозо этади. Шу жиҳатдан олганда, ушбу ҳуқуқни амалга оширишда фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий институти ҳисобланган оммавий ахборот воситаларига алоҳида ўрин берилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, шаклланиб келаётган ҳозирги ахборот жамиятида оммавий ахборот воситаларига фақатгина ахборот олишнинг оддий воситаси сифатида қаралмайди. Бундай шароитда мазкур институт нафақат оммавий онга таъсир этиш имкониятига эга, балки у жамиятда юриш-туриш, ҳуқуқ-атвор қоидаларини шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатида ҳам майдонга чиқади. Ахборот жамиятида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти жамиятнинг барча қатламларига қаратилган бўлиши, уларнинг манфаатларини кўзлаб, умуминсоний тамойиллар асосида, эркинлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган бўлиши лозим.

Бинобарин, оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муайян мақсадни кўзлаб фаолият юритишларини инкор этмаган ҳолда, уларнинг асосий вазифалари, энг

аввало, инсонларнинг ахборот эркинлигига бўлган ҳуқуқларини реал амалга оширишга хизмат қиладиган восита эканлигига алоҳида урғу бериш лозим бўлади.

Ҳозирги кунда ахборот – жамият ҳаётини ташкил этишнинг зарурий омилларидан бирига айланиб бормоқда. Шу жиҳатдан олганда, инсон фаолиятининг у ёки бу даражада ахборот олиш ва уни қайта ишлаш жараёнлари билан боғлиқ бўлмаган бирор бир тармоғи қолмади. Тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги дунёда – фуқароларнинг янги шароитларга мослашишларига кўмаклашиш, уларга бўлаётган воқеалар, жараёнлар, ҳодисалар тўғрисида ахборот бериб бориш, шунингдек ижтимоий институтлар ва давлат ҳокимияти органлари билан муносабатлар ўрнатишга шароит яратишда оммавий ахборот воситалари институти муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, жамиятда оммавий ахборот воситаларига “ҳалқнинг овози” сифатида тавсиф берилади. Улар жамият аъзоларининг манфаат ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларга ҳаёт учун зарур бўлган турли хил маълумотларни етказиб беради.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг том маънода мустақиллигини таъминлаш, бозор иқтисодиёти шароитида ушбу институт фаолиятининг турли жиҳатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий тамойиллари ўз ифодасини топган. Ушбу конституциявий тамойил асосида бевосита соҳага оид, яъни оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Маълумки, ҳар қандай ташкилий тузилманинг моҳияти, мазмуни ва мақсади у олиб борадиган функциялар ва фаолият йўналишларида ифодаланади. Шу жиҳатдан олганда, оммавий ахборот воситаларининг ахборот эркинлигини амалга ошириш механизмидаги функцияларини таҳлил этиш, ўз навбатида, уларнинг ушбу тизимдаги ўрни ва аҳамиятини аниқлашга ёрдам беради. Бинобарин, оммавий ахборот воситаларининг функциялари ҳам уларнинг жамият ҳаётига нисбатан муайян фаолиятни амалга оширишлари орқали таъсир кўрсатишларида намоён бўлади.

Илмий адабиётларда ва қонунчиликда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари, фаолият доираси ва йўналишлари (функциялари) нималардан иборат эканлиги тўғрисида турли хил қарашлар ва ёндашувлар мавжуд. Ушбу ҳолат ўз навбатида, оммавий ахборот воситаларининг функциялари доирасини чегаралашда ва уларни муайян тизимга келтиришда маълум қийинчиликлар келтириб чиқаради. Бинобарин, оммавий ахборот воситаларининг асосан жамиятни етарли ва зарур ахборот билан таъминлаш ҳамда жамоатчилик фикрини айнан ифодалаш каби функцияларни амалга ошириши барчага аён.

Утган асрнинг 40-йилларида Хатчинс комиссияси (Hutchins Commission) томонидан амалга оширилган “Мустақил ва жавобгар матбуот” номли тадқиқотда илк бор оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва унинг функцияларини қайси йўналишлар бўйича кўриб чиқиш лозимлиги тўғрисидаги масалалар ўрганилган. Унда ўша даврнинг

етакчи оммавий ахборот воситаси ҳисобланган матбуотнинг қуйидаги асосий функциялари кўрсатиб ўтилган эди:

– ахборотни тўлиқ, аниқ ва ҳаққоний етказиб бериш;

– турли хил ғоя ва қарашларни ифода этиш ҳамда муайян масалалар юзасидан танқидий чиқишлар қилиш мумкин бўлган минбар вазифасини ўташ;

– жамиятда қарор топган кадрларни аҳоли онига сингдириш, қўйилган мақсад ва вазифаларни жамоатчиликка етказиш ҳамда улар фаолиятини ушбу ишларга йўналтириш;

– фуқароларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш [1].

Фуқаролар ижтимоий воқелик тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан, ҳуқуқий ахборотларни асосан оммавий ахборот воситалари орқали оладилар. Бу эса оммавий ахборот воситаларининг (кўпроқ телевидение) нафақат воқеликни кўрсатувчи кўзгу, балки жамоатчилик онгида дунё сиёсий воқелигини шакллантирувчи восита эканлигидан ҳам далолат беради. Электрон оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий воқеликни акс эттириши ва жамоатчилик дунёқарашини шакллантириши, кўп жиҳатдан, ахборот маконининг қандай тузилганлигига боғлиқ бўлади. Бинобарин, бугунги кунда айрим давлатларда оммавий арена ғоялар рақобати кечадиган майдон эмас, балки кўпроқ жамоатчиликни ишонтира олиш имкониятларининг мусобақаси рўй берадиган макон сифатида намоён бўлмоқда. Бунда ахборот технологиялари оммавий онга таъсир этишининг самарали омили сифатида қаралиб, улар ёрдамида муайян кучларнинг манфаатларини амалга оширишда муайян восита сифатида фойдаланилмоқда. Бу борада А.И.Соловьев тўғри таъкидлаб ўтганидек, ҳозирги кунда айнан медиакратия жамиятда ҳокимият фаолиятининг асосий йўналишларини ва мазмунини белгилаб бермоқда [2].

Фикримизча, ҳозирги замон кишисининг мураккаб ҳуқуқий маконда ўз ўрнини топишида, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситалари томонидан етказиладиган ҳуқуқий ахборотлар муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, шахсининг ўзини ўзи сиёсий-ҳуқуқий англаш жараёнида фақат оммавий ахборот воситаларининг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб ҳисоблаш ҳам унчалик тўғри бўлмайди. Бу жараёнда ҳар бир оминининг улуши мавжудлигини эътиборга олиш лозим.

Фуқаролар, энг аввало, ахборотлаштириш жараёнида ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқий назариялар, концепциялар, ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлиги ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятдан хабардор бўладилар. Ўз навбатида, оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий ахборотлаштириш жараёнида ахборотни тезкор, ҳаққоний, тўлиқ ёритиш ва қонунийликка амал қилиш каби тамойилларга асосланиб, фаолият юритишлари лозим.

Шу ўринда айтиш мумкинки, ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари етказиб бераётган ахборот оқимида ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий характердаги маълумотлар ҳажми унчалик салмоқли эмас. Шу билан бирга, иқтисодий фаоллашув шароитида фуқароларнинг тегишли адабиётларни ўқиш, радио тинглаш ва телевизор кўришга сарфлайдиган жами вақтининг қисқараётгани, шунингдек ахборот бозорига хорижий тузилмаларнинг кириб келаётганлиги бу

борада муайян муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

А.Азизхўжаев ушбу ҳолатларнинг юзага келишини кўпгина газета ва журналларнинг, ахборот агентликлари тарқатаётган хабарларнинг савияси бугунги кун ўқувчисининг маънавий-информацион эҳтиёжларини тўла қондира олмаётганлигида деб изоҳлайди. Унинг фикрича, газета-журналларнинг мавзу доираси, материалларни бериш шакли бир-бирига ўхшайди, жалб қилинаётган асосий муаллифлар доираси тор ва улар бир-бирини такоррайди. Воқеа-ҳодисаларни ёритишда дадиллик, тезкорлик, уларнинг моҳиятига кириб бориш каби муҳим хусусиятлар етишмайди [3].

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини ҳуқуқий шаклсиз, яъни бу борадаги қонунчиликни такомиллаштирмасдан, замонавий технологиялар ва усуллар, илғор давлатларнинг тажрибасини мужассамлаштирган тегишли механизмларни яратмасдан туриб, самарали ташкил қилиш ва қўйилган натижаларга эришиш мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, ахборот эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Юртимизда аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустақам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шу билан бирга, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қамровли институционал ислохотлар амалга оширилди.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустақамлаш мақсадида бир қанча жамоат ташкилотлари ташкил қилинди. Ўз таркибида 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатга олинб, давлат реестрига киритилган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 1 минг 564 тани ташкил этади. Булар 694 газета, 330 журнал, 14 ахборотнома-бюллетень, 4 ахборот агентлиги, 68 телевидение, 37 радиостанция, 418 веб-сайтдир. Улар 7 тилда ва сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий, спорт каби 20 дан ортиқ йўналишда фаолият олиб бормоқда (2017 йилги маълумот) [4].

Эътиборга молик жиҳати шундаки, оммавий ахборот воситаларининг таркиби ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Буни юртимиздаги барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани ҳам тасдиқлайди. Глобал тармоқда uz домени веб-сайтлар, ахборот порталлари сони 400 дан ошди. Бу ресурсларнинг аксарияти хорижий тилларда фаолият



кўрсатаётгани, ушбу йўналишда янги ижодий авлод – интернет журналистлари шаклланиб бораётганини кўрсатади [5].

ОАВни либераллаштиришнинг энг муҳим йўналиши журналистлар, ОАВ техник ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг маҳорати ва ижодий фаоллигини ошириш ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича тегишли давлат дастури амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги қарори билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилган бўлиб, оммавий ахборот воситалари соҳаси учун юқори малакали, бир неча хорижий тилларни мукамал биладиган халқаро журналистлар ҳамда илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ–5618-сон Фармонида 1-илова сифатида қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси” да жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифаларидан бири сифатида оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларида кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш белгиланган.

Айни пайтда Концепциянинг 3 боби аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш масалаларига бағишланган бўлиб, унда қуйидаги масалалар назарда тутилган:

1. Ҳуқуқий мавзуларни тизимли ва таҳлилий ёритиб бориш ҳамда аҳолини қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга доир телекўрсатувлар кўламини кенгайтириш.

2. Оммавий ахборот воситаларининг (матбуот, телевидение, радио) ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги фаолиятини рағбатлантиришнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаб бериш бўйича таклифлар тайёрлаш.

3. Ҳуқуқий даврий нашрларни интернет тармоғига интеграция қилиш ва уларнинг электрон нусхалари жойлаб борилишини таъминлашни йўлга қўйиш.

4. Аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш мақсадида “Ҳуқуқий ахборот” радио лойиҳасини ташкил этиш ва амалга ошириш.

5. Ҳуқуқий соҳани ёритувчи журналистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини доимий ошириб бориш тизимини яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

6. Қабул қилинган қонун ҳужжатларига мустақил экспертлар, мутахассислар ва аҳолининг фикри ҳамда муносабатини акс эттирувчи таҳлилий ток-шоу, баҳс-мунозара йўналишидаги кўрсатув ва эшиттиришларни эфирга узатиш.

7. Аҳоли ўртасидаги долзарб ижтимоий-ҳуқуқий муаммолардан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқий маърифатини оширишга хизмат қиладиган, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган таъсирчан телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни

ҳамда ҳуқуқий мавзудаги лойиҳаларни тайёрлаш ва тарқатиш.

8. Давлат органлари ахборот хизматларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатишдаги роли ва ўрнини кучайтириш, шу жумладан, давлат органи нуфузига таъсир кўрсатадиган салбий хабарлар бўйича зудлик билан муносабат билдириб бориш механизмини яратиш [6].

Дарҳақиқат, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари зиммасига катта масъулият юкланади. Биринчи навбатда, улар реал ҳаётни, мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришларни холис ва ҳар томонлама акс эттириши, юзага келаётган муаммоларни кўтариб чиқиши, шу тариқа уларни ҳал этишга кўмаклашиши лозим. XXI асда ҳамма жабҳаларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ахборотнинг жамият ривожига таъсир кўрсатишининг асосий омилларидан бирига айланмоқда.

Юқоридаги фикрларнинг барчаси, соҳани қай даражада шиддат билан ривожланиб бораётганини, ушбу соҳани тартибга солиш ва вужудга келаётган ижтимоий муносабатларни замон талаблари даражасида ҳуқуқий тартибга солиш, ушбу соҳани бошқариш ва уни фаолиятини белгилашга масъул давлат органлари фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб бориш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Айни пайтда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек ахборот соҳасидаги амалда бўлган қонунчиликка ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ахборот эркинлигини кафолатлаш борасидаги кемтик жойларни тўлдириш, шунинг баробарида ҳокимият ва бошқарув органларининг қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгарлигини кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ҳамда парламент назоратини таъминлашда, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни мустақамлашда ОАВнинг ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни вужудга келтириш, журналистларнинг касбий маҳоратларини тизимли ривожлантириб бориш механизмларини янада кучайтириш имконини беради.

Ахборот эркинлигини кафолатлаш механизмида оммавий ахборот воситаларининг роли хусусида сўз юритар қилар эканмиз, мазкур масала бўйича қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин бўлади:

**Биринчи.** Қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кенг жамоатчиликка етказишда ОАВ асосий ахборот тарқатувчи сифатида майдонга чиқади.

**Иккинчи.** Демократик ислохотлар шароитида ОАВнинг самарали фаолият юритиши ҳамда ривожланиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб қувватланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ОАВ мулкчиликнинг турли хил шакллари кўринишида ташкил этилади ва уларнинг фаолияти бозор қонуниятларига асосланади. Шу билан бирга, ОАВнинг барқарор фаолият юритишлари ҳамда жамиятда муайян ижтимоий функцияларни амалга оширишлари учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари уларни ҳар томонлама қўллаб қувватлайди.

Ўз навбатида, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасига асосан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситалари шу органларнинг расмий хабарлари ва материалларини, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини эълон қилиши шарт [7].

Мамлакатимизда ахборотнинг турлари, кўламлари ва ҳажмлари кенгайиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, ахборотларнинг тезкорлиги, қулайлиги ва ишончлилигини, ахборот инфратузилмасини ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни таъминлаш мақсадида ҳар бир давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ушбу органларнинг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тайёрлаш ҳамда тарқатиш вазифаларини бажарувчи, шунингдек оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминловчи таркибий бўлинмаси (ёхуд ушбу вазифаларни бажариш зиммасига юклатилган шахс) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ташкил этилган.

**Учинчи.** ОАВнинг давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқаруви органлари билан ўзаро алоқасининг яна бир шакли сифатида мазкур институтнинг юқоридаги органларни шакллантиришдаги иштирокини кўрсатиб ўтиш мумкин. Давлат ҳокимиятининг тегишли органларига (Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органлари) ўтказиладиган сайловлар жараёнида сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш тартиблари ва муддатлари, сайлов компаниясининг қандай олиб борилаётганлиги, руйхатдан ўтган номзодлар тўғрисида ва бошқа масалалар юзасидан жамоатчиликни тўлиқ хабардор қилиш каби вазифаларнинг ахборотлаштириш билан боғлиқ қисмини, энг аввало, ОАВ орқали амалга оширадилар. Қонунчиликда сайловлар ва ташвиқот фаолиятининг давлат томонидан ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватланиши тамойили назарда тутилган бўлиб, унга кўра ОАВ тегишли давлат ҳокимияти органлари сайловига тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

**Тўртинчи.** Оммавий ахборот воситалари ҳали “тўртинчи ҳокимият”ни тўлақонли намоён этиш даражасига кўтарила олгани йўқ, яъни улар халқ ҳаётининг ифодачисига, инсон ҳуқуқлари ҳимоячисига айлана олганлари йўқ. Ушбу пировард мақсадларни амалга ошириш учун авваламбор оммавий ахборот воситаларига доир ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш ва ҳаётга тадбиқ этиш керак. Раҳбарлар, мансабдор шахслар ва оддий фуқаролар бу соҳадаги қонунларни, ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билишлари, журналистлар ўз қўлларидаги ахборотлардан тўғри фойдаланиб сўз кучини ишга солиб, жамият аъзоларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларни доимий равишда тушунтириб, ахборот бериб, мавжуд камчиликлар ва уларнинг ечимига оид масалаларни бериб боришлари керак.

**Бешинчи.** Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишларни танқидий баҳолаб, оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат

қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек тахририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш зарур.

Бир сўз билан айтганда, юқорида келтирилган масалалар ҳамда уларнинг ечимига қаратилган чора тадбирларнинг амалга оширилиши ахборот эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.medialaw.ru/publications/books/medialaw2/comment/5.html>], свободный.
2. Соловьев А.И. Политический дискурс медиакратий: Проблемы информационной эпохи // Политические Исследования. 2004. – №2. – С.124.
3. Азизхўжаев А. Тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи / Энг содиқ дўст, энг содиқ ҳамроҳ. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б.25.
4. <https://soglom.uz/jarayon/axborot-erkinligi-bu-qonunlarga-rioya-qilmaslik-degani-emas/>.
5. <http://uza.uz/oz/society/ommaviy-axborot-vositalarining-bosh-mezoni> – 14-07-2017.
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2007. – №3. 20-модда.

**Д.Ф.Нурмухамедова,**  
самостоятельный соискатель Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

### ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ ПРАВОВОГО ИНСТИТУТА СДЕРЖЕК И ПРОТИВОВЕСОВ В ДВУХПАЛАТНЫХ ПАРЛАМЕНТАХ МИРА

**Аннотация:** в статье дан детальный анализ полномочиям палат парламентов зарубежных стран, действию института «сдержек и противовесов», эффективность принципа разделения властей, история и современный практический опыт компетенций каждого из палат парламентов зарубежных стран, рассмотрение опыта каждого государства в отдельности, причины возникновения разногласий между палатами парламента и пути их преодоления.

**Ключевые слова:** парламент, палаты парламента, разделение властей, институт «сдержек и противовесов», компетенция палат парламента.

**Аннотация:** ушбу мақолада ҳорижий мамлакатлар парламенталари палаталарининг ваколатлари, “бир-бирини тийиб туриш” институтининг таъсир кучи, ҳокимият бўлиниш тамойилининг самарадорлиги, ҳорижий мамлакатлар парламенталари ҳар бир палатасининг тарихий ва замонавий амалий тажрибаси, ҳар бир давлат тажрибасининг алоҳида ўрганилиши, палаталараро зиддиятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш йуллари батафсил таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** парламент, парламент палаталари, ҳокимиятлар бўлиниши, “тийиб туриш” институти, парламент палаталарининг ваколатлари.

**Annotation:** the article gives a detailed analysis of the powers of the chambers of parliaments of foreign countries, the operation of the institution of checks and balances, the effectiveness of the principle of separation of powers, history and contemporary practical experience of the competences of each of the chambers of parliaments of foreign countries, the perscrutation of the experience of each state separately, the reasons of disagreements between the chambers of parliament and ways to overcome them.

**Keywords:** parliament, chambers of parliament, separation of powers, institution of “checks and balances”, competence of chambers of parliament.

Институт «сдержек и противовесов» служит формированию и синхронному функционированию парламента, преодолению трудностей, кризисных ситуаций, выполнению им всех его функций. Проблема это анализируется и подходом к «системе сдержек и противовесов», как к элементам системы.

Под «сдержками» обычно понимаются такие организационные и правовые средства, которые направлены на обеспечение законности в процессе формирования органов государства, и призваны не допускать нарушения органами государственной власти своих полномочий или исправления допущенных нарушений. «Противовесы» - это организационные и правовые средства, создающие условия для нормального функционирования ветвей государственной власти в целостном механизме правового регулирования.

Требование к сохранению баланса предъявляется в процессе самостоятельного функционирования каждой ветви власти, а также в процессе взаимодействия, взаимного сотрудничества институтов в неё входящих. Выход за пределы конституционных полномочий означает, с одной стороны, нарушение конституционного статуса отдельного института, а с другой – вмешательство в конституционные полномочия другого.

Конституция и соответствующее законодательство любого государства, признавшего принцип разделения государственной власти, содержат все элементы системы сдержек и противовесов, начиная с момента формирования ветвей государственной власти, включая весь процесс их деятельности до завершения таковой досрочно или в предусмотренный срок. В этой связи можно выделить некоторые особенности системы сдержек и противовесов. Классификацию же надо проводить по следующим основным признакам:

Сдержки и противовесы закрепляются в основном в Конституции, поэтому являются конституционными средствами формирования и уравнивания деятельности органов государственной власти.

The law has ever granted the right holder the full control over their works. The law was looking for a balance of compensation of authors against the public interest to promote innovation. However, this balancing made when technology has matured, and market forces regulated it as blamed peer-to-peer networks had a successful model of distribution on content [1, p.78]. Nevertheless, copyright warriors disagree about the role of the Parliament in this balance and considering copyright exceptions as violating their property rights. Considering the users' acts with the content as theft, owners find no justification for that neither in public purpose nor in fair use.<sup>1</sup> Although, the proprietary claims have always balanced with exceptions that follow even absolute rights as property.

With a rise of networking platforms, the future will be a shift from the system of the public domain to intermediary access and on who will be able to control, monitor, and charge for every access and use of creative works. Adverse effect is that the public domain is no longer be free [3, p.252]. The law developing in a slower pace and may be late as content providers may hide its work as a services and within the program operation [3, p.256]. With the adoption of digital fences makes it difficult to enable fair use without exposing the product however program can be implemented to give proper regard to the fair use, however, the problem is that it may be at the discretion of the provider [3, p.257]. The electronic players are setting the access controls over the works in the public domain that was best exemplified with Adobes works of Alice in Wonderland by Lewis Carrol that could only be tackled by market mechanisms [3, p.259].

Herewith, one of the essential goals of the law is in promoting the innovations distinguishable in intellectual property law. With the emergence of every innovation, the law strives to balance the interests of authors and the industry with the users or public interest. This has happened with the radio, television and under scrutiny concerning

the internet. However, in all these cases, the law has never rendered a full monopoly on the authors motivating by the public interest that was beneficial to the users and the industry. This has happened with Google books, and allegedly should be tackled in Peer-to-Peer networks, that however stigmatized with the range of cases against Napster and Pirate Bay, although could be a platform for conveying and could be used to furtherance the interested of the authors that are happening in YouTube Content ID system.

### Bibliography

1. Lawrence Lessig, *Free culture: how big media uses technology and the law to lock down culture and control creativity* (Penguin Press 2004) 57
2. Kenneth C. Creech. *Electronic Media Law and Regulation* (6th edn, Routledge 2013) 208
3. Charlotte Waelde, *Copyright and the Internet: Closing the Gates on the Public Domain*, Faculty of Law, University of Edinburgh 2002. 258
4. Guiseppe Mazziotti, *EU Digital Copyright Law and the End-User*, Thesis for Doctor of Laws of European University Institute, Florence 2007, 55
5. Dinusha Mendis, 'Digital Economy Act 2010: fighting a losing battle? Why the 'three strikes' law is not the answer to copyright law's latest challenge' (2013) *IntRevLComp&Tech* 60
6. *Polydor Limited & Others v Brown & Others* [2005] EWHC 3191 (Ch), *Grant v Google UK Ltd*. Reference [2005] EWHC 3444, *Golden Eye (International) Ltd & Ors v. Telefonica UK Ltd & Anor* [2012] EWCA Civ 1740
7. UK Digital Economy Act 2017
8. Lateef Mtima and Steven D. Jamar, *Fulfilling the Copyright Social Justice Promise: Digitizing Textual Information* *New York School of Law Review*, 2010/11 Vol.55, 61
9. Charlotte Waelde, *Copyright and the Internet: Closing the Gates on the Public Domain*, Faculty of Law, University of Edinburgh 2002. 259.

<sup>1</sup> Lawrence Lessig, *Free culture : how big media uses technology and the law to lock down culture and control creativity* (Penguin Press 2004) 79

**О.А.Камалов,**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Сиртқи таълим факультети бошлиғи, юридик фанлар  
доктори, доцент

**Н.А.Кулдашев,**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
доценти, юридик фанлар номзоди

## ДЕЛИКТ МУНОСАБАТЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

**Аннотация:** мақолада ИИОларнинг деликт муносабатлардаги иштироки ва уларнинг деликт жавобгарлиги ёритилган. Шунингдек, амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлил қилинди.

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:** зарар, зиён, деликт, бош деликт, деликт жавобгарлик, деликвент, жабрланувчи, зарарни қоплаш, зарарни тўлаш, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик), давлат органлари.

**Аннотация:** в статье рассмотрено участие ОВД в деликтных отношениях и их деликтная ответственность. Дан анализ действующего законодательства и правоприменительной законодательство.

**Ключевые слова:** вред, ущерб, деликт, генеральный деликт, деликтная ответственность, деликвент, потерпевший, возмещение вреда, выплата вреда, незаконные действия (бездействие), государственные органы.

**Annotation:** the article considers the involvement of internal affairs in tort relations and tort liability. The analysis of the current legislation and law enforcement practice.

**Key words:** harm, damage, delict, general delict, delictual responsibility, delictum, victim, compensation for damage, harm payment, illegal action (inaction), state institutions.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи роман-герман ҳуқуқ тизимида асосланади. Шу боис қадимги Рим хусусий ҳуқуқининг кўплаб қоидалари Римда қандай номланган ва қўлланган бўлса, миллий фуқаролик ҳуқуқига ҳам шундай имплементация қилинган. Масалан, қадимги Римда қўлланилган сервитут ҳуқуқи, виндикацион даъво, негатор даъво каби институтларнинг аънаналари миллий фуқаролик ҳуқуқига замонавий шаклда ўз ифодасини топган (сервитут ҳуқуқи ФКнинг 173-м., виндикацион даъво ФКнинг 228-м., негатор даъво ФКнинг 231-м.)

Мавзуимиздаги деликт институти ҳам Рим хусусий ҳуқуқининг новеллаларидан бири ҳисобланади. “Деликт” лотинча “delictum” сўздан олинган бўлиб, “бузиш”, “айб” “ҳуқуққа хилоф ҳаракат” каби маъноларни англатади. Бироқ, деликтнинг луғавий маъноси унинг мазмун ва моҳиятини очиб бермайди. Деликт юридик тушунча бўлиши билан бир қаторда, фуқаролик ҳуқуқининг мустақил институти ва муҳим ижтимоий ҳодиса сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Цивилистик адабиётларда деликт институти бўйича турли фикрлар билдирилган. Баъзилар, деликт институти – бу “бозор муносабатларининг барча иштирокчилари манфаатларини ҳимоя қилишга

мўлжалланган универсал характердаги ҳимоя усули” [1, 56-бет] деса, бошқалар эса “жабрланувчининг мулкий зарарини адолатли ва тезликда тикланишини таъминлашга қаратилган чора” [2, 53-бет] деб ҳисоблайди. Фикримизча, бу ўринда деликт институтининг жамиятдаги тарбиявий аҳамиятини ҳам таъкидлаш керак. Чунки “агар етказилган зарар тўлиқ ҳажмда қопланса, деликт институти ўз вазифасини бажарган бўлади” [3, 63-бет]. Демак, деликт институтининг асосий вазифаси таъминланса, жамият аъзолари орасидаги ҳуқуқбузарликка мойил бўлган шахсларнинг “етказилган зарар қопланиши муқаррар” эканлигини тушунишига ва натижада турли ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олди оленишига етарли даражада таъсир кўрсатади.

Умумий юридик тушунчага кўра деликт, фуқаролик ҳуқуқининг мустақил институти сифатида зарар етказиш оқибатида жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қопланишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқ нормалари йиғиндисидир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (кейинги ўринларда ФК) “Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар” номли 57-бобида деликт муносабатларни тартибга солиш нормалар ўз ифодасини топган. Макур бобнинг 985-моддасида “ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим”, деб нормаланган. Ушбу моддадаги қоида “Бош деликт тамойили” ҳисобланиб, қадимги Рим давлатининг XII жадвал қонунларида белгиланган, “сундирдими – тузатсин”, “зарар етказдим – тўласин” [4, 87-бет] принципа асосланган.

Бугунги кунда ҳам бу тамойил ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Кундалик жараёнларда шахсларнинг ўзаро муносабатларида баъзан уларнинг мулкӣ ёки номулкий манфаатларига зарар етади. Бу зарарлар кўтилмаган ҳодисалар, турли тасодифлар, эҳтиётсизлик, қасд орқали ёки табиий офатлар оқибатида пайдо бўлади. Бундай вазиятларда жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш масаласи вужудга келади ва айнан бу низолар деликт институти нормалари асосида ҳал қилинади. Деликт институтининг асосий функцияси айбдорни жазолаш эмас, балки жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплашдир. Бу эса деликт институти қоидалари ҳеч қачон эскирмайди ва жамият ривожининг барча босқичларида шахснинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашда долзарб аҳамият касб этишини англатади.

Деликт фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган зарар етказувчи (деликвент) билан жабрланувчи ўртасида вужудга келадиган мажбурият муносабатидир. Бу муносабатларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, жабрланувчининг ҳуқуқи ва деликвентнинг мажбурияти шартномадан ташқари, яъни зарар етказиш факти асосида вужудга келади. Бунда жабрланувчи ўзига етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қопланишини деликвентдан талаб қилиш ҳуқуқига, деликвент эса жабрланувчига етказган зарарни тўлиқ қоплаш мажбуриятига эга бўлади. Шунингдек, деликт институтининг ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, бу низоли муносабатда деликвент етказилган зарарда ўзининг айби йўқлигини исбот қилмагунча айбдор ҳисобланади, яъни деликвентга нисбатан “айбдорлик презумпцияси” қўлланилади.

Бунда жабрланувчи ўзига етказилган зарар миқдори ва ҳажмини исботлаб бериши етарли бўлади, ундан ҳуқуқбузарнинг айбдорлигини исботловчи далиллар талаб қилинмайди.

Эътироф этиш лозимки, деликт фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатдир. Бу муносабатларда оммавий ҳуқуқ субъекти сифатида ички ишлар органлари (бундан кейин матнда ИИО)нинг иштироки масаласи алоҳида аҳамиятга эга. ФКнинг 990, 991-моддаларида давлат органи сифатида ИИОлари иштирокидаги бу муносабат деликтнинг алоҳида тури сифатида белгиланган. Хусусан, ФКнинг 990-моддаси “Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик” ва 991-модда “Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик” деб номланган. Аниқроғи, юқоридаги моддаларда давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари ҳамда ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарни тўлаш тартиби назарда тутилган. Албатта, деликт муносабатларда давлат органи сифатида ИИОлари фақатгина деликтвент эмас, балки жабрланувчи бўлишлари ҳам мумкин. Яъни ИИОларига ёки уларнинг мол-мулкларига фуқаро ва юридик шахслар томонидан зарар етказиш ҳолатлари пайдо бўлганда, зарар ФКнинг 57-боб қоидаларига кўра умумий асосларда қопланади.

ФКнинг 990-моддасида белгиланганидек, ИИОлари деликт муносабатларда *бевосита* ёки *билвосита* иштирок этади. Яъни ИИОлари томонидан қонунга хилоф қарорлар қабул қилиниши натижасида етказилган зарар учун бевосита жавобгарлигини, ИИОлари мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган зарар учун билвосита жавобгарлигини тушуниш мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқида ИИОнинг деликт жавобгарлиги масаласи назарий ва амалий жиҳатдан мунозаралидир. Чунки ФКнинг 15, 990 ва 991-моддаларида давлат органи сифатида ИИОлари томонидан етказилган зарар мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, давлат томонидан тўла ҳажмда тўланиши белгиланганлигига қарамай, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги 175-II-сон Қонуни билан ушбу моддаларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида келтирилган зарарда ИИОлари мансабдор шахсларининг айби бўлса, зарарни қоплаш суднинг қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкинлиги назарда тутилди. Муаммони аниқроқ тушуниш учун қуйидаги эҳтимолий мисолларни келтираемиз. Масалан, фуқаро А. Бегалиевга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олиш ИИОлари томонидан қонунга хилоф қўлланилди ва бу ҳолат судда исботланди. Фуқаро А. Бегалиев ФКнинг 991-моддасига асосланиб, ўзига етказилган зарарни ундириш тўғрисида судга даъво такдим этди. Бу вазиятда суд, *биринчидан*, фуқаро А. Бегалиевга етказилган зарар ҳажмини аниқлаши (бу жабрланувчи томонидан исботланади) ва, *иккинчидан*, етказилган зарар ким (давлат ёки мансабдор шахс) томонидан тўланиши кераклигини

белгилаши керак. Агар суд фуқаро А. Бегалиевга етказилган зарар давлат томонидан тўланиши керак деган хулосага келса, бу маблағлар давлатнинг қайси молиявий маблағлари ҳисобидан тўлаб берилиши суд қарорида кўрсатилиши лозим. Аммо ФКда ёки бошқа қонун ҳужжатларида ҳам бундай зарарларни қоплаш учун давлат бюджети манбалари кўрсатилмаган. Воҳаланки, 991-моддада бу зарарлар “қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади” деган қоида мавжуд. Бироқ бу тартибни белгилаб берувчи қонуннинг ўзи мавжуд эмас. Бу вазиятда суд иккинчи жавобгар субъект, яъни мансабдор шахсни айбдор деб топишга ва зарарни қоплаш мажбуриятини унинг зиммасига юклашга мажбур бўлади. Зеро, ФКнинг 15-моддасига кўра “мансабдор шахсларининг айби билан етказилган зарарларни қоплаш суднинг қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин”.

Юқорида келтирилган ФКнинг 15, 990, 991-моддаларида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун давлат ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилган. Таъкидланганидек, ФКда ёки бошқа қонун ҳужжатларида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни давлат томонидан тўлаш тартибини белгиловчи қонун нормаларининг амалда мавжуд эмаслиги, етказилган зарарни қоплаш мажбурияти судлар томонидан кўп ҳолларда мансабдор шахслар зиммасига юклатилаётганлигини кузатиш мумкин. Назаримизда, ички ишлар органлари ходимлари хизмат фаолиятларида жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб юридик ёки жисмоний шахсларга зарар етказганда, зарарни қоплаш мажбурияти ҳар доим давлат зиммасида бўлиши керак. Зеро, ФКнинг 988-моддасида ҳам зарар етказган шахс кимнинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган бўлса, зарарни қоплаш мажбурияти ҳам шу учинчи шахс, яъни манфаати кўзланган шахс зиммасига юкланиши назарда тутилган.

Умуман олганда, ИИОларининг деликт муносабатлардаги иштироки шартномавий муносабатлардаги иштирокидан тубдан фарқ қилади. Чунки ИИОларининг шартномавий муносабатларида зарар улар томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида келиб чиқади ва зарарни қоплаш ўзларининг мустақил маблағларига қаратилади, деликт муносабатларда эса улар томонидан етказилган зарар қонунга хилоф қарорлар қабул қилиш ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида келиб чиқади ва зарарни қоплаш давлат зиммасига юклатилади.

Деликт муносабатларда ИИОларининг иштирокини ўрганиш қуйидаги муҳим ҳолатларни аниқлаш имконини берди:

– ИИОлари иштирокидаги деликт муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабат бўлсада, бу муносабатлар оммавий ҳуқуқ нормалари билан ҳам тартибга солинган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунда ИИОлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар, шунингдек ИИО ва ходимларига фуқаролар ва юридик шахслар томонидан етказилган зарарни қоплаш тартиби белгиланган.

– ИИОлари томонидан етказилган зарар улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида келиб чиқади ва бунинг натижасида етказилган зарар ФКнинг 15-моддасига асосан давлат томонидан тўлиқ қопланиши керак. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуннинг 20-моддасида, Ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида ҳам зарар етказилиши мумкин ва бундай вазиятларда етказилган зарарларнинг ўрни ИИОлари томонидан қопланади. Чунки давлат ИИОларининг ҳоқимият ваколатларини амалга ошириш вақтида етказган зарари учун жавобгардир.

– ИИОлари иштирокидаги деликт низолар бўйсунув тартибда юқори турувчи орган, прокурор ёхуд суд томонидан кўриб чиқилиши мумкин ва жабрланувчи ўзига етказилган мулкый зарарни ундиришни талаб қилишга ҳақли. Фақат бунда жабрланувчи ўзига етказилган мулкый зарарни, айнан ИИОлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши оқибатида ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида келиб чиққанлигини исботлаб бериши керак. Чунки ИИОлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳар доим ҳам мулкый зиён келтириб чиқармайди.

– ИИОлари ходими томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш қонунда белгиланган асослар бўйича ва тартибда амалга оширилган бўлса, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш оқибатида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, ИИОлари иштирокидаги деликт муносабатлар кенг қамровли ва турли ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солинган. Назаримизда, бу муносабатларни тартибга солувчи қонун нормаларини унификациялаш (бирхиллаштириш) зарур. Давлат ҳисобидан қопланадиган зарарларни ундиришни тартибга солувчи алоҳида қонун ҳужжатини қабул қилиш, бунда зарарни қоплаш қайси маблағлар ҳисобидан ва қандай тартибда амалга оширилишини аниқ белгилаш лозим.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Садиков О.Н. Гражданское право РФ в 2-х томах. Том 1. –М.: “Контракт”: Инфра-М, 2006. – С. 56.
2. Гинц Е.М. Вестник Масковского Университета МВД России. 2012. –№6. – С.53.
3. Смирнов В.Т., Собчак А.А. Общее учение о деликтных обязательствах в советском гражданском праве: Учебное пособие. – Л., 1983. – С. 63.
4. Шомухамедова З.Ш. Рим хусусий ҳуқуқи. Дарслик. ТДҶОИ., 2002. –Б. 87.

Д.Бабажанова,  
ТДҶОУ мустақил изланувчиси

### ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ АНИҚЛАШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

**Аннотация:** мақола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш асослари ва тартибига бағишланган. Унда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва ҳисобга олишга доир миллий қонун ҳужжатлари – Оила кодекси, Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низом, шунингдек, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси таҳлил қилинган. Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** оила, фарзанд, васийлик ва ҳомийлик, вояга етмаганлар ҳуқуқи.

**Аннотация:** статья посвящена основам выявления и учета детей, оставшихся без попечения родителей. Анализируется национальное законодательство по выявлению и ответственности детей, оставшихся без попечения родителей – Семейный кодекс, Закон об опеке и попечительстве, Положение об опеке и попечительстве в Республике Узбекистан, а также международно-правовые акты, законодательство и опыт зарубежных стран. Даны предложения по совершенствованию законодательства.

**Ключевые слова:** семья, ребенок, опека и попечительство, права несовершеннолетних.

**Annotation:** the article is devoted to the basics of identifying and registering children left without parental care. The national legislation on the identification and responsibility of children left without parental care is analyzed – by the Family Code, the Law on custody and Guardianship, the Regulations on custody and guardianship in the Republic of Uzbekistan, as well as international legal acts, legislation and experience of foreign countries. Proposals for improving legislation are given.

**Keywords:** family, child, custody and guardianship, rights of minors.

Мамлакатимизда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш долзарб масала ҳисобланади. Зеро, келажак ҳақида қайғуриш давлат ва жамиятнинг эртанги кунини белгилайди. Шу боисдан, Президентимиз “фарзандларимизнинг қобилиятини рўёбга чиқаришга болалиқдан эътибор бериб, уларнинг камолоти учун барча имкониятларимизни сафарбар этсак, юртимиздан яна кўплаб Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар етишиб чиқади. Мен бунга ишонаман” [1], деб таъкидлаб ўтди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлашнинг асослари ва ҳуқуқий тартиботи борасида аниқлик киритиш, тегишли ҳужжатларни тақдим қилиш, бу борадаги ҳуқуқий асос ва механизмларни такомиллаштириш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда замонавий дунё шароитида муҳим масалалардан бири бу вояга етмаганларнинг

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлиб, ушбу улар жумласига ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш ҳам қиради. Албатта, соҳада мавжуд бўлган муаммолар бевосита ҳуқуқ асосларни такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқ.

Аввало, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлашнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг 64-моддасининг иккинчи қисмида давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради, деб белгиланган.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 20-моддасида оила муҳитидан доимий ёки вақтинча маҳрум бўлган болалар давлат томонидан алоҳида муҳофаза қилиниши ҳуқуқига эга [2] деб белгиланган.

Қайд этиш лозимки, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинган. Жумладан, Гаага конференциясида ва Европа Иттифоқи ўртасида 1980 йилда болаларга васийлик тайинлаш бўйича Люксембург Конвенцияси ҳам ишлаб чиқилган. Шунингдек, Европа Иттифоқи доирасида 2003 йил 27 ноябрда “Ота-оналарнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги Конвенция қабул қилинган. Гаагада 1996 йилда “Болаларни ҳимоя қилиш бўйича ота-она жавобгарлиги тўғрисида” ва 2000 йилда “Вояга етган болаларни халқаро ҳимоя қилиш тўғрисида” Конвенция қабул қилинган.

Оила кодексининг 149-моддаси ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва ҳисобга олишни белгилайди. Унга кўра, васийлик ва ҳомийлик органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди, бундай болаларни ҳисобга олади ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир ҳолатга қараб, болаларни жойлаштириш шакллари танлайди, шунингдек бундан буён уларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш шарт-шароитларини назорат қилиб боради. Демак, бу ўринда масъулият васийлик ва ҳомийлик органи зиммасига юклатилган.

Юқоридагилардан кўринадики, қонунчиликда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлашда васийлик ва ҳомийлик органи томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар кетма-кетлиги белгиланган.

Ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотлар васийлик ва ҳомийлик органларига турли сабабларга кўра тақдим қилиниши мумкин. Жумладан, ота-онаси вафот этганда ёки суд томонидан вафот этган деб эълон қилинганда, ота-онаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилганда, ота-онаси икки ойдан ортиқ касал бўлиб, оқибатда ота-оналик ҳуқуқини бажара олмаганда ва бошқа ҳолатларда тақдим этилади.

Маълумотлар, шунингдек ота-онаси номаълум бўлган ёхуд улар суд томонидан бедарак йўқолган деб эътироф этилган, ота-она тарбиясида бўлиши боланинг манфаатларига зид бўлган, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирилган, болалар одам савдоси қурбони бўлган ҳолларда, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда ҳам тақдим этилади.

Мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим муассасаларида соғлиқни сақлаш муассасаларида

(касалхоналар ва туғруқхоналарда) ота-онасининг қаровисиз қолган болалар аниқланган тақдирда, ушбу муассасалар раҳбарлари далолатнома тузишлари шарт. Далолатномага болага тегишли ушбу муассасадаги мавжуд ҳужжатлар илова қилинади ва етти кун мобайнида боланинг яшаш жойидаги туман (шаҳар) васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этилади. Айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда васийлик ёки ҳомийлик белгилаш чора-тадбирларини кўради.

Васийлик ва ҳомийлик органларидан ташқари бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни аниқлаш ва жойлаштириш бўйича фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Хорижий мамлакатларда ҳам ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш тизими мавжуд. Бунда кўпчилик давлатларнинг етимликни қисқартириш ва барҳам топишига бўлган кўп йиллик саъий-ҳаракатлари етимликни олдини олишга доир превентив чораларни қўллаш, яъни низоли оилаларни аниқлаш, болани вақтинчалик низоли ҳолатни тўғрилашга қадар тегишли оилани ўрнини босишга мўлжалланган муассасага жойлаштириш, бунинг иложи бўлмаганда эса фарзандликка беришни назарда тутати [3]. Фикримизча, низоли оилаларни аниқлаш бевосита оилавий ишлардан муайян даражада хабардор бўлишни тақазо қилади. Бироқ, хабардор бўлишлик, оилавий ишларга ўзбошимчалик билан аралашиб, мавжуд оилавий муҳитни янада чигаллаштириш ва бузишга олиб келмаслиги зарур. Бунда албатта ҳар бир оиланинг ўзига хос хусусияти, миллий урф-одат ва анъаналарга мос равишда масалани ҳуқуқий ечимини топишга ҳаракат қилиш зарур.

Ота-онасининг қаровисиз қолган бола аниқлангач, бундан аниқланганлик фактини тасдиқлаш муҳим ҳисобланади. Чунки, васийлик ва ҳомийлик органи болани жойлаштиришдан олдин унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаши зарур бўлади. Шу боисдан, юқоридаги вақтинча вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш чораси болага доир ҳужжатларни расмийлаштиришда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликни тақазо қилади.

Бугунги кунда қонунчиликда васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқлари ва манфаатларини учинчи шахс олдида ҳимоя қилиш учун боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатни аниқ белгилаб бермаган. Айрим ҳолатларда, масалан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш (ОК 79-модда) ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган (ОК 83-модда) ҳолларда ёхуд фуқаролик қонунчилигида белгиланган тартибда бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорини тақдим қилиши



мумкин. Бироқ, боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигига доир бошқа сабаблар ҳам мавжуд, масалан, ота-онанинг узоқ муддат боласи билан бўлмаслиги (олти ойдан ортиқ муддат давомида), болани тарбия қилишдан бош тортиши ёки унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилмаслиги ва ҳ.к. Ушбу ҳолатларда васийлик ва ҳомийлик органи томонидан мазкур ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қила олмайди. Шунингдек, улар ота-оналар томонидан фарзандига нисбатан ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда гарчи ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш асоси сифатида ушбу ҳолат белгиланган бўлса ҳам ҳужжат бера олмайди. Чунки, бунинг учун суднинг кучга кирган ҳал қилув қарори бўлиши зарур.

В.Н.Жирнов, ва Т.Р. Ханнановаларнинг фикрича, васийлик ва ҳомийлик органи ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ҳақида маълумот олган кундан бошлаб бир ой муддатда болани жойлаштиришни таъминлайди [4]. Бу борада муддатни белгилаш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низомда ота-она яшаш жойида вақтинча бўлмаганда, агар бола улар томонидан олти ойдан ортиқ муддатга қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигида ёки ҳомийлигида ва назоратида қолдирилган бўлса, уларнинг васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисидаги аризаси асосида, ушбу аризада аниқ шахс ҳамда васий ёки ҳомий ваколатларининг амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда, мазкур шахсларнинг болага нисбатан васийлиги ёки ҳомийлиги белгиланишини назарда тутлади. Демак, бу ўринда васийлик ва ҳомийликнинг амал қилиш даври бевосита шартномавий муддатга боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари юқоридаги низомнинг 74-бандида васийлик ва ҳомийлик органи бир ой муддатга дастлабки тарзда васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги белгиланган. Бунга сабаб сифатида дарҳол васий ёки ҳомий тайинланиши зарурати, шу жумладан болалар ота-онасидан ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахслардан олиб қўйилиш ҳолати назарда тутилган.

Шуни қайд этиш лозимки, юқоридаги каби субъектив ҳолатлардан ташқари айрим ҳолатларда объектив сабабларга кўра, васий ва ҳомий тайинлаш зарурати вужудга келиши мумкин. Масалан, ота-онанинг узрли сабабларга кўра ўзларининг ота-оналик мажбуриятларини бажара олмаслиги (ишсизлик, руҳий касаллик, соғлигининг ҳолати) ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низом талабига кўра, васийлик ва ҳомийлик фаолияти халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, тиббиёт бирлашмалари ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан амалга оширилишини назарда тутлади. Ушбу органларнинг ҳар бири ўз ваколати доирасида етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлашда васийлик ва ҳомийлик органи асосий ўринни эгаласада, айнан қайси орган ушбу вазифани бажариши етарли даражада аниқланмаган. Масалан, Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низомда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган

болаларни ўз вақтида аниқлаш, ҳисобга олиш ва жойлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг махсус тайинланган мутахассиси томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Т.А.Ушакованинг фикрича, мутахассисларнинг ижтимоий мажбурияти қуйидаги функцияларни назарда тутлади:

1. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш;

2. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганликнинг аниқ ҳолатидан келиб чиқиб, жойлаштириш шаклини танлаш;

3. Кейинчалик болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш шарт-шароитларини назорат қилиб бориш [5].

Фикримизча, ушбу вазифалар бевосита Россия Федерациясида “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги алоҳида қонунда назарда тутилмаганлиги билан боғлиқ. Мазкур функционал вазифалар бевосита Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 149-моддаси белгиланган васийлик ва ҳомийлик органининг масъулияти сирасига киради. Албатта, ушбу вазифалар тегишли мутахассиснинг хизмат вазифаларида тегишли тартибда назарда тутилади. Бироқ, масъулият умумий ҳолатда бевосита васийлик ва ҳомийлик органи зиммасида бўлади.

Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасига кўра, васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари жумласига 4 та орган, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари киришини кўрсатади. Бундан фарқли равишда Оила кодекси 148-моддаси эса, умумий равишда бундай вазифани васийлик ва ҳомийлик органи амалга оширилишини назарда тутлади. Бу ўринда кодификацияланган қонун ҳужжатида аниқлик мавжуд бўлиши талаб қилинади.

Шу боисдан, Оила кодексининг 148-моддасини қуйидаги қисм билан тўлдирish мақсадга мувофиқ:

“Васийлик ва ҳомийлик органи бўлиб давлат ҳокимияти органлари ҳисобланади. Уларнинг ваколатлари ва функциялари қонун ҳужжатлари билан белгиланади”.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳисобини юритиш ва назорат қилиш ҳар қандай бошқарувнинг зарурий шarti бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳолат бевосита ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришни тақазо қилади. Бунда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақида маълумотни ўз вақтида олиш ва унинг ягона марказлаштирилган давлат реестрини юритиш талаб қилинади. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган “Васийлик ва ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулкни ҳисобга олиш давлат реестри тўғрисида”ги низомга кўра, давлат реестри васийлик ва ҳомийлик органларидан тушган маълумотлар асосида электрон ҳужжат кўринишида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантирилади ва юритилади. Бунинг учун васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ҳар ойда васийлик ёки ҳомийлик

белгиланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдим этилади. Болани фарзандликка олиш, оилага тарбияга олиш (патронат), васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар (кейинги ўринларда васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахслар деб аталади) ўзи ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этади.

Оила кодексининг 149-моддасида муассасаларнинг (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларнинг), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигидан хабардор бўлгач, етти кунлик муддат ичида бу ҳақда болалар ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар беришлари шартлиги белгиланган. Бу ўринда “бошқа муассасалар” сирасига қандай муассасалар кириши очиқ қолган. Фикримизча, “бошқа муассасалар” сифатида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (масалан, ота-она қидирувда, қамокқа олинганда ва ҳ.к.), ФХДЁ органи (ота-она вафот этган ҳолларда), ижтимоий муҳофаза органлари ва бошқа ижтимоий муҳофаза учун масъул органларни тан олиш мумкин. Айниқса, бу борада нодавлат нотижорат ташкилотлар алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан, болалар уйлари, халқаро хайрия жамғармалари ва ҳ.к.

Ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар айрим ҳолларда Меҳрибонлик уйларига жойлаштирилади. Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги Низомга [6] кўра, болалар Меҳрибонлик уйига йил мобайнида ота-оналари вафот этган, улар ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган, уларнинг ота-оналик ҳуқуқлари чекланган, ота-оналар ҳуқуқий лаёқатсиз деб эътироф этилган, ота-оналар касал бўлган, ота-оналар узоқ муддат бўлмаган, ота-оналар болаларни тарбиялашдан ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бош тортган, шу жумладан ота-оналар ўз болаларини тарбия муассасаларидан, даволаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидан ва шунга ўхшаш муассасалардан олишни рад этган ҳолларда, шунингдек болалар ота-оналарининг қаровисиз қолган бошқа ҳолларда қабул қилиниши керак. Меҳрибонлик уйига 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар қабул қилинадилар.

Шунингдек, жисмоний ёки психологик жиҳатидан нуқсонлари бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар ихтисослаштирилган таълим муассасаларига (мактаб-интернатларга) ёки махсус коррекцион Меҳрибонлик уйларига белгиланган тартибда юборилади.

Бундан ташқари айрим ҳолларда меҳрибонлик уйига кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг болалари, фақат отаси ёки онаси бор бўлган болалар ушбу оилаларни бир йилгача муддатда ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида вақтинчалик қабул қилинади. Уларнинг бундан кейин Меҳрибонлик уйида бўлиши тарбияланувчи яшайдиган жой бўйича васийлик ва ҳомийлик органининг ҳулосасига кўра туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги Низомда Меҳрибонлик уйига жойлаштириш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати мавжуд бўлмасдан, фақат ҳокимнинг қарори асосида тасарруфида бўлган халқ таълими тегишли органлари томонидан амалга

оширилиши белгилаб қўйилган. Бироқ, йил мобайнида ота-оналари вафот этган, ота-оналар касал бўлган, ота-оналар узоқ муддат бўлмаган, ота-оналар болаларни тарбиялашдан ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бош тортган, шу жумладан ота-оналар ўз болаларини тарбия муассасаларидан, даволаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидан ва шунга ўхшаш муассасалардан олишни рад этган ҳоллар, шунингдек болалар ота-оналарининг қаровисиз қолган бошқа ҳолларни тасдиқловчи ҳужжатлар назарда тутилмаган.

Ҳулоса сифатида айтиш мумкинки, юқоридаги низом талабига кўра, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган фактини тасдиқлаш билан боғлиқ муаммага дуч келади. Бироқ, қонунчиликда ушбу ҳолатни, фактни тасдиқлаши мумкин бўлган ҳужжат аниқ назарда тутилмаган. Аксарият ҳолларда далолатнома тузилиши кўрсатилади. Масалан, болани зудлик билан олиб қўйиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг тегишли далолатномаси асосида амалга оширилади ёки васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланган ҳолларда, боланинг турмуш ва таъминот шароитларини текширувдан ўтказиши ҳамда бу ҳақда далолатнома тузилиши ва ҳ.к.

Боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигини тасдиқлаш учун васийлик ва ҳомийлик органи томонидан далолатнома тузилишига доир воқолатлари кенгайтирилиши, зарурий ҳужжат сифатида тан олиниши ҳамда болани жойлаштириш учун асос сифатида тан олиниши мақсадга мувофиқ.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь.
2. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция. //Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХII-сонли «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги Қарорига мувофиқ қўшилган.
3. Савенко О.Е. Формы устройства детей, оставшихся без попечения родителей, в зарубежных странах. //Вестник университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА). 2015. №2, С.135 (С.126-135).
4. Жирнов В.Н., Ханнанова Т.Р. О мерах по совершенствованию нормативного регулирования выявления детей, оставшихся без попечения родителей. //«Общество и цивилизация в XXI веке: тенденции и перспективы развития». 2014. № 4 (8). С.27. (С. 24-31).
5. Ушакова Т.А. Правовые аспекты выявления и устройства детей, оставшихся без попечения родителей. //Власть и управление на Востоке России. 2007. №2, (39). С.123. (С.122-126).
6. Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги Низом. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 43-сон, 435-модда.

**Ф.Б.Ибратова,**  
преподаватель ТГЮУ, к.ю.н.

### МИРОВОЕ СОГЛАШЕНИЕ В ГРАЖДАНСКОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ И ПРАКТИКА

**Аннотация:** в статье рассмотрены дискуссионные вопросы о правовой природе мирового соглашения, правовая оценка законности, содержащихся в мировом соглашении субъективных правил поведения сторон, в виде устанавливаемых ими субъективных прав и обязанностей, вопросы об утверждении мирового соглашения.

**Ключевые слова:** мировое соглашение, гражданское судопроизводство, гражданско-правовой спор, правовые последствия, прекращение процесса.

**Annotation:** The article discusses debatable questions about the legal nature of a settlement agreement, the legal assessment of the legality of the subjective rules of conduct of the parties contained in the settlement agreement in the form of the subjective rights and obligations established by them, questions about the approval of the settlement agreement.

**Keywords:** amicable agreement, civil proceedings, civil dispute, legal consequences, termination of the process.

**Аннотация:** мақолада келишув битимининг ҳуқуқий хусусиятлари, келишувдаги томонларнинг субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятлари шаклидаги субъектив қоидалар қонунийлигини баҳолаш, келишув битимини тасдиқлаш масалалари муҳокама қилинган.

**Калит сўзлар:** келишув шартномаси, фуқаролик суд ишларини юритиш, фуқаролик-ҳуқуқий низо, ҳуқуқий оқибатлар, иш юритишни тугатиш.

В процессуально-правовом смысле под мировым соглашением понимается заключенное сторонами в гражданском судопроизводстве и утвержденное судом соглашение, в силу которого истец и ответчик путем взаимных уступок заново определяют свои гражданские права и обязанности и на этой основе устраняют между собой гражданско-правовой спор. Проявляя инициативу к мирному урегулированию спора, суд тем самым способствует его разрешению без государственного принуждения и на взаимоприемлемых для сторон условиях [8, 579-с].

Дискуссионность вопроса о правовой природе мирового соглашения во многом обусловлена тем, что вопросы заключения таких мировых соглашений закрепляются в Гражданском процессуальном кодексе РУз, а общие положения о мировом соглашении в Гражданском кодексе РУз, при этом заметим, что в обоих кодексах отсутствуют легальные определения мирового соглашения.

В среде цивилистов, занимающихся исследованием данной проблемы, преобладают три основных позиции на правовую природу мирового соглашения: материально-правовая, процессуальная и смешенная (включающая в себя материально-правовую и процессуальную стороны). Представители материально-правовой природы мирового соглашения, полагают: «мировое соглашение – это взаимная, возмездная гражданско-правовая сделка сторон судебного процесса, которая вступает в действие

после её утверждения судом и порождает для её участников гражданско-правовые последствия» [13, 64-с]. Определяют мировое соглашение как «договор, которым стороны устраняют неясность существующих между ними правоотношений путем взаимных уступок» [4, 84-с]. Как представляется, обозначенные выше мнения основываются на том аргументе, что стороны данного договора по новому определяют для себя материальные права и обязанности и, следовательно, мировое соглашение основано только на материально правовой природе. При этом как видим, этими авторами не учитывается цель заключения соглашения – а именно: прекращение спора о праве между спорящими субъектами при непосредственном участии суда, который утверждая его, опосредует прекращение процесса.

Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан (далее – ГПК РУз) содержит нормы (ст. ст. 166-169) [2], регулирующие правовой институт мирового соглашения в рамках гражданского процесса. Так, согласно ст.167 ГПК РУз мировое соглашение должно содержать согласованные сторонами условия с указанием срока и порядка его исполнения. Исполнения обязательств, принятых сторонами по условиям мирового соглашения, не может ставиться в зависимость друг от друга или от иных событий (действий). В мировом соглашении могут содержаться условия об отсрочке или рассрочке исполнения обязательств ответчиком, об уступке права требования, о полном или частичном прощении либо признании долга, распределении судебных расходов и иные условия, не противоречащие закону.

По мнению М.С.Шакарян, в теории гражданского процессуального права устоялось мнение о том, что институт мирового соглашения представляет собой способ прекращения гражданско-правового спора [16, 245-с]. Конечно, с этим нельзя не согласиться. В то же время следует признать правильным тезис о том, что «институт мирового соглашения представляет собой несколько более масштабный и универсальный механизм правового регулирования гражданско-правовых отношений, чем просто способ прекращения гражданско-правового спора» [7, 19-с], поскольку стороны, прекращая одни (спорные) обязательства, договариваются об установлении новых обязательств (новация) или изменении существующих (отступное).

Приняв решение о заключении мирового соглашения, стороны под контролем суда формируют условия мирового соглашения. При этом они стремятся найти наиболее приемлемый способ урегулирования спора для достижения своих интересов. Что же касается действий суда, то при осуществлении контрольных функций суд должен дать правовую оценку законности содержащихся в мировом соглашении субъективных правил поведения сторон в виде устанавливаемых ими субъективных прав и обязанностей [12, 314-с]. Нормы гражданского процессуального права (ст. ст. 168 и 43 ГПК РУз) определяют, что мировое соглашение может быть заключено на любой стадии судопроизводства только между сторонами (между которыми есть гражданско-правовой спор) и, следовательно, не может быть совершено иными участвующими в деле лицами. Так, согласно ч.1 ст.51 ГПК РУз прокурор, подавший заявление, пользуется всеми процессуальными правами и несет все процессуальные обязанности

истца, за исключением права на заключение мирового соглашения.

В соответствии ч.3 ст.49 ГПК РУз в случае признания заявленных требований третьим лицом, не заявляющим самостоятельных требований на предмет спора, когда права истца нарушены в результате его действий или бездействия, суд вправе принять решение о возложении исполнения обязанности на третье лицо. В аналогичных случаях допускается заключение мирового соглашения между истцом и третьим лицом, не заявляющим самостоятельных требований. В действующем ГПУ РУз открытым остался вопрос заключения мирового соглашения государственного управления и организаций. Однако, в п.7 Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 24.08.2018г. №26 «О подготовке гражданских дел к судебному разбирательству» указывается, что при обращении в суд в предусмотренных законом случаях прокурора, органов государственного управления, организаций и отдельных граждан в защиту прав, свобод и охраняемых законом интересов других лиц, они также участвуют в подготовке дела к судебному разбирательству. Судья обязан разъяснить указанным лицам пределы их процессуальных прав и обязанностей истца, за исключением права на заключение мирового соглашения, и обязанности понесенную судебных расходов [9].

Мировое соглашение имеет силу только при утверждении его судом. Мировое соглашение – это двусторонний договор, в котором стороны идут на взаимные уступки, заново определяя свои права и обязанности по спорному правоотношению. Суды должны иметь в виду, что не по всем правоотношениям возможно заключение мирового соглашения (например, по делам об установлении отцовства [10]. Согласно п.23 Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 29.07.2016г. №11 «О практике применения судами законодательства по делам о взыскании алиментов на содержание несовершеннолетних и нетрудноспособных совершеннолетних детей» разъяснения о том, что судам следует обратить особое внимание, не противоречит ли прекращение производства по делам о взыскании алиментов в связи с заключением сторонами мирового соглашения, правам и законным интересам ребенка [11]. Таким образом, суд фактически придает мировому соглашению (по юридической сути гражданско-правовой сделке) квалифицированную форму. Можно ли назвать иначе юридические действия суда по проверке условий мирового соглашения и его утверждению? Полагаю, вряд ли есть веские основания считать такое суждение ошибочным.

Мировые соглашения могут заключаться как на стадии подготовки дела к судебному разбирательству, так и в ходе судебного разрешения дела по существу. В процессуально-правовом смысле заключение мирового соглашения возможно только в исковом производстве на любой стадии гражданского процесса. Безусловно, стороны могут заключить мировое соглашение и вне гражданского судопроизводства, но его юридические цели – урегулирование возникшего гражданско-правового спора (переданного на разрешение суда), прекращение возбужденного искового производства и приобретение соглашением исполнительной силы

(возможность принудительного исполнения) – в полном объеме будут достигнуты только в процессе проверки судом условий мирового соглашения, его утверждения (путем вынесения соответствующего определения).

Если соглашение заключается во внесудебном порядке, оно при возникновении спора является одним из обстоятельств спорного дела, подлежащего исследованию и оценке судом, и не имеет юридической силы мирового соглашения, утвержденного судом. Следует признать справедливым мнение И.Л.Зайцева о том, при утверждении мирового соглашения необходимо специально обращать внимание участников на способы и порядок выполнения принимаемых ими на себя обязательств. До того, как суд вынесет определение, он должен быть уверен, что принимаемое соглашение исполнимо. В противном случае вряд ли целесообразно прекращать судопроизводство и утверждать мировое соглашение [5, 25-с].

Процессуально-правовые нормы, регулирующие институт мирового соглашения, обязывают суд проявлять инициативу в примирении сторон. Соблюдая процессуальные нормы института мирового соглашения, суд должен выяснить у стороны, изъявившей желание заключить мировое соглашение, добровольно ли совершается это действие, понимает ли сторона его содержание, значение и последствия (что при отказе истца от иска производство по делу будет прекращено, повторное обращение в суд с таким же иском станет невозможным; мировое соглашение, утвержденное судом, будет иметь силу судебного решения и может быть исполнено в принудительном порядке). Все эти вопросы суд должен задать сторонам, при необходимости разъяснить им значение и последствия совершаемого действия, отразить это в протоколе судебного заседания. Исходя из ст.168 ГПК РУз можно говорить о том, что реализация сторонами норм института мирового соглашения осуществляется следующими образом: вопрос об утверждении мирового соглашения рассматривается в судебном заседании с обязательным участием сторон, за исключением случаев, когда такое соглашение удостоверено нотариусом. Лица, участвующие в деле, извещаются о времени и месте судебного заседания.

Следовательно, мировое соглашение – это волеизъявление самих сторон, направленное на достижение определенности в отношениях между ними, т.е. стороны договариваются об установлении, изменении или прекращении гражданских прав и обязанностей в отношениях друг с другом в целях окончания процесса без вынесения судебного решения. Утвержденное судом мировое соглашение представляет собой один из способов судебной защиты нарушенного или оспоренного права. Характерной особенностью данного способа является то, что суд не разрешает своим волеизъявлением спор, находящийся на его рассмотрении, а проверяет законность разрешения спора (путем заключения мирового соглашения) самими спорящими сторонами [6, 116-с].

В п.7 Постановления от 24.04.2018 г. № 26 «О подготовке гражданских дел к судебному разбирательству» дает следующие указания: «С целью обеспечения всестороннего и объективного

судебного разбирательства, выяснения взаимных претензий, а также намерения заключить по делу мировое соглашение, стороны могут быть вызваны одновременно. Учитывая, что примирение сторон возможно на всех стадиях гражданского судопроизводства, судья в стадии подготовки дела к судебному разбирательству должен разъяснять сторонам возможность, преимущества и последствия урегулирования спора в целом или в части требований, путем заключения мирового соглашения».

Судебное мировое соглашение должно отвечать определенным требованиям. Во-первых, как гражданско-правовой договор, оно подчинено правилам гражданского права. Мировое соглашение, имеющее хотя бы один из пороков, с которыми закон связывает недействительность сделки (ст. ст. 113–128 ГК РУз) [3], не может быть утверждено судом. Во-вторых, целью судебного мирового соглашения является окончательная ликвидация спора между сторонами, с чем связаны требования ясности содержания мирового соглашения, полной определенности и безусловности установленных им прав и обязанностей. Поскольку мировое соглашение выступает основанием для принудительного исполнения, недопустимо включать в него неясные условия, способные служить поводом для возбуждения новых споров. Суд может не утвердить мировое соглашение сторон, если оно противоречит закону или нарушает права и охраняемые законом интересы других лиц (ст.169 ГПК РУз). Не может заключаться мировое соглашение по вопросам, которые прямо регулируются отраслевыми нормами права и потому не могут решаться соглашением сторон.

По мнению Е.В.Андреевой значение правового института мирового соглашения обусловлено в настоящее время тем, что это одна из форм проявления принципа диспозитивности сторон, один из путей добровольного урегулирования спора сторонами без применения государственного принуждения [1, 56-с]. Вместе с тем очевидно, что присуждение – это еще не фактическое взыскание, поэтому истцу иногда выгоднее получить реально хотя бы некоторую сумму, чем иметь исполнительный лист на полную сумму, но с неясной перспективой взыскания по нему, что часто встречается в современном гражданском обороте. Итак, можно сделать следующий вывод о процессуально-правовой природе мирового соглашения как института гражданского судопроизводства: в гражданском процессе инструментарий мирового соглашения предоставляет сторонам правовую возможность урегулирования возникшего гражданско-правового спора и прекращения спорных отношений по конкретному предмету иска.

Что представляет собой правовой институт мирового соглашения с позиции гражданско-правовых норм? Здесь можно говорить о том, что в материально-правовом аспекте мировое соглашение – это сделка, направленная на прекращение одних (спорных) обязательств между сторонами и установление других (разрешающих этот спор). В соответствии с принципом свободы договора, закрепленным в ст. 364 ГК РУз, стороны могут устанавливать для себя гражданские обязанности и прекращать их. Конечно, указанное положение не исключает возможности установления в законе

запрета прекращать обязательства по соглашению сторон, например ст.743 ГК РУз «установлен запрет на изменение договора государственного займа».

В теории гражданского права обязательство называют относительным правоотношением, в котором одно лицо (должник) по требованию другого лица (кредитора) обязано совершить действие (либо воздержаться от совершения действия) по предоставлению ему определенных материальных благ. Объектом обязательства, вытекающего из мирового соглашения, будет действие должника (действия продавца по передаче предмета купли-продажи покупателю; надлежащие действия исполнителя по предоставлению потребителю коммунальных услуг по отоплению, горячему водоснабжению и т.п.). Согласно норме ст. 234 ГК РУз в силу обязательства одно лицо (должник) обязано совершить в пользу другого лица (кредитора) определенное действие (передать имущество, выполнить работу, оказывать услуги, уплатить деньги и т.д.) либо воздержаться от действия, а кредитор имеет право требовать от должника исполнения его обязанности. Обязательства возникают из договора и из иных оснований, указанных в ГК РУз.

Из теории гражданского права известно, что гражданские правоотношения (в том числе по поводу обязательств) возникают из определенных юридических фактов. Так, в соответствии со ст. 8 ГК РУз гражданские права и обязанности возникают из договоров, предусмотренных законом, а также из договоров и иных сделок, хотя и не предусмотренных законом, но не противоречащих ему. Договор представляет собой уникальное правовое средство, в рамках которого интерес каждой стороны может быть удовлетворен лишь посредством удовлетворения интереса другой стороны. Стороны спорного правоотношения заинтересованы в заключении и надлежащем исполнении мирового соглашения. Поскольку между сторонами имеет место гражданско-правовой спор по тому или иному обязательственному правоотношению и стороны намерены заключить сделку – мировое соглашение, направленное на прекращение одного обязательства (либо его части) и установление другого обязательства на иных условиях, то прекращение обязательства не исключает возникновения между сторонами нового обязательства, цель которого – устранить возникший дисбаланс во взаимоотношениях сторон.

Основанием прекращения обязательств служат правоустанавливающие факты. Наиболее естественный способ завершения взаимоотношений по обязательству – их исполнение. Однако он не единственный в условиях гражданского оборота. Его участники могут столкнуться с обстоятельствами, в силу которых обязательственные отношения прекратятся не по причине исполнения. Возникает спорная ситуация. Тогда для минимизации и без того неизбежных дополнительных расходов стороны, выработав взаимоприемлемые условия, сами договариваются о прекращении обязательства путем заключения мирового соглашения, по-новому определяя для себя права и обязанности, т.е. фактически заключая гражданско-правовой договор. Прекращение обязательств должно быть надлежащим образом оформлено. По общему правилу прекращение обязательств оформляется теми же

способами, что и их установление. Однако не каждое обязательство может быть прекращено. В соответствии с ч.2 ст. 347 ГК РУз новация не допускается в отношении обязательств по возмещению вреда, причиненного жизни или здоровью, по уплате алиментов. Целевое назначение этих обязательств, как правило, исключает какое-либо их изменение, так как они призваны обеспечить систематическое доставление содержания нетрудоспособным и иждивенцам. Нормы ГК РУз, регулирующие обязательства вследствие причинения вреда жизни или здоровью (§ 2 гл.57 ГК РУз), не предусматривают их прекращения по соглашению сторон.

Что же касается алиментных обязательств, урегулированных в разделе V Семейного кодекса РУз, то норма ч.2 ст. 347 ГК РУз, являющаяся общей по сравнению со специальными положениями Семейного кодекса РУз об алиментных обязательствах, требует корректировки. В п. 1 ст. 141 Семейного кодекса РУз [14] прямо указана возможность по взаимному согласию сторон освобождения от уплаты задолженности по алиментам или уменьшение этой задолженности при уплате алиментов по соглашению сторон, за исключением случаев уплаты алиментов на несовершеннолетних детей. При расторжении соглашения прекращается и соответствующее алиментное обязательство. Соглашением об уплате алиментов может устанавливаться передача плательщиком алиментов имущества в собственность получателя алиментов. Причем может быть предусмотрен как разовый акт, так и периодическое наделение получателя алиментов правом собственности на какое-либо имущество. Соглашением может предусматриваться предоставление какой-либо вещи в пользование получателя алиментов (безвозмездное или возмездное). Денежные выплаты могут быть заменены выполнением работ, оказанием услуг. Сочетание способов уплаты алиментов может быть самым разнообразным. Например, плательщик обязуется передать в собственность получателя алиментов какое-либо имущество и, кроме того, ежемесячно выплачивать определенную сумму (осуществлять уход, выполнять работы и т. д.) [15, 98-с]. Таким образом, нет оснований сомневаться в юридической возможности заключения новации в алиментных обязательствах, в том числе устанавливаемых путем выработки мирового соглашения сторон (в случае возникновения спора).

Необходимо отметить, что при заключении мирового соглашения, имея в виду положения о новации, стороны должны явно выразить намерение прекратить первоначальное обязательство. В противном случае новое обязательство будет существовать наряду с первоначальным. Безусловно, мировое соглашение, как и отождествляемое с ним новационное соглашение, не должно содержать условий, влекущих признание его недействительным, поскольку мировое соглашение может совершаться как в судебном, так и во внесудебном порядке.

Таким образом, в первом случае соглашение о новации должно отвечать требованиям процессуального законодательства: быть направленным на окончание судебного дела (спора), соответствующим образом удостоверенным и утвержденным судом. Гражданско-правовой смысл

мирового соглашения с позиции норм о новации заключается в том, что происходит прекращение первоначального обязательства (являющегося предметом спора). С момента вступления в силу (после утверждения мирового соглашения судом) обновленного обязательства стороны освобождаются от действия первоначального обязательства; их взаимоотношения с этого момента определяются условиями нового обязательства.

В гражданском праве существует еще одна норма права, призванная регулировать гражданско-правовые отношения по прекращению обязательства, – отступное (ст. 342 ГК РУз). Юридический смысл отступного состоит в наделении должника с согласия кредитора возможностью заменить первоначальный предмет исполнения другим при частичном сохранении остального обязательства. Можно сказать, что ответчик посредством предоставления отступного «освобождается» от долга, т.е. от обязательств совершить какое-то действие в пользу истца (либо воздержаться от действия), которое возникло из договора, причинения вреда или иных оснований. Ответчик (должник) обязан был исполнить эти обязательства, но по соглашению с ответчиком истец отступает от своего права и освобождает ответчика от исполнения возложенных на него обязанностей. Вместо прежнего исполнения истец получает от ответчика определенную сумму денег, имущество или имущественное право, услугу и т.п. В гражданском обороте соглашение об отступном, как правило, заключается уже в ходе исполнения обязательства, в том числе при ненадлежащем исполнении обязательств должником.

Следует иметь в виду, что соглашение об отступном не только определяет условия и порядок прекращения основного обязательства, но и является основанием для возникновения у кредитора соответствующих прав на отступное – права собственности или иных вещных прав либо права требования. Если соглашение об отступном предусматривает передачу должником кредитору недвижимости, то в силу ст. 111 ГК РУз такая сделка подлежит обязательной государственной регистрации. Исполнение должником условий соглашения об отступном означает, что прежние его обязательства прекращаются и стороны не оказываются связаны новым обязательством.

Представляется, что гражданско-правовой смысл процессуально-правового института мирового соглашения с позиции норм об отступном заключается в том, что стороны добровольно договорились о частичном отказе от требований одной стороной (истцом) и одновременно признании оставшихся требований другой обязанной стороной (ответчиком). Из изложенного следует, что независимо от того, направлено такое соглашение на изменение правоотношения или на его подтверждение, стороны мирового соглашения обязуются рассматривать существующие между ними правоотношения в том виде, как это предусмотрено мировым соглашением, и руководствоваться им в своем поведении относительно предмета спорных отношений.

Детальная нормативная регламентация процессуально-правового института мирового соглашения в ГПК РУз, на наш взгляд, вызвана развитием принципа диспозитивности в гражданском процессе, который, безусловно, будет играть

позитивную роль в отправлении правосудия. Соблюдение судом принципа диспозитивности при разрешении гражданско-правовых споров – гарантия реализации законных интересов сторон. Предоставление сторонам возможности реализовать свои процессуальные права имеет еще один положительный момент: экономятся средства и время участников процесса при разрешении споров. Однако вопреки указанным преимуществам данный способ урегулирования споров на практике применяется редко. Стороны по-прежнему, в основном, предпочитают властное разрешение спора даже в тех случаях, когда существуют предпосылки заключения мирового соглашения. В заключение отметим, что применение мирового соглашения на практике вызывает сложности как у юристов, так и у граждан, самостоятельно отстаивающих свои права в суде. Самое главное, отсутствие в ГПК РУз четко прописанного процессуального механизма ведет к низкой эффективности закона, основной целью которого как раз и является защита нарушенных прав и законных интересов участников гражданского процесса.

#### Список литературы

1. Андреева Е.В. Правовая природа мирового соглашения в гражданском судопроизводстве // Молодой ученый. – 2015. – №21. – С. 56. – URL <https://moluch.ru/archive/101/22793/>
2. Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2018 г., №4, приложение № 1.
3. Гражданский кодекс Республики Узбекистан. [https://eurasiangroup.org/files/MERs%20-%20ENG/Uzbekistan/Grazhdanskiy\\_Kodeks\\_RUz](https://eurasiangroup.org/files/MERs%20-%20ENG/Uzbekistan/Grazhdanskiy_Kodeks_RUz).
4. Давыденко, Д. Л. Мировое соглашение как средство внесудебного урегулирования частноправовых споров /Д. Л. Демьяненко // Вестник ВАС РФ. 2008. № 12. – С. 84
5. Зайцев И. Л. Реальность судебной защиты // Рос. юстиция. 1990. № 8. – С.25.
6. Зинченко А. И. Мировые соглашения в гражданском судопроизводстве // Сб. науч. тр. Саратов, 1984. – С.116.
7. Корельский В.М., Перевалов В.Д. Теория государства и права: Учеб. / Под ред. В. М. Корельского, В. Д. Перевалова. М., 2008. – С.19.
8. Марипова С.А. Гражданский процесс. / Учебник для студентов высших учебных заведений. Общая часть. –Т.: ТГЮИ. -2009. – С.579.
9. Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 24.08.2018г. №26 «О подготовке гражданских дел к судебному разбирательству. [https://nrm.uz/contentf?doc=555924\\_postanovlenie](https://nrm.uz/contentf?doc=555924_postanovlenie)
10. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 25 ноября 2011г. №8 «О применении судами законодательства при рассмотрении дел об установлении отцовства». <http://www.lex.uz/docs/1945468>
11. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 29.07.2016.г. №11 «О практике применения судами законодательства по делам о взыскании алиментов на совершение несовершеннолетних и нетрудноспособных

- совершеннолетних детей». [https://nrm.uz/contentf?doc=475888\\_postanovlenie](https://nrm.uz/contentf?doc=475888_postanovlenie)
12. Осипов Ю.К. Гражданский процесс: Учеб. / Под ред. Ю. К. Осипова. М., 2009. – С.314.
  13. Рожкова, М. А. Применение в коммерческом обороте мировой сделки /М. А. Рожкова – М, 2004. – С.64.
  14. Семейный кодекс Республики Узбекистан. <http://lex.uz/docs/104723#161356>
  15. Шилов О.Ю. Прекращение обязательства новацией // Российская юстиция. 2006. № 8. – С.98.
  16. Шакарян М. Гражданский процесс: Учеб. / Под ред. М. С. Шакарян. М., 2009. – С. 245.

И.М.Салимова,

ТДЮУ Фуқаролик-процессуал ва иқтисодий-процессуал ҳуқуқи кафедраси докторанти

**ТААЛЛУҚЛИЛИКНИ БЕЛГИЛАШ МЕЗОНЛАРИ:  
НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАР**

**Аннотация:** мақолада таллуқлиликни белгилаш мезонлари фуқаролик, иқтисодий процессуал ҳуқуқ назарияси ва қонунчилик нормалари асосида ўрганилган. Тарафлар ўртасида шартноманинг мавжудлигига кўра тааллуқлиликни белгилашнинг ўзига хос процессуал жиҳатлари хорижий давлатларнинг процессуал қонунчилиги асосида таҳлил қилинган. Натижада низоларни медиация орқали ҳал этишнинг процессуал механизмларини такомиллаштиришга оид фуқаролик ва иқтисодий процессуал қонунчиликка тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тааллуқлиликни белгилаш мезонлари, низо предмети, ҳуқуқий муносабат характери, субъектив таркиби, низоли ва низосиз ҳуқуқ, иқтисодий суд, ҳакамлик суди, медиация.

**Аннотация:** в статье изучены критерии определения подведомственности на основе теории гражданского, экономического процессуального права и норм законодательства. Были проанализированы процессуальные аспекты определения подведомственности при наличии договора между сторонами на основе процессуального законодательства зарубежных стран. В результате разработаны предложения о внесении соответствующих изменений и дополнений в гражданское и экономическое процессуальное законодательство с целью совершенствования процессуальных механизмов урегулирования спора путём применения медиации.

**Ключевые слова:** критерии определения подведомственности, предмет спора, характер правоотношений, субъективный состав, спорность или бесспорность права, экономический суд, гражданский суд, третейский суд, медиация.

**Annotation:** The article examines the criteria for determining jurisdiction on the basis of the theory of civil, economic procedural law and legislation. The procedural aspects of the determination of jurisdiction were analyzed in the presence of an agreement between the parties on the basis of the procedural legislation of foreign countries. As a result, proposals were developed on making appropriate amendments and additions to civil and economic procedural legislation in order to improve the procedural mechanisms for resolving a dispute through the use of mediation.

**Keywords:** criteria for determining jurisdiction, the subject of the dispute, the character of legal relations, subjective composition, controversial or undeniable law, economic court, civil court, arbitration court, mediation.

Арз қилинаётган талабларнинг суд ёки бошқа органларга тааллуқлилик масалалари моддий ва процессуал қонунчилик нормалари билан тартибга солинади. Мазкур нормалар умумий қоидалар ва айрим истисно этувчи ҳолатларни назарда тутувчи махсус қоидалардан иборат бўлиб, улар ёрдамида арз

қилинаётган талабларнинг суд ҳокимияти органларига (фуқаролик ишлари бўйича суд, жиноят ишлари бўйича суд, иқтисодий суд, маъмурий суд, ҳарбий суд), ижро ҳокимияти органларига (божхона, солиқ органлари ва ҳ.қ.), нотариат органлари, халқаро тижорат арбитражи, ҳакамлик судлари, шунингдек бошқа органларга тааллуқлилик аниқланади. Нафақат мазкур органлар, балким мурожаат қилувчи шахслар ҳам ушбу қоидаларга риоя қилишлари талаб этилади. Чунки тааллуқлилик қоидаларига риоя қилиниши, ваколатли органлар томонидан арз қилинган талабларнинг ўз вақтида тўғри кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши имконини яратади, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлайди. Шундай экан, тааллуқлиликни белгилаш қоидаларимазмун-моҳиятини тушуниш талаб этилади. Чунки айнан ушбу қоидаларга риоя қилмаслик, аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки кўрмасдан қолдириш, қайтариш ёхуд иш юритишни тугатиш каби ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Тааллуқлиликни белгилаш қоидалари нафақат процессуал ҳуқуқ назариясида батафсил тавсифланган, балки процессуал қонунчилигимизда ҳам мустаҳкамланган. Тааллуқлиликни белгилаш қоидалари айрим юридик адабиётларда тааллуқлиликни белгилаш мезонлари [1], шартлари [2], асослари [3] сифатида қайд этилади. Бизнингча, тааллуқлиликни белгилаш мезонлари сифатида эътироф этсак мақсадга мувофиқ. Чунки муайян талабнинг ваколатли органга тааллуқли бўлиши учун низонинг предмети, субъектив таркиби, ҳуқуқий муносабатлар тури каби турли мезонлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг биргаликдаги мажмуи тааллуқлиликни белгилаш қоидалари сифатида эътироф этилади.

Юридик адабиётларда иқтисодий судларга ишларнинг тааллуқли бўлишининг асосан қуйидаги уч мезони кўрсатилади: низо вужудга келган соҳа; низоли ҳуқуқий муносабат тури; низо иштирокчиларининг субъектив таркиби [4]. Бунда низо вужудга келган соҳа сифатида иқтисодиёт соҳаси назарда тутилади. Бирок, бизнингча, бу мезон бироз мунозарали ҳисобланади. Чунки иқтисодиёт соҳаси кенг бўлиб, иқтисодий судга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган талабни тўлиқ ифода қила олмайди. Шунинг учун иқтисодий судларга тааллуқли бўлган талабларнинг тааллуқлиликни аниқлашда низо вужудга келган соҳани эмас, балки ишда иштирок этувчи шахсларнинг фаолиятини мезон сифатида қайд этсак мақсадга мувофиқ. Чунки тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш жараёнида вужудга келган ва қонун билан иқтисодий судлар ваколатига киритилган талабларга иқтисодий судларга тааллуқли бўлади. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига асосан, тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) деганда тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолияти тушунилади [5].

Процессуалист олим Д.Ю.Хабибуллаев фикрича, тааллуқлиликни белгилашда низонинг предмети, ҳуқуқий муносабат ва иштирок этувчи шахсларнинг турлари асос бўлиб хизмат қилади. Чунки



низонинг предмети қандай эканлигига қараб у суд ёки бошқа органга тегишли эканлиги аниқланади [3]. Масалан, юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар корпоратив низолар жумласига кириб, ушбу тоифадаги ишлар иқтисодий судларга тааллуқли бўлса, алимент ундириш, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқлидир. Яъни юқорида қайд этилганидек, низонинг предмети ушбу низонинг қайси органга тааллуқли эканлигини белгилаб беради. Бироқ низоли ва низосиз талабларнинг тааллуқлилик масалаларини ҳисобга олган ҳолда тааллуқлиликни белгилашнинг ушбу мезонини “низонинг предмети” сифатида эмас балким “арз қилинаётган талабнинг мазмуни” сифатида ифодалаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ҳуқуқий муносабат ва иштирок этувчи шахсларнинг турларига тўхталадиган бўлсак, бевосита фуқаролик ва иқтисодий процессуал қонунчилик нормаларига мувофиқ қилишимизга тўғри келади. Чунки юридик ишларнинг тааллуқлиликни белгилашнинг умумий мезонлари процессуал қонунчилигимизда ўз ифодасини топган. ЎзР Фуқаролик процессуал кодексининг 26-моддасига асосан ишларнинг фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлиши учун фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келган бўлиши ва тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлиши талаб этилади. Бундан қонунда шундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар мустаснодир. ЎзР Иқтисодий процессуал кодексининг 25-моддасига асосан ишларнинг иқтисодий судларга тааллуқли бўлиши учун арз қилинаётган талаб иқтисодий соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар қўрилаётганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келган бўлиши лозим. Яқка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқаролар иштирокидаги низоларга доир ишлар ҳам, агар тегишли талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқса, иқтисодий судга тааллуқли бўлади.

Процессуалист олим М.Мамасиддиқов тааллуқлиликни белгилаш шартларини низоли ҳуқуқий муносабат характери; ишда иштирок этувчи субъектлар таркиби; низоли ёки низосиз ҳуқуқ; тарафлар ўртасидаги шартноманинг мавжудлигига кўра тўрт гуруҳга ажратади [2]. Бизнингча, ҳуқуқнинг низоли ёки низосиз бўлиши тааллуқлиликни белгилашда мунозарали ҳисобланади. Чунки ушбу мезонни қўллайдиган бўлсак, низоли ҳуқуқни судга, низосиз ҳуқуқни бошқа органлар ваколатига тааллуқли деб қатъий ажратишимизга тўғри келади. Ваҳоланки, суд органларига нафақат низоли балким низосиз ҳуқуқ тўғрисидаги талаблар ҳам тааллуқлидир. Фикримизни исботи сифатида юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги, банкротлик тўғрисидаги ишларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин, чунки ушбу тоифадаги ишларда низо бўлмайди. Бироқ процессуалист олим И.И.Стрелькова ҳуқуқнинг низоли ёки низосиз эканлиги мезони юридик фактларни қайд этувчи арбитраж судлари ва ижро

ҳокимияти органлари ўртасидаги ишларнинг тааллуқлиликни чегаралашини таъкидлайди [6].

Тарафлар ўртасида шартнома (келишув)нинг мавжудлиги ҳам тааллуқлиликни белгилашнинг мустақил мезони бўлиб хизмат қилади. Чунки тарафлар томонидан шартноманинг шarti сифатида низо вужудга келган тақдирда низони қайси орган томонидан кўриб ҳал қилиниши келишилган бўлиши ёки низо вужудга келгандан сўнг алоҳида келишув тарзида ёзма шаклда расмийлаштирилган бўлиши мумкин. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, тарафлар ўртасидаги низо ҳакамлик суди, халқаро тижорат арбитражи ёки медиатор иштирокида ҳал қилиниши учун топширилиши мумкинлиги мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, **ҳакамлик суди** – фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларни ҳал этувчи нодавлат орган ҳисобланади [7]. Ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайди. Тарафларнинг низони ҳакамлик судига ҳал қилиш учун топшириш ҳақидаги келишуви – ҳакамлик битими мавжуд бўлган тақдирда низо ҳакамлик судининг ҳал қилувига топширилиши мумкин. Қонуннинг 11-моддасига асосан ваколатли суднинг ҳал қилувида бўлган низога оид ҳакамлик битими ваколатли суд низо юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилгунига қадар тузилиши мумкинлиги белгиланган. Эътиборли жиҳати шундаки, низоларни ҳал этишни ҳакамлик судига топширишга оид процессуал нормалар фақатгина иқтисодий процессуал қонунчиликда назарда тутилган. ЎзР Иқтисодий процессуал кодексининг 29-моддасига асосан фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқиб, юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳамда иқтисодий судга тааллуқли бўлган низо тарафларнинг келишувига биноан, иқтисодий суд ҳал қилув қарори чиқаргунига қадар ҳакамлик судига кўриш учун топширилиши мумкинлиги белгиланган. ЎзР Фуқаролик процессуал кодексининг 122-моддасига асосан тарафлар ўртасида ушбу низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш тўғрисида ҳакамлик битими тузилган бўлса ариза кўрмасдан қолдирилиши тўғрисида процессуал норма мавжуд. Бироқ низоларни ҳал этишни ҳакамлик судига топширишни назарда тутувчи алоҳида процессуал норма мавжуд эмас. Процессуал нормаларни бирхиллаштириш, нотўғри қўлланилишини олдини олиш мақсадида ЎзР ФПКга фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқиб, юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳамда фуқаролик судига тааллуқли бўлган низо тарафларнинг келишувига биноан фуқаролик суди ҳал қилув қарори чиқаргунига қадар ҳакамлик судига кўриш учун топширилиши мумкинлигини назарда тутувчи 26<sup>1</sup>-моддани киритиш таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлда “Медиация тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши ва 2019 йил 1 январдан қучга кириши билан мамлакатимизда низоларни муқобил ҳал этиш (*ADR – alternative dispute resolution*)нинг янги усули жорий этилди [8]. Қонуннинг 3-моддасида ушбу қонуннинг амал қилиш соҳаси сифатида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб

чиқадиган низолаарга, шунингдек якка меҳнат низолаарига ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолаарга медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилиши белгиланган.

Медиация — келиб чиққан низоли тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули ҳисобланади. Қонуннинг 15-моддасида медиацияни қўллаш шартлари белгиланган бўлиб, унга мувофиқ медиация:

- тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида;

- суддан ташқари тартибда, низоли суд тартибидида кўриш жараёнида, суд ҳужжати қабул қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар;

- низоли ҳакамлик судида кўриш жараёнида ҳам ҳакамлик судининг қарори қабул қилинунига қадар қўлланилиши мумкинлиги мустаҳкамланган.

Тарафлар низо келиб чиққунига қадар ёки у келиб чиққанидан сўнг низоли медиация тартиб-таомилини амалга оширган ҳолда ҳал этиш зарурлиги тўғрисида тузилган келишуви асосида низоли медиатор иштирокида ҳал қилиш учун топширишлари мумкин. Қонуннинг 17- моддасида қонунда назарда тутилган ҳолларда, ваколатли давлат органи ишнинг муҳокамасини қолдириб, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун муддат тайинлаши мумкинлиги белгиланган. Шунингдек, судда иш қўзғатилганидан кейин медиация тартиб-таомилини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари процессуал қонун ҳужжатларида белгиланиши тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган. Бироқ ҳозирги кунга қадар фуқаролик ва иқтисодий процессда медиацияни қўллашнинг процессуал механизмлари процессуал қонунчилигимизда мавжуд эмас. Қонуннинг 2019 йил 1 январдан кучга кирганлигини, шунингдек унинг амал қилиш соҳасини ҳисобга олган ҳолда медиацияни қўллашнинг процессуал механизмларини ишлаб чиқиш ва тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни ЎЗР ИПК ва ЎЗР ФПКлариға, ЎЗР “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонунига киритиш заруратини келтириб чиқаради. Бу борада хорижий давлатларнинг процессуал қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсақ, Россия Федерациясида низолаарни медиация орқали ҳал этиш Россия Федерациясининг Арбитраж процессуал кодекси [9] ва Фуқаролик процессуал кодекси [10], шунингдек “Низолаарни воситачи иштирокида муқобил ҳал этиш(медиация процедураси ) тўғрисида”ги Федерал қонуни [11]билан тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин. Россия Федерацияси АПКнинг 138-моддасига асосан арбитраж суди тарафларнинг келишуви учун чораларни кўради, уларга низолаарни ҳал этишда кўмаклашади. Федерал қонунга зид бўлмаган тақдирда, тарафлар низолаарни келишув битимини тузиш ёки бошқа келишув процедураларини, шу жумладан медиация процедурасини қўллаш орқали ҳал этишлари мумкин. Шунингдек, АПКнинг 158-моддасига мувофиқ арбитраж суди иккала тарафнинг илтимосномаси бўйича низоли келишув йўли билан ҳал қилиш мақсадида суд ёки воситачи, шу жумладан медиатордан кўмаклашишни сўраб мурожаат қилган тақдирда суд муҳокамасини кейинга қолдириши мумкин. РФ ФПКнинг 169-моддасида суд иккала тарафнинг илтимосномаси бўйича улар томонидан медиация процедурасини ўтказиш тўғрисида қарор

қабул қилган тақдирда олтмиш кундан ошмаган муддатга суд муҳокамасини кейинга қолдириши мумкинлиги белгиланган.

Беларусь Республикаси хўжалик процессуал қонунчилигини таҳлил қилар эканмиз, нафақат иқтисодий низолаарни медиатор иштирокида ҳал этиш, балким уни ижросини таъминлашнинг процессуал механизмлари мавжудлигини кўришимиз мумкин. Чунки Беларусь Республикаси Хўжалик процессуал кодексида [12] медиатор иштирокида низолаарни ҳал этиш тартиби(40<sup>1</sup>-модда) билан биргаликда тарафлар томонидан медиатив келишувга эришилиб, улар томонидан медиатив келишув ихтиёрий ижро этилмаган тақдирда мажбурий ижро этиш тартибига оид махсус процессуал нормалар мустаҳкамланган (262<sup>1</sup>–262<sup>3</sup> - моддалар). Низо тарафлар томонидан медиатор иштирокида ҳал қилиниши учун топширилганда суд томонидан аризани кўрмасдан қолдирилиши тўғрисида ажрим чиқарилади. Медиатив келишув ихтиёрий ижро этилмаган тақдирда, келишув битимини мажбурий ижро этиш қоидалари татбиқ этилади.

Қозоғистон Республикасида низолаарни медиация орқали ҳал этиш тартиби Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси[13] ва “Медиация тўғрисида”ги қонуни[14] билан тартибга солинади. Қозоғистон Республикаси ФПК 179-моддасига асосан, тарафлар биринчи инстанция, апелляция, кассация инстанция судларида суд маслаҳатхонага киргунига қадар низоли медиация тартибидида ҳал қилинишини сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқиға эға. Тарафлар томонидан биринчи ва апелляция инстанцияси судига медиацияни медиатор иштирокида ўтказиш тўғрисидаги илтимоси арз қилинган ва тарафларнинг медиатор билан келишуви тақдим қилинган тақдирда, суд ФПКнинг 272-моддаси 7-бандига мувофиқ бир ой муддатдан ошмаган муддатга иш юритишни тўхтатади. “Медиация тўғрисида”ги қонунда медиацияни ўтказишнинг бунданда узоқроқ муддатлари белгиланган, бироқ ушбу муддатлар медиация фуқароларнинг судга мурожаат қилмасдан қилган мурожаатлари асосида ўтказилганда татбиқ этилади [15]. Тарафлар томонидан биринчи ва апелляция инстанция суди томонидан медиацияни ўтказиш тўғрисидаги илтимоси арз қилинган бўлса, суд ФПКнинг 273-моддаси 7-бандига мувофиқ ўн иш кундан ошмаган муддатга иш юритишни тўхтатади. Медиация тарафларнинг илтимосига кўра ишни кўраётган суд томонидан ўтказилиши мумкин, бошқа ҳолларда эса бошқа судьяга ўтказилади. Медиация тартибидида низоли ҳал этиш тўғрисидаги келишувга эришилган тақдирда ушбу келишувнинг мазмуни тегишли иш қайси суд иш юритувида турган бўлса, шу судья томонидан текширилади. Судья томонидан медиация келишуви тасдиқланса, уни тасдиқлаш ва иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарилади. Агар тарафлар томонидан медиация тартибидида келишувга эришилмаган ёки судья томонидан келишув тасдиқланмаган тақдирда иш умумий тартибда кўриб чиқилади.

Юқорида қайд этилган хорижий давлатларнинг процессуал қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, иш қўзғатилгандан сўнг низолаарни медиация орқали ҳал этиш тартиби барча давлатларда ўзига хос процессуал хусусиятлар билан фарқланади. Чунки кўриб турганимиздек, биргина тарафлар томонидан низоли медиация орқали ҳал

этиш тўғрисида келишилганда суд томонидан иш кўриш кейинга қолдирилиши, ёки ариза кўрмасдан қолдирилиши ёхуд иш юритиш тўхтатилиши, шунингдек, иш юритиш тугатилиши мумкинлиги белгиланган. Бизнингча, тарафлар томонидан иш юритиш қўзғатилгандан сўнг низони медиация орқали ҳал этиш келишилган тақдирда суд томонидан иш юритишни тўхтатиш, медиатор иштирокида медиатив келишувга эришилган тақдирда, ушбу келишув суд томонидан тасдиқланса, иш юритишни тугатилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки иш юритишни тўхтатилиши – тарафлар томонидан медиатив келишувга эришилмаган тақдирда, иш юритишни тиклаш ва умумий тартибда ишни кўриш имконини беради. Германия Федератив Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 278а-моддаси иккинчи қисмида тарафлар медиация ёки низоларни муқобил ҳал этиш процедурасини танлаган тақдирда суд томонидан иш юритиш тўхтатилиши белгиланган [16]. Бундан ташқари, ЎзР “Медиация тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасида суд муҳокамаси жараёнида тарафлар томонидан эришилган медиатив келишув тегишли иш қайси суд иш юритувида турган бўлса, дарҳол ўша судга юборилиши, низо медиатив келишув билан медиация тартибда ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозимлиги белгиланган. Суд ушбу ҳолатда медиатив келишувни тасдиқлаши иш юритишни тугатиш учун асос бўлиб хизмат қилади ва ажримда давлат божини қайтариш масаласини ҳал қилиш имконини беради. Ушбу процессуал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ЎзР ФПК ва ИПКга медиатор иштирокида низоларни ҳал этишни назарда тутувчи тегишли ўзгариш ва қўшимчаларни киритиш таклиф этилади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, хулоса қиладиган бўлсақ;

**Биринчидан**, ҳуқуқий ишларнинг тааллуқлилиқ масалалариарз қилинаётган талабнинг мазмуни; ҳуқуқий муносабат тури; ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг субъектив таркиби; ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг фаолияти; тарафлар ўртасида шартнома(келишув)нинг мавжудлиги каби мезонлар билан белгиланади.

**Иккинчидан**, ЎзР ФПКга қуйидаги мазмундаги 26<sup>1</sup>-модда (Низоларни ҳал этишни ҳакамлик судига топшириш)ни киритиш таклиф этилади:

*“Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқиб, юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳамда фуқаролик судига тааллуқли бўлган низо тарафларнинг келишувига биноан, фуқаролик суди ҳал қилув қарори чиқаргунига қадар ҳакамлик судига кўриш учун топширилиши мумкин. Маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низолар, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низолар бундан мустасно”.*

**Учинчидан**, ЎзР ФПКга қуйидаги мазмундаги 26<sup>2</sup>-модда (Медиатор иштирокида низоларни ҳал этиш)ни киритиш таклиф этилади:

*“Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, якка меҳнат низоларига ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар, шунингдек қонун билан фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бошқа низолар тарафларнинг ёзма медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувига биноан, фуқаролик ишлари бўйича суд ҳал қилув қарори чиқаргунига қадар*

*медиатор(медиаторлар) иштирокида ҳал қилиниши учун топширилиши мумкин.*

*Низо тарафлар томонидан медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувига биноан медиатор(медиаторлар) иштирокида ҳал қилиниши учун топширилганда, иқтисодий суд ушбу кодекснинг 10-бобида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқаради.*

*Суд томонидан медиатив келишув тасдиқланган тақдирда иш юритиш тугатилади ва ажримда давлат божини қайтариш масаласи ҳал қилинади”.*

**Тўртинчидан**, ЎзР ИПКга қуйидаги мазмундаги 29<sup>1</sup>-модда (“Медиатор иштирокида низоларни ҳал этиш”)ни киритиш таклиф этилади:

*“Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиққан иқтисодий судга тааллуқли бўлган низо тарафларнинг ёзма медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувига биноан, иқтисодий суд ҳал қилув қарори чиқаргунига қадар медиатор(медиаторлар) иштирокида ҳал қилиниши учун топширилиши мумкин.*

*Низо тарафлар томонидан медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувига биноан медиатор(медиаторлар) иштирокида ҳал қилиниши учун топширилганда, иқтисодий суд ушбу кодекснинг 9-бобида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқаради.*

*Суд томонидан медиатив келишув тасдиқланган тақдирда иш юритиш тугатилади ва ажримда давлат божини қайтариш масаласи ҳал қилинади”.*

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Арбитражный процесс / Учебник. Под редакцией В.В. Яркова. 4-е издание. –М.: Инфотропик Медиа, 2010. –С.58; И.Л. Бурова. Подведомственность дел арбитражным судом: монография / Дальневосточный государственный технический университет. - Владивосток: Изд-во ДВГТУ, 2008. С.30.
2. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент.: ТДЮИ нашриёти. 2010. – 259 б.
3. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи (саволлар ва жавоблар): Ўқув қўлланма. (Қайта тўлдирилган нашр). –Тошкент.: ТДЮИ нашриёти, 2012. –78 б.
4. Ибратова Ф.Б. Хозяйственное процессуальное право: // учебник. –Т.: Издательство ТГЮИ. 2012. –С 151.
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2012 й. № 18. 201-модда.
6. Стрелькова И.И. Подведомственность арбитражному суду дел по экономическим спорам и иных дел. Дисс. канд. юрид. наук. –Екатеринбург, 2002. – С.77.
7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 416-модда.
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий база-си, 04.07.2018 й., 03/18/482/1447-сон.
9. "Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации" от 24.07.2002 N 95-ФЗ (ред. от 25.12.2018) <http://www.consultant.ru>

10. "Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации" от 14.11.2002 N 138-ФЗ (ред. от 27.12.2018) <http://www.consultant.ru>

11. Федеральный закон от 27.07.2010 N 193-ФЗ (ред. от 23.07.2013) "Об альтернативной процедуре урегулирования споров с участием посредника (процедуре медиации)" <http://www.consultant.ru>

12. Хозяйственный процессуальный кодекс Республики Беларусь от 15 декабря 1998 г. № 219-3. <http://etalonline.by>

13. Кодекс Республики Казахстан от 31 октября 2015 года № 377-V «Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан» (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.01.2019 г.) <https://online.zakon.kz>

14. Закон Республики Казахстан от 28 января 2011 года № 401-IV «О медиации» (с изменениями и дополнениями по состоянию на 31.10.2015 г.) <https://online.zakon.kz>

15. Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Республики Казахстан. –Астана: Библиотека Верховного Суда Республики Казахстан, 2016. – С.373.

Code of Civil Procedure as promulgated on 5 December 2005 (Bundesgesetzblatt (BGBl., Federal Law Gazette) I page 3202. [www.juris.de](http://www.juris.de)

**Д.Нурумов**

ТДЮУ Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

### **АДВОКАТ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ**

**Аннотация:** Мақолада адвокатнинг тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиш тартиби, турлари, ҳуқуқий механизми ҳамда илмий ва назарий асослари таҳлил қилинган. Шунингдек, адвокатнинг тадбиркорлик фаолиятига юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ масалалар адвокатура фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва соҳага оид олимларнинг ёндошувлари асосида ёритилган.

**Калит сўзлар:** консалтинг, адвокат, консультант, бизнес-консультант, арбитраж

**Аннотация:** В статье представлен анализ правового порядка и видов, правового механизма, а также научных и теоретических основ юридического обслуживания адвокатам предпринимательской деятельности. А также, вопросы связанные с оказанием адвокатами юридической помощи для предпринимательской деятельности освещены на основе нормативно правовых актов регулирующих адвокатскую деятельность и подходов ученых данной отрасли.

**Ключевые слова:** консалтинг, адвокат, консультант, бизнес-консультант, арбитраж

**Annotation:** The article presents an analysis of the legal order and types, the legal mechanism, as well as the scientific and theoretical foundations of legal services as an advocate of business cases. As well, issues related to the provision of legal aid by advocates for entrepreneurial activities are covered on the basis of normative legal acts regulating the activity of advocacy and the approaches of scientists in the sphere.

**Keywords:** consulting, advocate, consultant, business-consultant, arbitration.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг муҳим таркибий қисми сифатида адвокатуранинг роли ҳамда аҳамиятини кучайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизда бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди.

Уларда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, адвокатларни тадбиркорлик субъектларига юридик (консалтинг) хизматларини кўрсатиш фаолиятининг ҳуқуқий механизмлари тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонида мувофиқ тасдиқланган 2017-2021-йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи корпоратив юридик маслаҳатлар ва юридик консалтингларни ривожлантириш масаласи кўрсатиб ўтилган [1].

Бундан ташқари 2017 йил 22 декабрда Президентимиз илк бор Олий Мажлисга Мурожаатнома билан чиқиш қилиб, мазкур Мурожаатномада адвокатларнинг консалтинг хизмати, яъни маслаҳат бериш ва тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятини

такомиллаштириш чораларини кўриш, адвокатлар томонидан юридик хизматлар кўрсатиш юзасидан фаолиятни кенгайтириш, тадбиркорларга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш, давлат органларида вакиллик қилиш, низоларни судгача ҳал этиш, меҳнат ҳуқуқи бўйича юридик хизматлар кўрсатиш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш каби йўналишларда бундай хизматларни кучайтириш лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Адвокатура институтини такомиллаштирилишидаги яна бир муҳим ҳужжатлардан бири Президентимизнинг 2018 йил 12 майдаги “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди [2].

Президентимизнинг мазкур Фармони суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, адвокатура тизимини янада ривожлантириш, адвокатларнинг ролини кучайтириш, пировардида, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини мустақкам ҳимоя қилиш борасида муҳим қадамлардан бири бўлди.

Шу билан бир қаторда мазкур Фармонга асосан адвокатура тизимида жиддий ўзгаришлар амалга оширилди.

Хусусан муҳокама этилаётган масала юзасидан фармонда тижорат ташкилотлари юридик маслаҳат хизматларини лицензия олмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга ошириши мумкинлиги белгиланган. Бунда қайд этилган ташкилотлар фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича судларда вакиллик қилиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Адвокатлик тузилмалари юридик маслаҳат хизматларини Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 майдаги ПФ-5441-сон фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 августдаги 675-сон қарори билан “Тижорат ташкилотлари томонидан юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш тўғрисида” Низом [3] тасдиқланган. Мазкур низомда адвокат мақоми ўз аризасига кўра тўхтатиб турилган шахс юридик маслаҳатчи сифатида ишлаши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Адвокатнинг тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиш тартибини ёритишдан олдин консалтинг тушунчасига ҳам тўхталиб ўтамиз.

Консалтинг бу – маслаҳат бериш фаолияти бўлиб, замонавий ишлаб чиқариш ва ишбилармонлик муҳитининг шиддат билан ривожланиб бораётган мазкур даврда ҳўжалик юритувчи субъектлар учун зарурий бўлган хизмат тури ҳисобланади.

Унинг асосий моҳияти тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар ҳамда ҳўжалик юритувчи ташкилотларга мураккаб масалаларни ҳал этиш, компаниянинг молиявий аҳволини белгилаш ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш, ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсули бўлган

товарларни реализация қилиш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида қўлланилиши лозим бўлган тавсиялар бериш, активлардан унумли фойдаланиш ва учинчи томон инвестицияларини жалб этиш, режали аудитни ўтказиш, кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш, менежментдаги бошқарув қобилиятларини шакллантириш, ташкилотдаги меҳнат фаолиятининг умумий самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклифлар беришда намоён бўлади [4].

Мазкур фаолият “Консультантлар” яъни тегишли соҳа фаолиятига доир масалалар юзасидан консалтинг хизматларини таклиф этувчи зарурий билим ва амалий иш тажрибасига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади. Улар турли шаклдаги корхоналар учун бизнесни бошлаш, маркетинг, ишлаб чиқариш, стратегия, ташкилот тузилмаси, соғлиқ ва хавфсизлик, технология ва алоқа билан боғлиқ бўлган турли хилдаги муаммоларни ечишга ёрдам беради. Баъзи консалтантлар ўзлари ишлайдиган, маълум бир соҳада ихтисослашган кўникмаларни таклиф қиладиган мустақил пудратчилар ҳисобланади, бошқа консалтантлар эса кенг доирадаги бизнес соҳаларида кўмак таклиф қилувчи йирик консалтинг фирмалари учун фаолият кўрсатади.

Консалтинг сектори 1960 йилларда пайдо бўлганидан буён тезкор ўсиш суръатларида ривожланган, хусусан Америка Қўшма Штатларидаги ўнта йирик консалтинг фирмасини ўз ичига олган “Business Week” 1990 йиллар охирида компаниянинг йилига 10 фоиз ўсишига эришган бўлса, 2000 йилда ушбу кўрсаткич 14 фоизга етган. Бунда бир қанча оммилар консалтинг фаолияти ўсишига ҳисса қўшган. Биринчидан, корпоратив қисқариш тенденцияси натижасида кўплаб компаниялар ўзларининг барча зарур вазифаларини бажариш учун ички ишчи кучига эга эмаслиги бўлса, иккинчидан, бугунги ишбилармонлик муҳитининг мураккаблиги - тартибга солиш, глобаллашиш ва технология тараққиёти натижаси сифатида кўплаб компанияларнинг бизнесни ривожлантириш йўлидаги амалий ҳамда самарали тавсияларга муҳтож эканлиги билан боғлиқ ҳисобланади.

Консалтант хизматидан фойдаланиш хусусида қарор қабул қилиш жараёнида бизнес фаолияти субъектлари ҳақиқий муаммонинг моҳиятини, ички ресурслардан уни оқилона бартараф этиш учун фойдалана олмаслик сабабларини ва маслаҳатчини таклиф этиш орқали кутилиши мумкин бўлган ижобий натижалар фарзини кўриб чиқиши керак.

Ушбу масала юзасидан Жон Адамснинг фикрича, консалтант хизматлари талаб қилиниши мумкин бўлган бир нечта вазиятлар мавжуд, бунга компаниянинг реал даромадлари текис ёки жуда секин ўсиб бориши, харажатларнинг даромадга нисбатан ортиши, бизнесни бошқариш тизимининг эскирганлиги кабилар сабаб бўлади [5].

Шу билан бир қаторда Давид Жонснинг фикрига кўра компания фаолиятининг консалтант хизмати эҳтиёжи раҳбар томонидан бутун тизимни ва ишлаб чиқариш жараёнини қайта ташкил этиш учун оптимал дастурга эга бўлиш истаги пайдо бўлганда, рақобатбардошликни оширишнинг зарурий босқичларида шунингдек компания банкротлик шароитида ёки зарарли ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошираётган ҳолларда юзага келади ҳамда ушбу жараёнда консалтинг фирмалари ўз зиммасига

тегишли корхонани инқирозли вазиятдан олиб чиқиш вазифасини олади.

Яна шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан малакали консалтинг хизматларини кўрсатувчи мутахассисларни танлашда ва улар билан шартнома имзолаш олдидан бир қанча хусусиятларга, яъни тақдим этилаётган хизматларнинг нархи, консалтинг иш тажрибаси ҳамда салоҳиятига, консалтинг компаниясининг фаолият юритаётган муддатига, аввалги мижозларнинг иши бўйича ҳисоботларга эътибор қаратилиши лозим [6].

Бунда албатта компанияга хизмат кўрсатувчи консалтант унинг ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатиш борасидаги маҳсулдорлик даражасининг сифат жиҳатидан юқори кўрсаткичларга эришиши учун зарур тадбирларни амалга ошириши, бизнесни ривожлантириш йўлидаги амалий тавсиялар билан компания ходимларининг малакасини оширишга кўмаклашиши, шунингдек ташкилотнинг келажакка йўналтирилган истиқболли юксалиш дастурларини ишлаб чиқишда қатнашиши лозим ҳисобланади.

Бугунги кунда консалтинг хизматларини кўрсатиш юзасидан бизнес, молиявий, ҳуқуқий ҳамда технологик соҳалардаги масалаларни ҳал этувчи маслаҳатчиларни топиш мумкин ҳисобланади [7].

Ўритилаётган мавзу доирасидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектларига юридик консалтинг хизматларини кўрсатиш фаолияти хусусида фикр юритадиган бўлсак, аввало юридик консалтинг бу – юридик соҳа мутахассислари томонидан жисмоний тарта юридик шахсларга ҳуқуқий нормалар орқали ҳамда шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар юзасидан вужудга келган муаммоларни ҳал этишда кўмак бериш, уларни қизиқтираётган масалалар бўйича оғзаки маслаҳат ва тушунтиришлар, шунингдек ёзма маълумотномалар тақдим этиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар тизими ҳисобланади.

В.Буробиннинг фикрича адвокат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги алоқалар ўзаро фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга асосланган бўлиб, бунда адвокат тадбиркорлик субъектига у билан тузилган ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома орқали юридик ёрдам кўрсатади. Мазкур шартнома асосида адвокат тадбиркорлик субъекти номидан бошқа тадбиркорлар ҳамда юридик шахслар билан тузиладиган битимларда шунингдек давлат органлари ва судларда вакилликни амалга оширади ҳамда уларнинг бизнес фаолияти қонуний асосда амалга оширилиши учун маъсулиятни ўз зиммасига олади [8].

“Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низомга асосан адвокатлик фаолиятини лицензиялаш кўйидаги ихтисосликлар бўйича амалга оширилиши белгиланди:

- фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритиш;
- маъмурий ва жиноий суд ишларини юритиш ихтисосликлари бўйича.

Ихтисослик фақат фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ва жиноят ишларини юритишда адвокатлар томонидан малакали юридик ёрдам кўрсатишда талаб қилинади.

Адвокат танланган ихтисослик йўналишларидан қатъи назар, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар бериш, ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузиш, давлат органларида (суд органларидан ташқари), жисмоний ва юридик шахслар

олдида вакилликни амалга ошириш, тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиш ҳуқуқий эга.

Ҳар бир адвокат тегишли ихтисосликни мустақил танлаш ва у бўйича белгиланган тартибда малака имтиҳони топшириш ҳуқуқига эга [9].

Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Адвокатура тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасида адвокатлик фаолиятининг турларидан бири сифатида адвокат тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиши белгиланган. Бундан ташқари адвокат шартномавий-ҳуқуқий асосда давлат органларининг, ҳўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатидаги фаолият юритиши мумкинлиги Қонуннинг 3-моддасида мустаҳкамлаб кўйилган.

Шунингдек адвокат қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа турдаги юридик ёрдам ҳам кўрсатиши мумкин.

Адвокатлар бугунги кунда ўз фаолиятини фақат суд залида ёки офисда эмас, балки тадбиркорларга юридик хизматларни кўрсатиш орқали ҳуқуқий ёрдам беришда эркинлик ҳамда имкониятларга эга ҳисобланади.

Адвокатларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш фаолияти юзасидан биргина Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ишлар кўламини муҳокама қиладиган бўлсак, вилоят адвокатлари томонидан 2017 йил доирасида 20 мингдан ортиқ юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар имзоланиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинган, шунингдек 5 мингга яқин оғзаки маслаҳатлар берилиб, 1200 нафар тадбиркор ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган фуқароларга локал ҳужжатлар тайёрланган [10].

Адвокат томонидан юридик хизмат кўрсатишнинг кўйидаги бир неча йўналишларини келтириб ўтиш мумкин:

– Корхона маслаҳатчиси – унинг асосий фаолият кўлами корпоратив муносабатлар жараёни билан узвий боғлиқ бўлиб, бунда консалтант мижозга корпоратив бошқарувни ташкил этиш ва уни амалга оширишга, шунингдек юзага келган низоларни ҳал этишга ёрдам беради ҳамда аниқ белгиланган, қисқа муддатли иш вақти давомида фаолият кўрсатади. Бундан ташқари маслаҳатчи ўзининг ҳуқуқий нуктаъи назарини корхона учун муайян қарорлар қабул қилиш жараёнида бошқарувчи раҳбар ёки менежерларга тақдим этиш билан бир қаторда шартномалар ҳамда локал ҳужжатларни тузишга кўмаклашади.

– Шартнома бўйича маслаҳатчи – мазкур жараёнда консалтант ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномавий ҳуқуқий муносабатларга киришиш жараёнида иштирок этиб, тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бирдек ифода этишга қаратилган шартнома лойиҳаларини шакллантириш вазифасини амалга оширади. Бунда у шартномада белгиланган ҳар бир қонданнинг тарафларга тўғри тушунтирилиши, амалдаги қонунчиликка мувофиқ келиши ҳамда манфаатдор субъектларнинг шартнома интизомига риоя этишлари учун маъсулиятни ўз зиммасига олади.

– Меҳнат муносабатлари бўйича маслаҳатчи – корхона, муассаса ва ташкилотларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимларга ва иш берувчиларга касба уюшмалари ёхуд иш берувчилар манфаатини ифода этувчи ўзга ташкилот вакили

сифатида иш берувчи ва ходимлар ўртасида тузилган меҳнат шартномалари матнининг тўғрилиги ва иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини ҳуқуқий томонлама тўғри йўлга қўйилиши, жумладан, меҳнат муҳофазаси, меҳнат интизоми ва ходимларнинг мажбурий меҳнатга жалб қилинмаслиги ҳолатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишига жавобгар бўлади. Шунингдек, корхона ва иш берувчи ўртасида низо келиб чиқадиган бўлса, судда корхона манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасини амалга оширади [11].

Тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган юридик хизматларининг асосий мазмуни эса адвокатлар томонидан уларнинг бизнес юритиш фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, бунда иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат-ҳуқуқий муносабатларнинг қонуний тарзда йўлга қўйилишини назорат қилиш, шартнома лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни тадбиркорлик субъектлари ўртасида расмийлаштириш билан боғлиқ жараёнга раҳбарлик қилиш, иқтисодий низоларда манфаатдор тарафнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда келиб чиқадиган бошқа муаммоларни бартараф этишда юридик ёрдам бериш билан ифодаланади.

Тадбиркорлик субъектлари уларнинг фаолият олиб бориш кўламинан қатъий назар, бизнес юритиш жараёнида турли хилдаги ҳуқуқий муаммоларга дуч келиши мумкин. Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун айрим бизнес субъектлари ҳуқуқий вазиятни тушуниш ва тўғри ечим олиш мақсадида адвокатлар билан маслаҳатлашади. Адвокатнинг вазифалари бизнесда иштирок этиш даражасига қараб ўзгариб туради.

Бизнес-консультант адвокатлар одатда меҳнат қонунчилиги, иш ҳақи ва вақти, лицензиялаш ва маъмурий ҳуқуқни ўз ичига олган турли шаклдаги бизнес муносабатларида ҳуқуқий маслаҳат беради. Шунингдек ташкилот раҳбари консалтинг ҳуқуқшуносига ходимларни ишқа қабул қилиш ҳамда уларни лавозимидан озод қилиш масалалари ҳусусида ҳуқуқий маслаҳат сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Яна шунини ҳам таъкидлашимиз жоизки, адвокатлар кўпинча компанияларни суд ишларини юритишда компания номидан иштирок этадилар. Мисол учун, агар ходим қамситиш ёки меҳнат қонунчилигини бузилиши ҳақида судга даъво аризаси киритса, адвокат компания номидан вакил сифатида судда қатнашиб, унинг манфаатларини ифода этади. Бундан ташқари адвокат компаниянинг собиқ мижозлари ёки унинг бизнес ҳамкорлари ўртасида вужудга келган иқтисодий низоларда ҳам иштирок этади ҳамда низоли масалани чуқур таҳлил қилиш, далилларни тўплаш ва тақдим этиш ишларини бажаради.

Консалтинг хизматларини кўрсатувчи адвокат ташкилот фаолияти учун зарур бўлган локал ҳужжатларни тайёрлаб бериши мумкин, улар жумласига: меҳнат шартномалари, компания ва унинг мижозлари ўртасидаги ёзма шартномалар ҳамда бошқа ҳужжатлар кирди. Шу билан бир қаторда адвокатлар компаниянинг бизнес операцияларини амалга ошириши учун зарур бўлган лицензиялар ва суғурта полисларини расмийлаштиришга қаратилган ҳужжатларни тайёрлаш, компания номидан касаба уюшмалари раҳбарлари билан музокараларни амалга ошириш, йўлланган мурожаатларга жавоб бериш вазифаларини ҳам амалга оширадilar [12].

Бундан ташқари адвокат томонидан тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган юридик хизматлар доирасида қуйидагиларни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин: арбитраж судларида ташкилотларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, дебиторлик қарзларини ундириш билан боғлиқ чораларни кўриш, шартномалар, мулк ҳуқуқи масалалари, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари билан алоқадор доирадаги низоларда қатнашиш, ташкилот бошқарув органларининг оптимал схемасини ишлаб чиқиш, компаниянинг таъсис ҳамда ички ҳужжатларини расмийлаштириш, инвестиция лойиҳалари, қимматли қоғозлар бўйича битимлар, кўчмас мулк объектларини кўриш, реконструкция қилиш, шу жумладан капитал қурилишда иштирок этиш бўйича битимларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳуқуқий маслаҳат бериш кабилардир [13].

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар бериш адвокатлик фаолияти турларидан бири ҳисобланади [14], бунинг учун лицензия олиш талаб этилади. Бироқ яқин кунларгача амалиётда юридик маслаҳат бериш ва консалтинг фаолиятини фарқлаш мушкул ҳисобланарди. Шу сабабли ушбу қоидага кўпинча риоя этилмай келинган, юқорида назарда тутилган ҳужжат эса мазкур зиддиятларни бартараф этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Адвокатларнинг тадбиркорлик субъектларига корпоратив юридик маслаҳатлар ва юридик хизматларни кўрсатиш ёки давлат органлари ва муассасаларида юридик хизмат кўрсатишга жалб этиш, шу билан бир қаторда адвокатларнинг тадбиркорлик фаолиятига ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шаклини жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон /<http://www.lex.uz/docs/3107036>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5441-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2018 й., 06/18/5441/1210-сон / <http://lex.uz/docs/3731060>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 майдаги ПФ-5441-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 августдаги 675-сон қарори билан тасдиқланган “Тижорат ташкилотлари томонидан юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш тўғрисида” Низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.08.2018 й., 09/18/675/1885-сон / <http://lex.uz/docs/3908401?query=%D0%B1%D0%B8%D0%BD%D0%BE>

4. Goldsborough Reid. "How to Hire a Web Consultant." Link-Up. 17.09.99.

5. Adams Joan. "Do's & Don'ts of Hiring Consultants." Supply House Times. 05.03.05.

6. Teichgraeber Tara. "What to Look For: E-Commerce Consultants". Dallas Business Journal. 14.07.2000.

7. Zahn David. The Quintessential Guide to Using Consultants. HDR Press, Inc., 12.01.04.

8. Буробин В. Коммерциализация адвокатуры - благо для ее развития // Российская юстиция. 2010.- №3.

9. "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.10.2017 й., 09/17/873/0180, 23.12.2017 й., 10/17/1001/0447-сон; 23.01.2018 й., 09/18/34/0605-сон, 18.08.2018 й., 09/18/675/1885-сон / <http://www.lex.uz/acts/1455562>

10. Sobirov R. Tadbirkorlikni huquqiy himoya qilish va qo'llab-quvvatlash. // Jamiyat. 08.01.2018. №5.

11. Elizabeth Reign. "Types of legal consulting jobs". The Payoner Blog. 24.04.13.

12. Плоскова А., Воронцов Д. Юридический консалтинг // Финансовая газета. Региональный выпуск, 2008. №13.

13. Тетелюхин И. Идеальный договор на оказание услуг консалтинга // Консультант, 2007, №15.

14. Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон / <http://lex.uz/docs/54503>

**Б.Топилдиев,**

ТДЮУ "Фуқаролик ҳуқуқи" кафедраси доценти, ю.ф.н.

### ИШОНЧЛИ БОШҚАРУВЧИ ТОМОНИДАН МУАЛЛИФНИНГ МУТЛАҚ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги асосида ишончли бошқарувчи томонидан муаллифнинг мутлақ ҳуқуқларини амалга ошириш масалалари таҳлил этилган, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** мутлақ ҳуқуқ, муаллиф, тадбиркор, ишончли бошқарувчи, мулк.

**Аннотация:** В статье были проанализированы вопросы осуществления исключительных прав автора со стороны доверительного управляющего на основании гражданского законодательства Республики Узбекистан, разработаны соответствующие предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** исключительное право, автор, предприниматель, доверительный управляющий, ответственность.

**Annotation:** Article analyses matters of implementation of the exclusive rights of the author from the trustee on the basis of the civil legislation of the Republic of Uzbekistan, develops the relevant proposals and recommendations.

**Key words:** exclusive right, author, businessman, trustee, property.

Бугунги кунда тадбиркорлар синфи тобора кенгайиб бораётган бир шароитда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Иқтисодийнинг тобора жадал суръатларда ривожланиб бориши тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларнинг янада кенгайишига олиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 7 февраль 2017 йилдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда юридик ёрдам ва хизматлар сифатини тубдан яхшилаш учун қонун устуворлигини таъминлаш механизмларини янада тақомиллаштириш каби асосий вазифалар белгиланди.

Фуқаролик кодексининг 849-моддасига мувофиқ, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф (бошқарувнинг муассиси) иккинчи тарафга (ишончли бошқарувчига) мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарувга топширади, иккинчи тараф эса ушбу мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади. Ушбу нормада қонун чиқарувчи томонидан ишончли бошқариш шартномаси конструкцияси бўйича мол мулкни топширилишини назарда тутди.

Фуқаролик кодексининг 851-моддасида эса, ишончли бошқариш объектлари корхоналар ва бошқа мол-мулк комплекслари, кўчмас мулкка мансуб бўлган алоҳида объектлар, қимматли қоғозлар, **алоҳида ҳуқуқлар** ва бошқа мол-мулкдан иборат бўлиши мумкин. Бу ўринда қонун чиқарувчи томонидан "алоҳида ҳуқуқларни" ишончли бошқариш объектлари жумласи-



га киритилади. Фуқаролик кодексининг русча матнида “исключительные права” термини ишлатилади. Шу боисдан, кодекснинг ўзбек тилидаги матнида ҳам “мутлоқ ҳуқуқ” сифатида ифодаланиши тўғри бўлган бўлур эди.

Бу ўринда мутлоқ ҳуқуқ ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. Мутлоқ мулк ҳуқуқлар мажмуи сифатида ҳуқуқ эгаси интеллектуал мулк объекти бўйича ўзи содир этишга ҳақли бўлган, бошқаларга содир этишга рухсат бера оладиган ёки содир этишни таъқиқлаб қўя олишга ҳақли бўлган хилма-хил ваколатларни ўз ичига олади. Шу сабабли ҳам мутлоқ ҳуқуқлар шартнома асосида ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказилганда айнан қандай ҳуқуқ (масалан, маълум ҳудуд доирасида шахсан танҳо фойдаланиш, бошқа фойдаланувчилар ҳам мавжуд бўлган асосда фойдаланиш, бошқа ҳудуд доирасида бу ҳуқуқни амалга оширишга тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги ва ҳ.к.) ўтказилаётганлиги ва бу ҳуқуқдан келиб чиқувчи ваколатларни аниқ белгилаб, шартномада акс эттириш лозим [5, 97-б].

Б.Ахмаджонов мутлоқ ҳуқуқлар борасида ўзининг фикрларини илгари суриб, мулк муносабатлардаги мутлоқ ҳуқуқлар, шахсий номулк муносабатлардаги “истисно” ва “мустанно” ҳуқуқ деб аталувчи мутлоқ ҳуқуқлар ажратилишини кўрсатиб ўтади. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан эса, “истисно ҳуқуқ” тушунчаси қўлланилишини ва у – интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан ҳуқуқлар эгасининг ўз ҳуқуқларини қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланиш, мазкур ҳуқуқлардан фойдаланишга рухсат бериш ёки бошқача тарзда тасарруф қилиш ва ҳар қандай ҳолатда бошқа шахсларнинг рухсатсиз фойдаланишларини тақиқлашни талаб қилиш ҳамда бошқача тарзда ҳимояланиш имкониятларини таъминловчи ваколатлари мажмуи [2, 9–10-б], деб ҳисоблайди.

Муаллиф мазкур ҳолатда айнан ўз тадқиқот объекти сифатида мутлоқ ҳуқуқлар тушунчасига таъриф беришга уринади ва ушбу тушунчасини кенг маънода тушунтиришга ҳаракат қилади. Фикримизча, “мутлоқ ҳуқуқ” тушунчаси у ёки бу ҳуқуқларга нисбатан кенг ва тор маънода қўлланилиши мумкин. Масалан, ФК 46-моддасига кўра, юридик шахс ўз фирмасининг номидан фойдаланиш мутлоқ ҳуқуқига эга. Амалдаги Фуқаролик кодексига мутлоқ ҳуқуқ тушунчаси аксарият ҳолларда айнан интеллектуал мулк объектлари натижаларига нисбатан қўлланилади. Чунончи, ФК 85, 97, 862, 1034-1040-моддалар ва бошқа нормаларда айнан интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлоқ ҳуқуқлар назарда тутилган.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк юзасидан битимларни ишончли бошқарувчи ўз номидан амалга оширади, бунда у ўзининг шундай бошқарувчи сифатида иш олиб бораётганини кўрсатади. Агар ёзма тарзда расмийлаштиришни талаб қилмайдиган ҳаракатлар амалга оширилаётганида иккинчи тараф ишончли бошқарувчи бу ҳаракатларни ана шундай бошқарувчи сифатида амалга ошираётганлигидан хабардор қилинган бўлса, ёзма ҳужжатларда эса ишончли бошқарувчининг исми ёки номидан кейин тегишли белги қўйилган бўлса, мазкур шартга риоя қилинган ҳисобланади.

Ишончли бошқарувчининг ана шундай бошқарувчи сифатида ҳаракат қилиши тўғрисида кўрсатма бўлма-

са, у учинчи шахслар олдида шахсан мажбурият олади ва улар олдида фақат ўзига қарашли мол-мулк билан жавоб беради.

Бу ўринда таъкидлаш керакки, мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш бу мол-мулкка мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмайди. Ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқарар экан, ишончли бошқариш шартномасига мувофиқ ушбу мол-мулкка нисбатан фойда олувчининг манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳар қандай юридик ва амалий ҳаракатларни қилишга ҳақли. Бироқ, қонунчиликда белгиланган нормалар муаллифларнинг мутлоқ ҳуқуқларини бошқариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш учун етарли эмас.

Ишончли бошқариш шартномаси бўйича муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан юридик ҳаракатларни амалга ошириш масаласи алоҳида эътибор талаб қилади [7, 133-б]. Аввало, бу қонун ёки шартномада таъқиқланмаган бўлиши лозим. Фуқаролик кодексининг IV бўлимида белгиланган нормалар муаллифнинг мутлоқ ҳуқуқларини турли шартномалар чунончи, лицензия шартномалари, мутлоқ ҳуқуқлар гарови шартномасини тузиш орқали амалга ошириш имконини бермайди.

Мутлоқ ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш шартномаси тарафи сифатида фақат ҳуқуқ эгалари (муаллиф, мутлоқ ҳуқуқ эгалари) бўлиши мумкин (ФК 1035-моддаси). Мутлоқ ҳуқуқни унинг амал қилиш даврида чекланган (муайян) вақтга бошқа шахсга беришни назарда тутувчи шартномага нисбатан лицензия шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Фуқаролик кодексининг IV бўлими нормаларининг (жумладан, ФК 1035, 1036-моддаси) таҳлили шуни кўрсатадики, мутлоқ ҳуқуқлар тегишли бўлган шахслар деганда, ҳуқуқ эгасини назарда тутаяди. ФК 859-моддаси 4-қисмига кўра, мол-мулкни ишончли бошқариш муносабати билан вужудга келган мажбуриятлар бўйича қарзлар ушбу мол-мулк ҳисобидан тўланади. Ушбу мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда ундирив ишончли бошқарувчининг мол-мулкка, унинг мол-мулки ҳам етарли бўлмаганида эса – бошқарув муассисининг ишончли бошқаришга топширилмаган мол-мулкка қаратилиши мумкин. Яъни, бу ўринда ишончли бошқарувга берилган мол-мулк эмас, балки муассиснинг бошқа мол-мулки назарда тутилади. Ишончли бошқарувчи ҳуқуқ эгаси бўлиб ҳисобланмайди. Шу боисдан унга топширилган мутлоқ ҳуқуқлар унга тегишли бўлмайди.

ФКнинг 266-моддасига кўра, қарздорнинг ўзи ҳам, учинчи шахс ҳам гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Гаровга қўйиладиган ҳуқуқнинг эгаси бўлган шахс ҳуқуқни гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Бундан кўринадики, ишончли бошқарувчи ўзига топширилган ҳуқуқ юзасидан гаровга қўювчи бўла олмайди.

Белгиланган қоидага мувофиқ, хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда бўлган мол-мулк ишончли бошқарувга топширилиши мумкин эмас. Хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда бўлган мол-мулк уни хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда сақлаб турган юридик шахс тугатилганидан ёки мол-мулкка хўжалик бошқаруви ёки оператив бошқарув ҳуқуқи бекор қилинганидан ҳамда у қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра мулкдорнинг ихтиёрига ўтганидан кейингина ишончли бошқарувга топширилиши мумкин. Мазкур қоида одатда, муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан мутлоқ ҳуқуқларни ишончли бошқаришга нисбатан қўлланилмайди.

Ҳозирги тараққиёт босқичида янгидан янги интеллектуал мулк объектлари яратилиб, тижорат муомаласига жадал суръатларда кириб келмоқда. Чунки, интеллектуал мулк объектлари инвесторларни ўзига жалб қила олувчи объект ҳисобланади. Бу ҳолатни бевосита юридик шахслар устав фондини шакллантириш жараёнида ҳам кузатиш мумкин. Юридик шахс устав фондига улуш сифатида киритилган мутлоқ ҳуқуқлар албатта ўзининг пул кўринишидаги эквивалентига эга бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда иштирокчилар томонидан қанча қийматда улуш киритилганлиги ёки бўлмаса ягона иштирокчи томонидан киритилган улушнинг қиймати мавжуд бўлмайди. Демак, бу ўринда юридик шахслар устав фондига интеллектуал мулк объектларига нисбатан бўлган ҳуқуқларни киритиш билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар ҳам тадқиқ этилиши лозим.

Юридик шахслар (аксарият ҳолларда тижоратчи юридик шахслар) устав фондига интеллектуал фаолият натижаларини улуш сифатида киритиш ушбу объект ҳуқуқий табиати билан боғлиқ бир қатор ҳолатларни аниқлаштиришни талаб қилади. Жумладан, В.О.Калятининг таъкидлашича, интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан ҳуқуқларнинг ҳуқуқий табиати масаласини ҳал қилиш нафақат назарий масала балки, ушбу ҳуқуқни тасарруф қилиш билан боғлиқ чегарани ва шаклни аниқлашга бевосита таъсир кўрсатади [3, 91-б]. Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибаси интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан ҳуқуқларни устав капиталини киритиш муваффақиятли эканлигини, яъни кичик компаниялар учун бошланғич имкониятларнинг кенгайиши, ўз бизнесини мутлоқ ҳуқуқлар каби номддий активлар билан молиялаштириш афзалликлари намоён бўлади [4, 26-б].

О.Оқюлов ошкор этилмаган ахборотлар ичида ноу-хоуни лицензия асосида ўтказиш кенг тарқалган. Ноу-хоуни ҳиссадорлик (акциядорлик) жамиятлари, маъсулият чекланган жамиятлар, қўшма корхоналар устав жамғармаларига эгаси томонидан улуш, ҳисса, пай сифатида қўшиши ҳоллари ҳам кўп учрайди. Бунда лицензия шартномасининг энг асосий шартларидан бири топшириладиган ахборотнинг махфийлигини, сирлигини сақлашни таъминлаш. Бунда лицензиат зиммасига ахборотларни конфиденциалигини муҳофаза қилиш юзасидан тегишли чоралар кўриш мажбурияти юкланади [5, 210-б], деб кўрсатади.

Бугунги кунда интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ соҳиблари бу объектларни турли хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, тадбиркорлик тузилмалари ташкил этишда устав фондларига улуш сифатида киритишлари борасида турли қарашлар учрайди. Баъзи муаллифлар “Хўжалик жамиятлари ва бирлашмаларининг мол-мулкига қўшиладиган ҳисса сифатида мулк ҳуқуқ ва пул билан баҳоланадиган бошқа ҳуқуқлар ҳам ўтказилиши мумкин. Лекин интеллектуал мулк объектлари (патент, муаллифлик ҳуқуқлари объектлари, ЭҲМ дастурлари ва ҳ.к) бундай ҳисса сифатида ўтказилиши мумкин эмас” [1] деган фикрни илгари суради. О.Оқюлов ушбу нуқтаи назарга қўшилиб, интеллектуал мулк объектларини устав фондига улуш сифатида киритишни амалга ошириш механизми мавжуд эмас ва бунда асосий қийинчилик муайян интеллектуал мулк объектнинг пул қийматини белгилашдаги муаммолар билан боғлиқ, деган фикрни билдириб ўтади [5, 256-б].

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганига 27 йилдан ортиқ вақт ўтди. Ўтган вақт

мобайнида фуқаролик ҳуқуқий қонунчилик шу жумладан, интеллектуал мулк объектларини тартибга солувчи қонунчилик шаклланишга улгурди ва тобора такомиллашиб бормоқда. Ҳақиқатан ҳам илгари бу борадаги қонунчиликда муайян ҳуқуқий “вакуум”лар мавжуд эди. Бугунги кунда эса, интеллектуал мулкни баҳолаш борасида муайян силжишларга эришилди. Чунончи, баҳоловчи ташкилотлар хизмати бозори шаклланди. Баҳолашнинг миллий стандартлари ишлаб чиқилди. Дастлаб баҳолашнинг умумий стандартлари, молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш, қарз, гаров мажбуриятларини баҳолаш учун стандартлар сўнгра хусусийлаштириш мақсадида мол мулкни баҳолаш, бизнесни баҳолаш стандартлари ҳамда интеллектуал мулк объектлари баҳолаш тўғрисидаги Низом жорий қилинди.

Демак, интеллектуал мулк объектларини баҳолаш орқали бозорда сотувчи-мулкдор ҳам, сотиб олувчи харидор ҳам фақат ўзларининг нуқтаи назаридан эмас, балки талаб ва таклиф ҳамда аниқ мезонларга риоя қилиши лозим. Ушбу мезон сифатида интеллектуал мулк объектнинг баҳоланаётган мулк ҳуқуқлари ҳажми; интеллектуал мулк объектига оид битимларни молиялаштириш шартлари (шахсий ва қарзга олинган маблағлар нисбати, қарз маблағларини тақдим этиш шартлари); шунга ўхшаш объект бўйича битим тузиш санасидан бошлаб баҳолашни ўтказиш санасига қадар даврда интеллектуал мулк объектлари нархларининг ўзгариши; интеллектуал мулк объекти ишлатилган ёки ишлатиладиган соҳа; тақдим этиладиган ҳуқуқлар таъсири тарқаладиган ҳудудлар; баҳолаш объектига нисбатан шунга ўхшаш объектларнинг жисмоний, функционал, технологик, иқтисодий тавсифлари; интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулотга бўлган талаб; рақобатли таклифларнинг мавжудлиги; интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотларни (иш, хизмат) сотишнинг нисбий ҳажми; интеллектуал мулк объектини фойдали ишлатиш муддати; интеллектуал мулк объектини ўзлаштиришга қилинган харажатлар даражаси; интеллектуал мулк объектига оид битимларни тузишдаги тўлов шартлари; интеллектуал мулк объектига оид битимларни тузиш ҳолатлари кабиларни кўрсатиш мумкин.

Таъкидлаш керакки, мутлоқ ҳуқуқларга нисбатан аънанавий ашёвий ҳуқуқ конструкциясини қўллаб бўлмайди. Шу боисдан юридик шахс мол мулкни шакллантириш жараёнида мутлоқ ҳуқуқлар ушбу ҳуқуқни тасарруф этиши мумкин бўлган субъект томонидан амалга оширилиши лозим.

Фикримизча, ишончли бошқарувчи томонидан бундай ҳаракатлар шартномада назарда тутилган ҳолларда ҳамда ишончли бошқарувга берувчининг ва фойда олувчининг манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Бундан келиб чиқиб, ишончли бошқарувда бўлган мутлоқ ҳуқуқлар текинга берилиши жумладан, муассислар (иштирокчилар) мулк ҳуқуқига эга бўлмайдиган (жамоат бирлашмаси, жамоат фонди) юридик шахслар мол мулкни шакллантиришда иштирок этиши мумкин бўлмайди.

Ишончли бошқарувчи томонидан мутлоқ ҳуқуқларни улуш сифатида киритиш имконияти мавжуд. Чунончи, ФК 58-моддасига кўра, хўжалик ширкати ёки жамиятининг мол-мулкига пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа буюмлар ёки мулк ҳуқуқлар ёхуд **бошқа шахсга**

**Ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар** ҳисса сифатида қўшилиши мумкин. Демак, бунда мутлоқ ҳуқуқ ва унинг объекти ишончли бошқариш объекти таркибидан чиқади ва ушбу ташкил қилинадиган юридик шахсга нисбатан мажбурият ҳуқуқий талаблар ишончли бошқарув объектига айланади.

Фикримизча, мутлоқ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш ҳамда ишончли бошқарувга доир нормалардаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш лозим. Бунда ишончли бошқарувга берилган объектга нисбатан қонунда бевосита таъқиқланмаган ҳар қандай юридик ҳаракатларни амалга ошириш имконини бериши керак. Шунингдек, ишончли бошқарув ва мутлоқ ҳуқуқларни тасарруф этишга доир нормалар уйғунлигини таъминлашга эришиш мақсадга мувофиқ.

ФКнинг 1035-моддаси 1-қисмига қуйидагича қўшимча киритиш лозим:

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни тасарруф этувчи сифатида агар бу ҳолат мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида белгиланган бўлса ишончли бошқарувчи ҳам иштирок этиши мумкин.

Шунингдек, ФК 266-моддаси 4-қисмига қуйидагича қўшимча киритиш зарур:

Муаллифнинг мутлоқ ҳуқуқларини гаровга қўювчи бўлиб агар ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган бўлса, ишончли бошқарувчи ҳам иштирок этиши мумкин.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг Умумий қисмига тавсиф ва шарҳлар. -Т. //Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1997. 162-б.

2. Ахмаджонов Б.У. Фуқаролик ҳуқуқида мутлақ ҳуқуқлар мазмуни ва уларни амалга ошириш муаммолари. Юрид.фан.номз.дисс... автореф. – Т.: ТДҲОИ. 42 б.

3. Калятин В.О. Сущность права на результаты интеллектуальной деятельности (на примере авторского права) // Журнал российского права, 1999, № 9. С. 91-92.

4. Котиа С. Т. Внесение исключительных прав на результаты интеллектуальной деятельности в качестве вклада в уставный капитал хозяйственного общества. Автореф.дисс. канд.юрид.наук. - М., 2010. – 46 с.

5. Оқюлов О. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми. Юрид.фан.докт.дисс... Т.: ТДҲОИ, 2000. – 292 б.

6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 19-20-сон, 241-модда.

7. Черкашина О.В. Элементы объекта доверительного управления исключительными правами // Пятые всероссийские Державинские чтения. Сборник статей. –М.: РПА Минюста России, 2010. –С.133-136.

**Ф.Фазилов**

самостоятельный соискатель ТГЮУ

#### НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ В СОСТАВЕ ЛЕГАЛИЗАЦИИ ДОХОДОВ, ПОЛУЧЕННЫХ ОТ ПРЕСТУПНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ (НА ПРИМЕРЕ ОБЪЕКТИВНЫХ ПРИЗНАКОВ)

**Аннотация:** в данной статье автором проанализированы объективные признаки легализации доходов, полученных от преступной деятельности, на основе национального и зарубежного законодательства, международных норм и доктрины. Автор обратил внимание на то, что легализация доходов, полученных от преступной деятельности, представляет собой серьезную угрозу национальным интересам, поскольку является необходимым условием порождения и функционирования организованной преступности в различных сферах жизни общества.

**Ключевые слова:** уголовное право, ответственность, легализация доходов, состав преступления, объективные признаки.

**Аннотация:** мақолада муаллиф томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг объектив белгилари миллий ва хорижий қонунчилиги, халқаро нормалар ва доктрина томонидан таҳлил қилинган. Муаллиф эътибори жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жамият ҳаётининг турли соҳаларида уюшган жиноятчилик туғилиши ва фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиши туфайли миллий хавфсизликка жиддий таҳдид солиш мумкинлигига қаратилган.

**Калит сўзлар:** жиноят ҳуқуқи, жавобгарлик, даромадларни легаллаштириш, жиноят таркиби, объектив белгилари.

**Annotation:** in this article the author analyzed the objective elements of legalization of revenue from criminal activities, on the basis of national and foreign legislation, international norms and doctrine. The author drew attention to the fact that the legalization of income derived from criminal activity represents a serious threat to national interests, since it is a necessary condition for the creation and functioning of organized crime in various spheres of social life.

**Keywords:** criminal law, responsibility, legalization of income, offence, objective elements.

Важнейшими признаками состава преступления являются его объект и объективная сторона.

В отечественной науке уголовного права объектом преступления признаются охраняемые уголовным законом наиболее ценные и социально значимые общественные отношения, представленные в обобщенном выражении и являющиеся чисто социальной категорией, которым в результате совершения преступления причиняется или может быть причинен существенный вред [1].

А.В. Наумов под объектом любого преступления понимает охраняемые уголовным законом общественные отношения (интересы, блага), которым преступлением причиняется вред или создается непосредственная угроза причинения вреда [2].

В теории уголовного права объекты преступления традиционно квалифицируются на следующие виды.

Общий объект – это совокупность общественных отношений, охраняемых уголовно-правовым законом от преступно опасных посягательств.

Родовой объект – это группа однородных и взаимосвязанных общественных отношений, охраняемых уголовным законом от преступлений, которые по своей юридической природе также образуют однородную группу.

Видовой объект – это совокупность общественных отношений внутри родового объекта, охраняемых от преступлений определенного вида.

Непосредственный объект – это конкретное общественное отношение, которое охраняется конкретной уголовно-правовой нормой и на причинение вреда которому направлено конкретное деяние. [3].

Анализируя исследуемый состав преступления – легализацию доходов, полученных от преступной деятельности можно квалифицировать его по объектам.

В науке не возникает спорных дискуссий с определением общего и родового объектов состава преступления, предусмотренного ст. 243 Уголовного Кодекса Республики Узбекистан [4].

Так как данное общественно опасное деяние в Уголовном кодексе предусмотрено разделом 6 «Преступления против общественной безопасности и общественной безопасности» и главой XVII «Преступления против общественной безопасности», следовательно, общим и родовым объектами данного преступления являются общественные отношения, охраняемые уголовно-правовым законом, в сфере общественной безопасности.

Непосредственным объектом преступления являются общественные отношения, складывающиеся в сфере экономической деятельности республики, а также общественные отношения, обеспечивающие общественную безопасность [5].

Однако, изучая законодательство зарубежных стран можно заметить, что данное преступление имеет различные подходы к объекту.

Так, в Уголовном кодексе Швейцарии [6] уголовная ответственность за отмывание денег закреплена в статье 305.2, расположенной в разделе 17 «Преступления и проступки против правосудия».

В Уголовном кодексе Болгарии [7] за легализацию (отмывание) доходов, приобретенных преступным путем, ответственность предусмотрена ст. 253, расположенной в главе 7 «Преступления против финансовой системы».

Уголовный кодекс Чехии [8] содержит ст. 216 «Отмывание денег» в главе V «Преступления против собственности».

А.В. Наумов, А.В. Бриллиантов считают, что под непосредственным объектом легализации являются общественные отношения, регулирующие установленный порядок осуществления предпринимательской деятельности или иной экономической деятельности [9].

По мнению Л.В. Иногамовой-Хегай и А.И. Рарога непосредственным объектом легализации (отмывания) являются общественные отношения в сфере законной предпринимательской и иной экономической деятельности [10].

Проанализируем объективную сторону преступления.

М.Х. Рустамбаев указывает, что объективная сторона состава преступления – это совокупность объективных, социально и юридически значимых признаков,

характеризующих внешний акт общественно опасного посягательства на охраняемый уголовным законом объект, выражающих степень общественной опасности этого посягательства. Такого же мнения придерживаются М.Усмоналиев [11], Р. Кабулов, А.А. Отажонов [12].

В 2004 году был принят Закон Республики Узбекистан «О противодействии легализации доходов полученных от преступной деятельности, и финансированию терроризма» [13].

В стране планомерно начала создаваться государственная система противодействия легализации преступных доходов, которая должна была соответствовать современным международным стандартам.

В Законе было дано такое определение данному преступлению: «легализация доходов, полученных от преступной деятельности, — уголовно наказуемое общественно опасное деяние, представляющее собой придание правомерного вида происхождению собственности (денежных средств или иного имущества) путем ее перевода, превращения или обмена, а равно сокрытие либо утаивание подлинного характера, источника, местонахождения, способа распоряжения, перемещения, подлинных прав в отношении денежных средств или иного имущества либо его принадлежности, если денежные средства или иное имущество получено в результате преступной деятельности».

Статья 243 Уголовного кодекса Республики Узбекистан установила, что [14] легализацией доходов является придание правомерного вида происхождению собственности, полученной в результате преступной деятельности, путем придания правомерного вида происхождению собственности (денежных средств или иного имущества), сокрытия либо утаивания подлинного характера, источника, местонахождения, способа распоряжения, перемещения, подлинных прав в отношении денежных средств или иного имущества либо его принадлежности.

Постановление Пленума Верховного суда «О некоторых вопросах судебной практики по делам о легализации доходов, полученных от преступной деятельности» от 11 февраля 2011 г. [15] указало, что в качестве объекта собственности в данном случае может быть любое имущество, предусмотренное статьей 169 Гражданского кодекса [16].

Таким образом, объективная сторона легализации доходов, полученных от преступной деятельности, состоит в переводе, превращении или обмене собственности, полученной в результате преступной деятельности, а равно в сокрытии или утаивании подлинного характера, источника, местонахождения, способа распоряжения, перемещения подлинных прав в отношении собственности или ее принадлежности, если такая собственность получена в результате преступной деятельности.

В теории уголовного права фактически выделены существенные признаки легализации (отмывания) преступных доходов:

1) легализация преступных доходов — это термин, характеризующий целенаправленный процесс, но никак не результат достижения этой цели;

2) легализация как преступление означает как ввод «грязных» денег или имущества в экономический оборот, так и последующее сопровождение этого предмета, совершение сделок с ним и его конверсионным состоянием уже в рамках легальной системы;

3) легализация, поскольку это есть процесс, но не результат достижения цели, имеет особый момент окончания преступления;

4) легализация предполагает «разбавление» предмета, полученного в результате совершения преступления, иным, легальным имуществом или денежными средствами [17].

Если провести анализ норм, то можно предположить что есть необходимость исключить из диспозиции рассматриваемого нами состава преступления терминов «денежные средства» и «иное имущество» и объединении их термином «имущество», который, согласно международно-правовым документам, а также Гражданского Кодекса Республики Узбекистан, охватывает собой движимое и недвижимое имущество, имущественные, авторские и другие права [18].

Резюмируя вышеизложенное, считаем возможным предложить следующие новеллы в уголовно-правовой сфере по данному вопросу:

1. Пересмотреть расположение статьи 243 Уголовного кодекса «Легализация доходов, полученных от преступной деятельности», и отнести данное преступление к разделу 3 Уголовного кодекса, то есть к сфере преступлений против экономики. Актуальность данного предложения подтверждается уголовно-правовым опытом таких стран как РФ, Швейцарии, Чехии, рядом доктрин.

2. Заменить дефиниции «денежные средства или иное имущество» в диспозиции статьи на слово «имущество».

Венская Конвенция Организации Объединенных Наций о борьбе против незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ, заключенная 20 декабря 1988 г., определяет собственность как «активы любого рода, материальные или нематериальные, движимые или недвижимые, осязаемые или неосязаемые, а также юридические документы или акты, удостоверяющие право на такие активы или участие в них». [19].

Доходы понимаются как любая собственность, полученная или приобретенная прямо или косвенно в результате совершения правонарушения, связанного с наркотиками.

При этом дефиницию имущества действующее законодательство не содержит, ст. 169 Гражданского кодекса лишь перечисляет объекты гражданских прав, хотя в данном смысле кодекс под имуществом подразумевает как движимое, так и недвижимое имущество, денежные средства и интеллектуальную собственность.

Таким образом, целесообразным считается в редакции статьи Уголовного кодекса дать понятие дохода, исходя из положений Венской Конвенции 1988 г.

3. Дополнить статью 243 Уголовного кодекса термином «финансирование терроризма».

Изменение названия и диспозиции статьи позволит унифицировать положения Уголовного кодекса и Закона Республики Узбекистан «О противодействии легализации доходов полученных от преступной деятельности, и финансированию терроризма».

Кроме того, предлагаемое дополнение будет способствовать дальнейшей имплементации Международной конвенции о борьбе с финансированием терроризма (Нью-Йорк, 9 декабря 1999 года), которую Узбекистан ратифицировал Постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан 12 мая 2001 года [20].

4. В диспозицию к статье по легализации доходов, полученных от преступной деятельности включить также такое деяние как «конверсия или передача имущества, если известно, что такое имущество получено в результате правонарушения или правонарушения».

5. Рассмотреть возможность включения квалифицирующих признаков в статью 243 Уголовного кодекса.

В Типовом законодательстве об отмытии денег и финансировании терроризма, подготовленном Управлением Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности совместно с Международным валютным фондом (2003 г.) [21], отмытие денег является одним из основных аспектов любой преступной деятельности, приносящей доход, и неизбежным следствием организованной преступности. Деятельность преступных организаций, направленная, в силу их характера, на накопление незаконных доходов, вызывает необходимость отмытия этих доходов в соответствующем объеме.

Поэтому в п. в ст. 5.2.6 (отягчающие обстоятельства при отмытии денег) данный документ рекомендует государствам в национальных законодательствах увеличить меры наказания за отмытие преступных доходов.

#### Список литературы:

1. Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Особенная часть. Т. 1: Учебник для вузов. Т.: Издательство Академии МВД Республики Узбекистан, 2016.
2. Наумов, А.В. Российское уголовное право: Общая часть. Курс лекций: В 2-х томах. Т.1 // А.В. Наумов // М.: Юрид. лит., 6-е издание, переработанное и дополненное. - 2018. - С. 98
3. Сверчков, В.В. Уголовное право. Общая часть: краткий курс / В.В. Сверчков/ – 7-е изд., перераб. и доп. – М.: Изд. Юрайт, 2017. – С. 76-79;
4. Уголовный Кодекс Республики Узбекистан. Национальная база данных законодательства, 10.01.2018 года, № 03/18/459/0536, 05.04.2018 года, № 03/18/470/1005, 19.04.2018 года, № 03/18/476/1087, 21.07.2018 года, № 03/18/485/1552
5. Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Особенная часть. Т. 1: Учебник для вузов. – Т.: Издательство Академии МВД Республики Узбекистан, 2016.
6. Legislationline.org – портал законодательства региона ОБСЕ / Уголовное законодательство / Уголовный кодекс Швейцарской Конфедерации. <http://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes>
7. Legislationline.org – портал законодательства региона ОБСЕ / Уголовное законодательство / Уголовный кодекс Республики Болгария. <http://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes>
8. Legislationline.org – портал законодательства региона ОБСЕ / Уголовное законодательство // Уголовный кодекс Чешской Республики. <http://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes>
9. Наумов, А.В. Российское уголовное право: Общая часть. Курс лекций: В 2-х томах. Т.1 // А.В. Наумов// М.: Юрид. лит., 2007. – С. 98.; Бриллиантов, А.В. Комментарий к Уголовному кодексу РФ: в 2 т. Т.1

// А.В. Бриллиантов// Проспект, - 2015. [электронный источник] // СПС Консультант Плюс.

10. Иногамова-Хегай, Л.В., Парог А.И. Уголовное право. Общая и особенная части: учебник / Л.В. Иногамова-Хегай, А.И. Парог // — М.: Юридическая фирма «КОНТРАКТ»: ИНФРА- М, 2008. — С. 112-120.

11. Усмоналиев М. Уголовное право. Общая часть: Учебник для вузов. — Т.: Янги аср авлоди, 2005.

12. Кабулов Р., Отажонов А.А. и др. Уголовное право. Общая часть: Учебник. 2-е изд., доп. и перераб. — Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2012.

13. Закон Республики Узбекистан «О противодействии легализации доходов, полученных от преступной деятельности, и финансированию терроризма» 26 августа 2004 г., № 660-II. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2004 г., № 43, ст. 451; 2007 г., № 17-18, ст. 172; 2009 г., № 17, ст. 210; 2013 г., № 1, ст. 1; 2016 г., № 17, ст. 173

14. Уголовный кодекс Республики Узбекистан. Национальная база данных законодательства, 10.01.2018 года, № 03/18/459/0536, 05.04.2018 года, № 03/18/470/1005, 19.04.2018 года, № 03/18/476/1087, 21.07.2018 года, № 03/18/485/1552

15. Постановление Пленума Верховного суда «О некоторых вопросах судебной практики по делам о легализации доходов, полученных от преступной деятельности» от 11 февраля 2011 №1 Режим доступа: <http://lex.uz/docs/1766551>

16. Гражданский кодекс Республики Узбекистан. Национальная база данных законодательства, 30.12.2017 г., № 03/18/455/0492, 10.01.2018 г., № 03/18/459/0536, 19.04.2018 г., № 03/18/476/1087

17. Пикуров Н.И., Пудовочкин Ю.Е Проблемы квалификации и привлечения к уголовной ответственности за легализацию (отмывание) денежных средств или иного имущества, приобретенных преступным путем. — Н.Новгород, 2015. — С.93-94.

18. Юсупов Н.В. Уголовная ответственность за легализацию (отмывание) имущества, полученного от преступлений в сфере незаконного оборота наркотических средств, психотропных веществ или их аналогов: автореф. дис. канд. юрид. наук. — М., 2011.

19. Венская конвенция ООН о борьбе против незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ от 19 декабря 1988 года. Режим доступа: [https://www.unodc.org/pdf/convention\\_1988\\_ru.pdf](https://www.unodc.org/pdf/convention_1988_ru.pdf)

20. Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2001 г., № 5, ст. 93

21. [https://www.imolin.org/pdf/imolin/MLawRussian\\_I\\_MoLIN.pdf](https://www.imolin.org/pdf/imolin/MLawRussian_I_MoLIN.pdf)

**Б.А.Умирзаков,**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Академиясининг “Криминология” кафедраси катта  
ўқитувчиси

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ТУШУНЧАСИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ

**Аннотация:** мақолада вояга етмаганлар жиноятчилигининг динамикаси, вояга етмаганларнинг ёш бўйича таҳлили, вояга етмаганлар жиноятчилигининг ўзига хослиги, вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** вояга етмаган, вояга етмаганлар жиноятчилиги, девиант хулқли ўсмир, вояга етмаганлар жиноятчилигининг профилактикаси.

**Annotation:** in the article, the author expressed his own views and proposals about dynamics criminality of juveniles, analyses of juveniles by youth census, special characteristics of criminality of juveniles and prevention of criminality of juveniles.

**Key words:** juvenile, criminality of juveniles, deviant behaved teenager, prevention of criminality of juveniles.

**Аннотация:** в данной статье автором высказаны предложения и мнения, отражающие динамику преступности несовершеннолетних, анализа несовершеннолетних преступников по возрастному цензу, особенности преступлений, совершаемых несовершеннолетними либо с при их соучастии, а также, предложения, направленные на предупреждению преступности, совершаемых данной категорией лиц.

**Ключевые слова:** несовершеннолетний, преступность несовершеннолетних, подростки с девиантным поведением, профилактика преступности несовершеннолетних.

Ҳар қандай давлатнинг тараққиёти ўсиб келаётган авлоднинг таълим ва тарбия даржасига боғлиқдир. Бунга эришиш учун, аввало, жамият аъзолари, хусусан, вояга етмаган ва ёшларнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий онги ва маданияти юқори бўлиши талаб этилади. Бу борада эртанги кун эгалари бўлган вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олишининг ўзига хос ҳусусиятларини аниқлаш, жумладан, ҳуқуқбузарликнинг бир кўриниши бўлмиш вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб келган ва бўлиб қолади. Бинобарин, вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганиш орқали вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш ва уни барвақт профилактикасини ташкил этишга эришилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида «...Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард

кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз” деган сўзлари ҳам вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганиш, уни таҳлил этиш ва барвақт профилактикасини амалга ошириш зарурати мавжудлигидан далолат беради[1].

Вояга етмаганларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни терроризм, диний экстремизм, “оммавий маданият”, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялаш вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга хизмат қилади. Афсуски, ҳозирда вояга етмаганлар томонидан жиноятларнинг барча турлари содир этилмоқда:

Статистик маълумотлардан маълумки, 2013 йилга нисбатан 2017 йилда содир этилган жами жиноятлар 18,3 %га камайган, шундан: вояга етмаганларнинг ҳиссаси 30,2 %га камайган. Жиноятларни содир этган шахслар 17,0 %га, вояга етмаганлар 35 %га камайган. Мактаб ўқувчилари 10 %га, коллеж ва лицей ўқувчилари 24,5 %га камайган. Бироқ мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 4,0 %га ошган. Шунингдек, вояга етмаганларнинг умумий жиноят содир этган шахслардаги улуши деярли камаймаган, бу курсаткич 2016 йилда 2,2%, 2017 йилда ҳам 2,2 % ни ташкил этган. Бундан ташқари мактаб ўқувчилари томонидан содир этилаётган жиноятлар 2013 йилдан 2017 йилга қадар атига 10 % камайганлигини кўришимиз мумкин.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикасининг долзарблиги, аввало, бу йўналишдаги жиноятларнинг динамикаси билан эмас, балки унинг жамиятга ижтимоий салбий таъсири билан боғлиқдир, чунки вояга етмаганлар жиноятчилигининг миқдор кўрсаткичи жуда кам бўлсада, бироқ ижтимоий нуқтаи назардан катта йўқотишлар рўй беради. Масалан, бутун бир мактаб ёки маҳаллада атига бир нафар вояга етмаган шахс жиноят содир қилган бўлса ҳам, бу ҳол мактаб ёки маҳаллада ёшлар таълими ва тарбияси борасида жиддий нуқсонлар борлигини кўрсатади [7].

Криминологик тадқиқотларда шахс жиноий фаолият йўлига қанча эрта кирса, бу фаолият шунча узоқ давом этиши ва хавфлироқ тус олиши кўрсатилади. Бир неча марта рецидив жиноят содир этган шахсларнинг аксарияти биринчи жиноятини вояга етмасидан содир этган.

Шу боисдан вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик жиҳатлари ва олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Криминология фанининг ҳозирги кундаги ривожланиш даражаси ва жиноятчиликка қарши кураш амалиёти эҳтиёжидан келиб чиқиб, бу мураккаб ҳодисани тадқиқ этиш ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг алоҳида турларини, жиноятчиларнинг ёш хусусиятларини, уларнинг психологик белгиларини ва турли ҳудудлардаги криминоген вазиятни ҳисобга олган ҳолда дифференциация қилиш зарурлигини кўрсатади. Шулардан келиб чиқиб, вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганишга уларнинг ёш гуруҳлари, ижтимоий-демографик

ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш лозим [6].

А. Кетле жиноятчиликнинг ривожланиш қонуниятларини тушунтиришга ҳаракат қилиб, “жिनоят содир этишга мойиллик одамнинг ёши, жинси, касби, маълумоти даражаси, йилнинг мавсуми ва бошқаларга боғлиқ бўлади”, деб ўз фикрини билдирган [10]. Унинг жиноий хулқ-атворнинг вужудга келишига ижтимоий муҳит сабабчи дейиши асослидир, албатта.

Ёшларни ривожланишининг руҳий-физиологик кўрсаткичларига асосан таснифлаш одам ҳаёт цикли ўзгариш босқичларининг қуйидаги занжирини ўз ичига олади: гўдаклик (туғилгандан 18 ойга тўлгунга қадар); илк болалик (19 ойдан 5 ёшга тўлгунга қадар); болалик (5–12 ёш); ўспиринлик (12–15 ёш); ўсмирлик (16–19 ёш); ёшлик (20–30 ёш); ўрта ёш (30–40 ёш); қариллик; мўйсафидлик [5].

Ҳар бир ёш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, табиийки, бу ҳол хулқ-атворида ҳам намоён бўлади.

Шахс нимани ва қандай билиши (гносеологик салоҳият), нимани ва қандай баҳолаши (аксиологик салоҳият), нимани ва қандай яратиши (ижодий салоҳият), ким билан ва қандай муомала қилиши (коммуникатив салоҳият), бадий эҳтиёжлари қандайлиги ва уларни қандай қондириши (бадий салоҳият) билан белгиланади [8].

Шундай қилиб, инсон фаолиятининг қуйидаги беш асосий тури фарқланади: 1) ўзгартирувчи фаолият; 2) билиш фаолияти; 3) қадриятларни белгилаш ва мўлжал олиш фаолияти; 4) коммуникатив фаолият; 5) бадий фаолият [5].

Шахснинг ташқи муҳит билан ўзаро таъсирга киришиши жуда мураккаб ва қизғин жараёндр. Шу сабабли ҳар қандай одамнинг шаклланиш шарт-шароити ранг-барангдир. Ўз-ўзидан равшанки, ушбу шарт-шароит, энг аввало, вақт мезони – шахснинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ бўлганлиги боис мазкур жараёни вояга етмаганлар мисолида кузатиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Шу жумладан, девиант хулқли ўсмирлар билан тарбиявий-профилактик тадбирлар олиб бориш, ёшлар орасида бундай хулқ-атворнинг келиб чиқиши, унинг сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур ўрганиш бизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди. Вояга етмаган (ўсмир)лар иродасининг кучсизлиги ахлоқий нормаларга зид ҳатти-ҳаракатлар, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келиши мумкин. Ўсмирларда девиант хулқнинг шаклланиши, бу ҳодисанинг объектив сабабларини ўрганиш жамият, ижтимоий ҳаракатлар ва таълим-тарбия муассасалари олдида улкан вазифа, яъни дезадаптациялашган (хулқ-атвор нормаларидан чекинган) ёшлар билан ишлашда тарбиявий шакл, метод, технологияларни тўғри танлаш, тарбиявий таъсир кучини жамлашни тақозо этади.

Чунки бу давр инсоннинг ривожланишида энг қийин ва мураккаб давр бўлиб, бу ёшдагиларнинг анатомияси ва физиологиясида, интеллектуал, ахлоқий оламида ўзгаришлар рўй беради. Бу ўзгаришлар, ўз навбатида, уларнинг руҳиятида ҳам акс этиши мумкин. Ўсмирлар тенгдошлари орасида, жамоада ўз ўринларига эга бўлишлари учун “Мен кимман?”, “Мен ўзгалар нигоҳида қандайман?” каби саволларга жавоб излашга ҳаракат қиладилар [3].

Шахс ривожланишининг ҳар бир босқичига фаолият турларининг муайян ўзаро нисбати ва уларнинг алоҳида мазмуни хосдир.

Психологларнинг таъкидлашича, инсон ҳаёти коммуникатив фаолиятнинг шаклланиши ва унинг механизмларини ўзлаштиришдан бошланади.

Боланинг ривожланишида янги босқич 3 ёшдан бошланади. Мазкур босқич ижодий фаолиятга ўтиш билан тавсифланади (деворга, мебелга расм чизиш ва ҳ.к.). Бу, айниқса, болаларнинг ўйинларида ёрқин намоён бўлади. Шу даврда боланинг катталарга нисбатан эмансипацияси бошланади. Бу боланинг муайян даражада эркинлашуви ва унда нафақат ўз тенгдошлари, балки катталар билан ҳам мулоқот қилиш эҳтиёжи туғилишига олиб келади.

Инсон ривожланишининг яна бир босқичи унинг мактабда ўқиши билан боғлиқ. Бу ерда билиш бола фаолиятининг етакчи турига айланади.

Инсон ривожланишининг кейинги босқичи (ўсмирлик)да қадриятларни белгилаш ва мўлжал олиш фаолияти биринчи ўринга чиқади.

Бешинчи босқич ўзгартириш фаолияти инсон фаолиятининг асосий турига айланиши билан боғлиқ.

Инсон ҳаётидаги *охирги босқич* бошқалар билан мулоқот яна етакчи фаолият турига айланиши билан тавсифланади [5].

Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар шахсининг ривожланиш босқичларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу соҳада тўпланган тажриба вояга етмаганлар муҳитида ҳуқуқбузарликларга имконият яратувчи ҳолатлар шахс жинойи жавобгарликка тўлмасдан турибоқ таъсир эта бошлашини кўрсатади.

11–13 ёшлиларда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланиш механизми куйидагича тавсифлаш мумкин. Педагогикада “бешинчи синфлар муаммоси” мавжуд. Бошқа ўзига хос хусусиятларидан ташқари ушбу ҳодиса бешинчи синфда ўсмирлар давомати пасайиб кетиши билан тавсифланади. Давоматнинг пасайиши:

– ўсмир ва ўқитувчи;

– ўсмир ва синфдошлар;

– ўсмир билан ота-она ўртасидаги конфликтга сабаб бўлади.

Конфликтлар ўз вақтида ҳал қилинмаса, ўсмир асосий ижтимоий жамоадан “сиқиб чиқарилади”. Аммо бу ёшдаги ўсмирнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у яқка ўзи яшай олмайди. У ўзига тенгдек қарайдиган тенгдошлари гуруҳини қидиради. Шу тариқа ўсмирларнинг салбий гуруҳлари шаклланади. Бу ерда ўзини намоён қилишнинг мактаб ёки оиладагидан анча фарқ қиладиган усуллари амал қиладди. Чекиш, киссавурлик, майда ўғирликлар, психотроп моддалар ёки спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, мактабда “аълочилар”ни дўппослаш шулар жумласидандир.

Шахс шаклланишининг мазкур босқичидаги ижтимоий профилактика чоралари юқоридагига ўхшаш конфликтларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар комплексига қаратилиши лозим. Энг самарали йўл барча ижтимоий жамоаларда ўсмирлар ўзини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратиб бериш ҳисобланади. Ҳар бир ўсмир нафақат ўқишда, балки спортда, техник ижодда, бадиий ҳаваскорликда ва ҳ.к.да ўзини намоён этиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Ўсмирнинг навбатдаги босқичга (14–15 ёш) ўтиши жараёнида бир қанча ўзгаришлар рўй беради. Ушбу босқичда ўзига нисбатан ҳурматга эҳтиёж ўсмирга хос бўлган асосий хусусиятдир. Бунга эришиш учун у эркинликка, мустақилликка, ўз тенгдошларига орасида

довруқ таратишга ҳаракат қиладди. Натижада у конфликтли ҳолатларга жуда кўп тўқнаш келади. Шу ёшда ўсмирнинг хулқ-атворида жиддий ўзгаришлар рўй беради. Гарчи мазкур ёш гуруҳининг жинойи фаоллиги 16-17 ёшлиларга қараганда камроқ (15–20 %) бўлсада, ушбу ёшда жиноят содир этиш жуда хавфлидир [5].

Ўсмир шаклланишининг ушбу босқичида умумижтимоий профилактика чора-тадбирлари замирида, энг аввало, ахлоқий, маънавий ва меҳнат билан боғлиқ тарбияни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими ётади.

Маълумки, 16-17 ёшда ўсмирда фаол физиологик ўзгаришлар рўй беради. Шахс ривожланишининг мазкур босқичидаги ўзига хос хусусиятларни тушуниш учун ундаги жинсий, психологик ва социологик ўзгаришларни ўрганиш жуда муҳимдир. Эркинлик ва ижозат чегаралари кенгайган, ижтимоий ва жинсий ривожланиш ўртасидаги тафовут эса тобора катталашиб бораётган ҳозирги даврда бу ҳолат, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу контингентга (у вояга етмаганлар жиноятларининг 80-85 % ни содир этади) деформациялашган хулқ-атворнинг мураккаб шакллари хосдир. Шахснинг шаклланиш шарт-шароити унинг ижтимоийлашуви даражаси, яъни одамнинг ижтимоий зарур фазилатларни ўзлаштириш жараёни билан ҳам боғлиқдир. Бу жараён ҳам жуда мураккаб бўлиб, бир қанча босқичлардан иборат:

1) муҳитга қўшилиш;

2) муайян ижтимоий роллар, функциялар, нормалар, ҳуқуқлар ва бурчларни ўзлаштириш;

3) муҳитга мослашиш ва унга фаол таъсир кўрсатиш;

4) ижтимоий мўлжаллар барқарор тизимининг шаклланиши.

Социология фанида шахснинг ижтимоийлашуви механизми ва соҳалари фарқланади.

Ижтимоийлашуви механизми – инсон ижтимоий ахборотни идрок этиши ва ўзлаштиришига ёрдам берувчи воситалардир. Психологлар фикрига кўра бундай воситалар қаторига таъсир кўрсатиш, мослаштириш, ишонтириш, тақлид қилиш, бошқариш, йўл-йўриқ кўрсатиш ва ҳ.к.лар киради [9].

Ижтимоийлашуви соҳалари ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга таъсир кўрсатувчи ижтимоий институтлардир. Бунда макромуҳит (ижтимоий муносабатлар тизими) ва микромуҳит (оила, мактаб, яқин маиший, ошна-оғайнилар муҳити ва бошқа муҳитдаги муносабатлар) фарқланади [5].

Тадиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда вояга етмаганларнинг жинойи йўлни танлашларига асосий криминоген омиллар – уларнинг бўш вақтларида назоратсиз қолаётганликлари, улардан маълум бир қисмининг ҳеч жойда ишламасдан ва ўқимасдан юришлари, зўравонликни, жинойи йўл билан бойлик ортиришни, маънавий бузуқликни тарғиб қилувчи фильмларни томоша қилишлари ҳамда жиноят олами вакилларининг ҳаёт тарзига тақлид қилишлари таъсир қилмоқда [11].

Шу ўринда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги



Қонуннида қуйидаги бешта асосий вазифалар белгилаб берилганлигини кўришимиз мумкин. Булар:

*биринчидан*, вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

*иккинчидан*, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

*учунчидан*, вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини шакллантириш;

*тўртинчидан*, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш;

*бешинчидан*, вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш [12].

Ушбу қонунда белгилаб берилган асосий вазифаларни бажарилиши амалиётда вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишга муайян даражада хизмат қилмоқда. Бироқ юқоридаги статистик таҳлиллардан кўриниб турибдики, ушбу қонунда белгиланган асосий вазифаларнинг амалиётга татбиқи етарли даражада эмас.

Бу борада, профилактик чораларнинг самарадорлиги уларнинг кўп қиррали эканлиги билан белгиланади. Бу чоралар ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини қамраб олиши, фуқароларга ижтимоий-салбий таъсир қиладиган омилларни, жиноятнинг барча сабаблари ва унга имкон берган шароитларни бартараф этишга қаратилиши лозим. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш учун ишлаб чиқилган тадбирлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа давлат органлари билан бирга ҳамкорликда олиб борилиши керак [4]. Шунингдек, вояга етмаганларнинг шахсий хислатларини билиш профилактик чора-тадбирларни тўғри танлаш ва қўллашда катта аҳамият касб этади. Зеро, шахснинг ўзига хос бўлган маънафатлари, эҳтиёжлари, асосий фаолият йўналишидаги ўзаро алоқаларида мавжуд салбий ҳолатлар унинг жамиятда ўз ўрнини топмаслигига ҳамда ўқиш ва меҳнат фаолиятида жамоа аъзолари билан ўзаро муносабатларининг ёмонлашувига олиб келади [2].

Албатта, вояга етмаганлар жиноятчилигида вояга етмаганнинг ўзига хос салбий ёки ижобий хислатлари алоҳида ўрин тутаети. Вояга етмаганнинг ўзига хос ижобий хислатларини янада ривожлантирилиши ва бу борадаги ишларни вояга етмаганнинг оила аъзолари, яъни ота-онаси, буви-буваси, ака ва опаси, шунингдек айрим ҳолатларда бошқа қариндош-уруғлари билан келишиб, тизимли равишда амалга оширилиши орқали вояга етмаганлар жиноятчилигининг камайишига эришиш мумкин бўлади.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // [http:// uza/uz](http://uz/uz).

2. I.Ismoilov, Q.R.Abdurasulova va boshqalar. Kriminologiya. Maxsus qism / Darslik. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. – 340 b.

3. Абдуллаева Ш.А., Рўзиева Г.А. Девиант ҳулқли ёшлар билан профилактик тадбирлар олиб

бориш йўллари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2011. – №3. – Б.71–74.

4. Абдурасулова Қ.Р. Вояга етмаганлар жиноятчилиги ва унинг олдини олиш муаммолари // Қонун ҳимоясида. – 2001. – №1. – Б. 23–27.

5. Абдурасулова Қ.Р. Криминология / Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – 305 б.

6. Ачилов Б.А. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишнинг айрим жиҳатлари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2010. – №3. – Б.83–88.

7. Ғофуров Ш.Р. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – №3. – Б.64–67.

8. И.Исмоилов, М.Зиёдуллаев, Н.Исроилова, Ф.Азимова. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш.–Т., 2011. – 156 б.

9. Квашис Е.И. Крминальная психология. – Москва: Бек. 1999.– 280 с.

10. Кетле А. Человек и развитие его способностей. – СПб., 1865. – 80 с.

11. Мухторов Ж.С., Қурбонов Х.Ў. Профилактика инспекторларининг вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш бўйича вазифалар // “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунини ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2011. – Б. 89–92.

12. Ўзбекистон республикаси “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги 2010 йил 29 сентябрь қонуни // Халқ сўзи. – 2010. – 30 сентябрь.

**А.Матмуротов,**

Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

### ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲУКМ, АЖРИМ, ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ НОРМАЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация:** мақолада жиноят процессида чиқариладиган ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этиш билан боғлиқ айрим нормалар таҳлил қилинган. Олиб борилган тадқиқот натижасида қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифлар бериб ўтилган.

**Калит сўзлар:** жиноят процесси, жиноят иши, ҳукм, айблов ҳукми, ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этиш.

**Аннотация:** в статье были проанализированы некоторые нормы, связанные с исполнением судебных приговоров, определений и решений, принятых в рамках уголовного судопроизводства. На результате проведенного исследования были выдвинуты предложения по совершенствованию нормативных актов.

**Ключевые слова:** уголовный процесс, уголовное дело, приговор, обвинительный приговор, исполнение приговоров, определений, постановлений.

**Annotation:** annotation: Some legal norms related to the execution of sentences, rulings and resolutions rendered within criminal proceedings are analyzed in the article. On the result of the research have been put forward proposals to improve the legislation.

**Keywords:** criminal procedure, criminal case, sentence of conviction, ruling, execution of court decisions.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармони қабул қилинган бўлиб, унга кўра 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Ҳар қайси суд қарорининг якуний натижаси унинг ижроси орқали таъминланади. Шу сабабли судга муурожаатларнинг самарали ва сифатли якуни ҳам ижро орқали ниҳоясига етказилади. Фуқароларнинг суд ва бошқа ваколатли органларга ишончи, уларнинг фаолиятига баҳоси ҳам айнан ижро ишини юритиш самарадорлиги ва натижадорлиги орқали вужудга келади. Чунки Муҳтарам Президентимиз ҳақли таъкидлаганидек, “Ҳар бир фуқаро қабул қилаётган қарорларимиз реал фойда бераётганини сезиши керак” [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3016-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Бош

прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ижро иши юритуви билан шуғулланувчи асосий давлат органи сифатида ташкил этилди [2].

Ҳозирги кунда мажбурий ижро бюроси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижросини таъминлаш устуворлигига эришмоқда. Жиноят иши бўйича чиқарилаётган ҳукм, ажрим, қарорлар ижросига алоҳида эътибор берилмоқда. Маълумотларга қараганда [3], **2017–2018 йиллар давомида** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятида **жиноят ишлари мисолида** 422.716 та ижро ҳужжатлари мавжуд бўлиб (шундан 233.432 тасининг ижроси таъминланган); 12.2 триллион сўмлик маблағ (шундан 6.1 триллионлигининг ижроси таъминланган); **Фуқаролик ишлари мисолида** 2.413 221 та ижро ҳужжатлари мавжуд (шундан 1.403. 61 та ижроси таъминланган), 3.1 триллион сўмлик маблағ (шундан 1.7 триллион ижроси таъминланган); **Иқтисодий ишлар мисолида** 988 489 та ижро ҳужжатлари мавжуд бўлиб (шундан 618 951 та ижроси таъминланган), 23.7 триллион сўмлик маблағ (шундан 17.7 триллион ижроси таъминланган) – **жами** 5 018 518 та ижро ҳужжатлари мавжуд бўлиб (шундан 3 065 328 та ижроси таъминланган), 39.2 триллион сўмлик маблағ (шундан 25.6 триллион ижроси таъминланган) ундирилиши белгиланган сўмлик маблағ.

Ижро иш юритуви мантиқан олганда суд иш юритувининг сўнги босқичи бўлиб, суд қарор қонуний кучга кириши билан шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланиши лозим. Агар мавжуд қонунчилик тизими такомиллаштирилмаганлиги сабабли юридик ёки жисмоний шахслар ўзига қонун билан тегишли ҳуқуқларини тиклай олмаса, бу фуқароларнинг суд тизими ва умуман олганда давлатга бўлган ишончининг пасайишига олиб келади. Шундай экан, суд тизими ва давлат органлари фаолияти самарасига бўлган ишонч, суд ва бошқа органлар қарорлари ижросига бевосита боғлиқ [4].

Жиноят процессининг муҳим босқичларидан бири ҳукм, ажрим, қарорларни ижро эттириш босқичи ҳисобланади. Барчамизга маълумки, суд ҳужжатларини ижросини таъминламай туриб, суд тергови ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва жиноят ишини мазмунан тўлиқ кўриб чиқиб ҳал қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасида суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ–3723-сон қарорида ҳам ижро босқичига тааллуқли бўлган нормаларни такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Суд ҳукмини ижро этиш жиноят процессининг бошқа босқичлари сингари ушбу босқични бошқа босқичлардан фарқловчи ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан:

– кўриб чиқилаётган босқичда муайян доирадаги жиноят-процессуал фаолият иштирокчилари ҳаракат қиладилар ва улар ўртасида ўзига хос жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар шаклланади.

Бундай иштирокчилар сифатида судья, маҳкум, прокурор, жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Ҳукми ижро этиш босқичида суд фаолияти жиноят процессининг ягона принципларига асосланган бўлиб, жиноят процессининг умумий вазифаларини ҳал қилишга қаратилган;

– ушбу босқич процессуал ҳаракатлар мажмуи ҳамда жиноят-процессуал муносабатларни тугалловчи ва ишни кейинги босқичга ўтишига сабаб бўлувчи якуний процессуал ҳужжат қабул қилиниши билан бошланади. Қонуний кучга кирган суд ҳужжати барча давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий бўлиб, бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий ижро этилиши шарт ҳисобланади. Ҳукми ижро этмаслик, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 232-моддаси – суд ҳужжатини ижро этмасликда ифодаланган жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин;

– ҳукми ижро этиш босқичи ўзига хос процессуал тартибга эга. Ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этиш жиноят-процессуал қонунчилик билан тартибга солинади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳукми ижро этишга қуйидагича таъриф бериш мумкин: ҳукми ижро этиш – жиноят процессининг якунловчи (охирги) босқичи бўлиб, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларга тайинланган жазонинг ижро этилишини, маҳкумларнинг ахлоқини тузатиш, уларнинг конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, шунингдек рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш жараёнларини процессуал ва жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳолда таъминлашдан иборат.

Жиноят процессида ҳукм, ажрим, қарорларнинг қонуний кучга киришида айрим камчиликлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 51-моддасида ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар баён қилинган. Ушбу моддани синчковлик билан ўрганиш шуни кўрсатдики, жиноят процессининг (ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этиш босқичидан ташқари) барча босқичларида ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолатлар баён қилинган. Аммо унда ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этишда ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолат сифатида белгиланмаган.

Бундан ташқари, ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этиш босқичи энг муҳим босқичлардан бири бўлганлиги, шунингдек мазкур босқичда маҳкумнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 51-моддаси биринчи қисмига қуйидаги тахрирдаги 10-банд билан тўлдириш таклиф қилинмоқда: **“10) ҳукм, ажрим қарорларни ижро этишда юзага келадиган масалалар юзасидан суд мажлисларида ҳимоячининг иштирок этиши шарт”**.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 53-моддаси биринчи қисмини қуйидаги мазмунда тўлдириш таклиф қилинмоқда: “апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисларида иштирок этиш” деган сўзлардан кейин **“суднинг ҳукми, ажрими, қарорларини ижро этиш вақтида ўз ҳимоясидаги шахс манфаатларини кўзлаб илтимосномалар қилиш ҳуқуқига эга”**.

Суд ҳукмини ижро этиш босқичи суд ҳукми қонуний кучга кирган вақтдан бошланади ва ўз ичига одил судлов ҳужжатларини амал қилишини таъминлаш бўйича процессуал ҳаракатлар ва суд қарорларини қамраб олади. Ҳукм, ажрим, қарорларнинг қонуний кучга кириши уларни ижро этириш учун зарур бўлган ҳолатдир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 528-моддасида ҳукм унинг устидан апелляция шикоятни бериш ва протест билдириш муддати ўтиши билан қонуний кучга кириши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>4</sup>-моддасида ҳукм устидан апелляция шикоятлари ва протестлари бериш муддати берилган бўлиб, унга кўра биринчи инстанция судининг ҳукми устидан апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида берилиши мумкин.

Мазкур модданинг таҳлили шуни кўрсатадики, жиноят процессида ҳукмнинг қонуний кучга кириши бўйича икки хил муддат мавжуд. Биринчиси, ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка қилиб белгиланган бўлса, иккинчиси эса маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан ҳукмнинг нусхаси топширилган кун.

Бу эса жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларга маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчини топиш ва уларга ҳукм нусхасини топшириш кўшимча мажбуриятни юклар келмоқда.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигида апелляция шикоятни бериш ва протест билдириш муддати бўйича ягона муддат белгиланган лозим.

Маҳкумлар икки ва ундан ортиқ бўлган тақдирда башарти шулардан лоақал бирига нисбатан ҳукм устидан шикоят берилган ёки протест билдирилган бўлса, юқори суд ишни кўриб чиққунига қадар маҳкумларнинг ҳаммасига нисбатан ҳукм қонуний кучга кирмай туради[5].

Ҳукм қонуний кучга кирувчи шахслар доираси ҳам процессуал қонунчиликда аниқ белгиланган. Унга мувофиқ, агар маҳкумлар икки ва ундан ортиқ бўлган тақдирда башарти шулардан лоақал бирига нисбатан ҳукм устидан шикоят берилган ёки протест билдирилган бўлса, юқори суд ишни кўриб чиққунига қадар маҳкумларнинг ҳаммасига нисбатан ҳукм қонуний кучга кирмай туради.

Ҳукм қонуний кучга кирган ёки иш апелляция инстанцияси судидан қайтарилган кундан бошлаб уч кундан кечикмай, ҳукм чиқарган суд томонидан ижро этирилади. Иш фақат биринчи инстанция судига юборилиши лозим, прокурорга ёки бошқа судга юборилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 529-моддасига асосан, суд ҳукми эълон қилгач суд мажлиси залида қуйидагиларни қамоқдан ёки уй қамоғидан дарҳол озод қилиниши белгиланган:

- 1) оқланган шахсни;
- 2) жазо тайинланмаган маҳкумини;
- 3) жазодан озод этилган маҳкумини;
- 4) ушлаб туриш ёки эҳтиёт чорасини қўллаш оқибатида қамоқда ёки уй қамоғида бўлган вақтдан ёхуд кассация ёки назорат тартибда бекор қилинган ҳукмга биноан шу иш бўйича жазони ўтаган вақтдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодлиги чекланган маҳкумини;

5) шартли равишда озодликдан маҳрум этилган маҳкуми;

6) озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога маҳкум этилган шахсни.

Россия Федерацияси ЖПКнинг 311-моддасини ўрганиш шуни кўрсатдики, судланувчини қамокдан озод қилиш асоси сифатида “айблов ҳукми билан жазо тайинлаш ва унинг ижросини кечиктиришни қўллаш” асос мавжуд [6].

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 529-моддаси биринчи қисмига қуйидаги мазмундаги 7-банд билан тўлдириш таклиф қилинмоқда:

**“7) айблов ҳукми билан жазо тайинлаш ва унинг ижросини кечиктиришни қўллаш орқали”.**

Мазкур киритилиши таклиф қилинаётган ўзгартиш ва қўшимчалар амалдаги процессуал қонунчилик ва амалиётда мавжуд айрим камчиликларни бартараф этишга имкон яратади.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда жиноят процессида ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этишни ўз вақтида ва самарали ижросини таъминлашга эришиш учун амалдаги қонунчиликка айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 2017 йил 14 январь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017.–№ 25. –№ 22. 425-модда; –№ 25. 531-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг 2018 йил 26 июндаги №7-1/13-182-2018-759-сон хат орқали юборилган материалларидан.

4. Вставская И.М., Савченко С.А. Исполнительное производство. 2-е изд., перераб. и доп. – М., 2010. – С. 6.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм (илмий-амалий шарҳ) / Масъул муҳаррир: профессор Б.Х.Пўлатов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – Б. 356.

6. [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34481/c79c18426e70036fa2162a613f22fb70584de91a/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/c79c18426e70036fa2162a613f22fb70584de91a/)

**Ш.Р. Ғофуров,**

ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси ўқитувчиси

#### УЮШМАГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ТАҲЛИЛИ

**Аннотация:** мақолада уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар таҳлил қилинган, профилактик амалиётда уларни аниқлашнинг долзарблиги ва мураккаблиги асосланган, олимлар ва мутахассисларнинг фикрларига таяниб, уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларга имкон бераётган омиллар тизими шакллантирилган.

**Таянч тушунчалар:** ҳуқуқбузарликларнинг сабаби, шароити, омили, криминоген детерминанти, уюшмаган ёшлар, уюшмаган ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар.

**Аннотация:** в статье анализируются причины совершения правонарушений и условия, способствовавшие их совершению среди неорганизованной молодежи, обоснована важность и возникающие трудности выявления правонарушений данной категории в профилактической практике, а также, опираясь на мнения учёных и специалистов, сформирована система факторов, создающих возможность для совершения правонарушений среди неорганизованной молодежи.

**Ключевые слова:** причина правонарушений, условия, факторы, криминогенный детерминант, неорганизованная молодежь, правонарушения среди неорганизованной молодежи.

**Annotation:** the article analyzes the causes and conditions for the possibility of committing offenses among unorganized youth, based on the difficulties and importance of identifying them in practical prevention, formed a system of factors that enables offenses among unorganized youth, basing on the opinions of scientists and specialists.

**Keywords:** the cause of offenses, the conditions, factors, criminogenic determinants, unorganized youth, offenses among unorganized youth.

«Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда» [1]. Бу эса, ўз навбатида, ёшлар, хусусан уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда самарали натижаларга эришиш, ҳуқуқбузарлик миқдорини энг паст даражагача тушириш, салбий оқибатларини камайитириш учун уларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш долзарблашган. Бу эса уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш ва умумлаштириш орқали ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни озиклантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини

ишлаб чиқиш ҳамда манзилли йўналтирилишини таъминлаш заруратини келтириб чиқармоқда.

Республикамиз биринчи Президенти Ислон Каримовнинг таъбири билан айтганда, «биз жиноятчиликка қарши курашиш юзасидан фавқулодда чоралар кўрар эканмиз, салбий ҳодисаларни вужудга келтираётган, одамларни, айниқса, ёшларни ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар кўчасига киришга мажбур этаётган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий сабабларни, илдизларни топиш, уларни бартараф этиш лозим, деб ҳисоблаймиз» [2, 222-бет].

Бироқ, ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар каби уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бир-бирдан ажратиш ҳам мураккаб жараён бўлиб, фақатгина муайян шахснинг қилмишини нима келтириб чиқарганини (сабаб бўлганлигини) ва нима унинг келиб чиқишига кўмаклашганини (шароит бўлганлигини) аниқлаш мумкин бўлади. Чунки И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова, И.Ю. Фазиловлар тўғри таъкидлашганидек, у ёки бу ҳодиса, воқеа ёки жараён айрим ҳолатда сабаб сифатида ҳаракат қилса, бошқа вазиятда эса шароит сифатида намоён бўлади [3, 83-бет]. Шу боис, И.Ю. Фазилов одам савдоси жиноятларининг сабаб ва шароитларини ёритишда «одам савдосига имкон бераётган омиллар» тушунчасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини илгари сурган[4, 169-бет]. Худди шундай ёндашувни И.М. Мирзараимовнинг тадқиқот ишида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш «жараёнига таъсир кўрсатувчи криминологик омиллар» тушунчаси қўлланилганлигида ҳам кўриш мумкин [5, 12-бет].

Криминологик тадқиқотлар натижаларига [6, 90-бет] асосланган ҳолда, айтиш мумкинки, уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари деганда, ушбу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини тақозо қиладиган, уларни озиклантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг йиғиндиси; уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг шароитлари деганда эса ушбу ҳуқуқбузарликларни бевосита келтириб чиқармайдиган, лекин уларнинг содир этилишига кўмаклашадиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг мажмуи тушунилади.

«Сабаблар, ўз мазмунига кўра, ижтимоий-психологик ҳолатлар бўлса, шароитлар эса иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан юзага келувчи ҳолатлар ҳисобланади» [7, 83-бет].

Криминологик тадқиқотларда [8, 171-бет] ҳозирги вақтда жиноятчиликка 320 дан ортиқ омиллар таъсир кўрсатаётганлиги таъкидланган. Жумладан, Д.Ю. Алипхановнинг номзодлик диссертациясида ёшлар ўртасидаги иқтисодий жиноятларнинг криминоген детерминантларига қуйидагилар кириши исботланган: 1) мамлакатдаги иқтисодий инқироз; 2) ҳудуднинг депрессивлиги; 3) мамлакатнинг геополитик ҳолатига кўра паст даражадаги инвестицион жозибаси; 4) иқтисодий ва ижтимоий соҳани маромда фаолият юритишини ишдан чиқарадиган тез-тез қамраб олувчи фавқулодда ҳолатлар; 5) яшаш тарзининг паст даражалиги; 6) ичида кўп сонли ёшлар бўлган қочқоқлар ва мажбурий кўчманчиларнинг сони ошиб бориши; 7) жамиятнинг камбағал ва бойларга мулкий бўлинишининг даҳшатли кўламлари; 8) ёшлар ўртасидаги ишсизлик; 9) ёшларнинг бўш вақтларини ўтказишини криминаллашганлиги ва уни тўғри ташкил этилмаганлиги; 10) ёшлар касбий таълимнинг қийинчиликлари; 11) рўйхатга олинмаган қурол ва

ҳарбий техниканинг кўпчилик аҳолининг ноқонуний айланмасида бўлиши; 12) республика иқтисодини кўп ҳажмда сохта пул бирликлари ва валютани киритиш орқали мувозанатдан чиқарилиши; 13) аҳолининг ижтимоий ҳаёти учун ажратиладиган бюджет маблағларининг талон-торож қилиниши; 14) ёшлар инфратузилмаси ҳамда иқтисод ривожланиши учун мўлжалланган бюджет маблағларини тақсимлашдаги фирибгарликлар; 15) ҳокимият тузилмалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг коррупциялашганлиги (шу жумладан, маҳаллий одатлар, қариндошлик ва таниш-билишликка кўра доимий равишда ёшлар ўртасидаги жиноятчиликка барҳам беришда ва самарали чоралар қўллашда ҳар доим ҳам етарли даражада жавоб берилмаслиги кўп ҳолатларда ёшларнинг уюшган жиноий гуруҳлари фаолиятини пана қилиб туради); 16) таъмагирик ва рэкет билан шуғулланиш учун тузилган ноқонуний қуролли экстремистик уюшмалар; 17) ёшлар жиноятчилигига қарши чораларни амалга оширишда тизимсизлик ва кетма-кетсизлик [9].

М. Собировнинг докторлик диссертациясида иқтисодий жиноятчиликнинг ўсиб боришига: 1) ишлаб чиқарувчи, воситачи ва истеъмолчи ҳуқуқий маданиятининг тўла шаклланиб улгурмагани; 2) жамият аъзоларининг иқтисодий жиноятларга қарши курашга нисбатан пассивлиги, ҳатто лоқайдлиги; 3) уюшган жиноятчилик, айниқса, коррупция элементларининг жамиятдаги бошқарув ва назорат соҳаларига суқилиб кирганлиги; 4) молия-кредит тизимларининг юқори даражада, янги технологиялар асосида ривожланмаганлиги, ундаги мавжуд бюрократик тўсиқлар; 5) қонунчиликнинг бозор иқтисоди шароитида пайдо бўладиган янги жиноятларга қарши курашдаги фаоллигининг унча юқори эмаслиги ҳолатларининг таъсири мавжудлиги асосланган [10, 19-бет].

Шунингдек, унинг фикрига кўра, мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг психологик ва ташкилий омиллари қуйидагилардан иборат: 1) кўпчиликда иқтисодий жиноятчиликнинг кўп турларига, қонун билан тақиқланган фаолиятларга нисбатан, унинг жамиятга эртами-кечми, зиён етказиши мумкинлигини англаб ё англамасдан, лоқайдлик кайфияти юзага келган. Бу нарса жиноят учун жазо муқаррар бўлган шароитда жазосизлик муҳитини, яъни жиноятни содир этувчида ўз манфаатини ўзгалар манфаати ва ҳатто қонундан устун қўйиш психологиясини вужудга келтиради; 2) жабрланган аҳоли кўпчилик қисмининг ҳуқуқ-тартибот идораларига ёрдам сўраб кеч мурожаат этиши ёки умуман мурожаат этмаслиги. Бундай ҳолат ҳам жиноятга мойил шахсларни рағбатлантирувчи омиллардан биридир; 3) мулкка тажовуз билан боғлиқ ўғрилик, талончилик, босқинчилик, фирибгарлик каби жиноятлар фош этилиш даражасининг юқори эмаслиги. Бу турдаги жиноятларга уларни содир этувчи шахсларнинг кейинги пайтларда замонавий асбоб-анжомлар ва техник воситалар билан қуролланганлиги, жиноят объектини олдиндан ўрганиб, жиноятни режали равишда амалга оширишлари, жиноят изларини жуда усталик билан яшириш техникасини эгаллаб олганликлари хосдир; 4) мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларни олдиндан тахминлаш, таҳлил қилиш ва уларга қарши чораларни қўллаш механизмларининг ишлаб чиқилмаганлиги; 5) бозор муносабатларининг ривожланиши билан юзага келадиган янги жиноятларга қарши махсус кураш олиб бориш учун компьютер технологиялари, қимматбаҳо

қоғозлар муомаласи, кредитлар ва суғурта муомалалари, янгича электрон тўлов воситалари (масалан, пластик карточкалар) бўйича мутахассислар тайёрлашнинг йўлга қўйилмаганлиги [11, 29-бет].

И.Ю. Фазиловнинг докторлик диссертациясида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга имкон бераётган асосий омиллар аниқлаштирилиб, қуйидагича тизимлаштирилган: 1) фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ахлоқий маданияти, олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлиги етарли даражада эмаслиги; 2) ишсизлик, хусусан, узоқ муддатга чет элга кетиб, қайтиб келган фуқароларни, ўқув муассасаларини тамомлаган ёшларни мутахассислиги бўйича иш билан таъминлашга қаратилган чораларнинг етарли даражада эмаслиги; 3) чет элга чиқаётган фуқароларнинг хорижда ишга жойлашиш имкониятлари ва хавфсиз меҳнат шароитлари ҳақида ишончли ахборот билан тўлиқ таъминланмаганлиги, ёлловчиларга ҳаддан ошиқ ишониши, нима мақсадда чет элга кетаётганлигини ва ким олиб кетаётганлиги (чақиртирганлиги)ни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан яшириши; 4) айрим шахсларнинг шахсий манфаат (моддий манфаатдорлик)ни кўзлаб, фуқароларни Давлат чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтишига кўмаклашиш, чет элда ишга жойлаштиришни ташкил этиш билан ғайриқонуний равишда шуғулланаётганлиги; 5) одам савдоси жиноятларининг тўлиқ фош этилмасдан қолаётганлиги, жабрланган шахсларнинг жиноятни фош этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фаол ҳамкорлик қилмаётганлиги; 6) ривожланган хорижий давлатларда арзон иш кучига бўлган талабнинг ортганлиги, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг чет элда норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун гуруҳ бўлиб кетаётганлиги ва «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолаётганлиги; 7) шахвоний хизматларга бўлган талабнинг юқорилиги, фоҳишахоналарнинг мавжудлиги ва «тунги клуб, сауна ёки массаж хоналари» никоби остида фаолият олиб бораётганлиги; 8) Интернет жаҳон ахборот тармоғида зўравонлик, шафқатсизлик, порнография ва фоҳишаликни тарғиб қилаётган, шахвоний хизматларни таклиф этаётган, шунингдек «ёш ва жозибали аёллар» ва «қўлида ҳунари бор эркактлар»га юқори маош тўланадиган ишларни таклиф этаётган (аслида эксплуатацияга жалб қилаётган) веб-сайтларнинг мавжудлиги ва кўпайиб бораётганлиги; 9) одам савдоси ва одамни эксплуатация қилишнинг қонунда жавобгарлик белгиланмаган қатор янги шакллари мавжудлиги, юридик шахснинг жиноий жавобгарлиги белгиланмаганлиги; 10) фуқароларда енгил йўл билан тезроқ катта бойлик орттиришга бўлган хоҳиш-истакнинг юқорилиги; 11) оилавий-маиший низолар, хусусан, ёш оилаларнинг ажрашиб кетиши ва бошқалар [12, 28-бет].

М.Қ. Ўразалиевнинг докторлик диссертациясида фоҳишаликнинг сабабларига: 1) маънавиятнинг пастлиги; 2) ишсизлик даражасининг юқорилиги; 3) жамиятдаги оила-никоҳ муносабатларининг деформацияси; 4) жинсий тарбия тизимининг мавжуд эмаслиги; 5) шахснинг ижтимоийлашувдаги нуқсонлар; 6) шахслараро муносабатлар маданиятининг пастлиги; алкоголизмнинг сабабларига: 1) оилавий муҳит, тарбиянинг яхши эмаслиги ёки катталар ичкиликбозлиги; 2) аксарият шахсларда оилавий ёки ҳаётдаги «чигал» муаммоларнинг кўплиги ва уни ҳал қилиш йўллари топилмаганлиги; 3) спиртли ичимликлар истеъмол қилиш «анъанаси» (тўй,

7. Семейные отношения с участием иностранцев. Правовое регулирование в России — Н.И. Марышева [Электронный ресурс]. URL: [http://www.adhdportal.com/book\\_2895.html](http://www.adhdportal.com/book_2895.html)
8. Смирнова А.С. Проблема взаимности в признании иностранных судебных решений в ФРГ [Электронный ресурс]. URL: [http://www.conf.sfu-kras.ru/Труды\\_конференции/pdf/d01/s0](http://www.conf.sfu-kras.ru/Труды_конференции/pdf/d01/s0)

Ш.А.Исмаилов,  
докторант ТГЮУ, к.ю.н.

### МОТ НА ПОРОГЕ НОВОГО СТОЛЕТИЯ И СОТРУДНИЧЕСТВО В СФЕРЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ДОСТОЙНОГО ТРУДА В УЗБЕКИСТАНЕ

**Аннотация:** в данной статье рассмотрена история создания международной организации труда, ее основные задачи и цели, международные стандарты в сфере труда, новые масштабные инициативы организации следующего столетия.

**Ключевые слова:** международная организация труда, основные принципы, социальная справедливость, достойный труд, конвенция, декларация, инициатива.

**Аннотация:** мазкур мақолада халқаро меҳнат ташкилотининг ташкил топиши тарихи, унинг асосий мақсади ва вазифалари, меҳнат соҳасидаги халқаро стандартлар, кейинги юз йилликда ташкилотнинг янги кенг қўламли ислохотлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** халқаро меҳнат ташкилоти, асосий принциплар, ижтимоий адолат, муносиб меҳнат, конвенция, декларация, ташаббус.

**Annotation:** This article discusses the history of the creation of the international labor organization, its main tasks and goals, international standards in the field of labor, new masses of organization in the next century.

**Key words:** international labor organization, basic principles, social justice, decent work, convention, declaration, initiative.

В 2019 году Международная Организация Труда (МОТ, англ. International Labour Organization, ILO) готовится отпраздновать своё столетие: датой основания считается 11 апреля 1919 года на Парижской мирной конференции. На протяжении 100 лет своей деятельности МОТ способствовала продвижению социальной справедливости и обеспечению прав трудящихся в мире. Международная организация труда одна из старейших и наиболее представительных международных организаций, созданных при Лиге Наций и с 1946 года стала первым специализированным учреждением ООН. Деятельность МОТ строится на основе трехстороннего представительства работников, работодателей и правительств – трипартизма. Если в момент её создания в ней участвовало 42 государства-членов, то уже в 2018 году в ней участвует 187 стран мира [1].

Цели и задачи МОТ провозглашены в её Уставе. Устав МОТ был разработан Комиссией по труду мирной конференции и стал частью XIII Версальского договора. В Преамбуле Устава МОТ (принят в 1919 году) рассмотрено, что всеобщий и прочный мир может быть установлен только на основе социальной справедливости.

Наряду с Уставом МОТ, в Декларациях уточняются цели и задачи организации. Данными декларациями являются Филадельфийская декларация МОТ 1944 года (вданное время закреплена в Уставе МОТ), Декларация МОТ 1977 года о многонациональных предприятиях и социальной политике, а также Декларация МОТ 1998 года об основополагающих правах и принципах в сфере труда[2].

В Филадельфийской декларации (Декларация МОТ «О целях и задачах Международной организации труда»), в которой уточняются цели и задачи Организации, воплощены следующие принципы:

- а) труд не является товаром;
- б) свобода слова и свобода объединения являются необходимым условием постоянного прогресса;
- в) нищета в любом месте является угрозой для общего благосостояния;
- г) борьба с нуждой должна вестись с неослабевающей энергией в каждом государстве, постоянными и согласованными усилиями в международном масштабе, в которых представители трудящихся и предпринимателей, пользующиеся равными правами с представителями правительств, объединяются с ними для свободного обсуждения и принятия демократических решений в целях содействия общему благосостоянию[3].

Декларация Международной организации труда «Об основополагающих принципах и правах в сфере труда» заявляет, что все государства-члены, даже если они не ратифицировали указанные Конвенции, имеют обязательство, вытекающее из самого факта их членства в Организации, добросовестно и в соответствии с Уставом соблюдать, содействовать применению и претворять в жизнь принципы, касающиеся основополагающих прав, которые являются предметом этих Конвенций, а именно:

- а) свободу объединения и действительное признание права на ведение коллективных переговоров;
- б) упразднение всех форм принудительного или обязательного труда;
- в) действительное запрещение детского труда;
- г) недопущение дискриминации в области труда и занятий [4].

Главные цели МОТ – содействие социально-экономическому прогрессу, повышению благосостояния и улучшению условий труда людей, защита прав человека. МОТ ставит перед собой четыре основные стратегические цели:

- продвигать и проводить в жизнь основополагающие принципы и права в сфере труда;
- расширять возможности женщин и мужчин для получения достойной занятости;
- увеличивать охват и эффективность социального обеспечения для всех; – укреплять трипартизм и социальный диалог.

Эти задачи решаются различными путями:

- путем выработки международной политики и программ, направленных на поддержку основных прав человека, улучшение условий труда и жизни, расширение возможностей занятости;

- принятием международных трудовых норм в форме конвенций и рекомендаций, подкрепленных уникальной системой контроля над их соблюдением;

- с помощью крупномасштабных программ международного технического сотрудничества;

- путем профессиональной подготовки и обучения, исследовательской и издательской деятельности в поддержку этих усилий [5].

МОТ принимает Рекомендации Конвенции, посвященные вопросам труда. До сегодняшнего дня было принято 189 Конвенций и 205 Рекомендаций, из которых 8 Конвенций считаются – «Фундаментальные» (Fundamental), 4 – «Приоритетные» (Governance, Priority), 177 – «Технические» (Technical). Помимо Конвенций и Рекомендаций было принято 6 Протоколов технического характера. В данное время, по общему счету, было принято 400 правовых и технических документов [6]. Состояние ратифицированности Конвенции различается между странами, например: Узбекистан ратифицировал 14 Конвенций, из них 8 – основных, 1 – приоритетный, 5 – технических [7].

*Вместе с этим МОТ также осуществляет свою деятельность в странах Восточной Европы и Центральной Азии. В 1992 году Республика Узбекистан стала официальным участником МОТ. Группа технической поддержки по вопросам достойного труда и Бюро МОТ для стран Восточной Европы и Центральной Азии (до апреля 2010 года – Субрегиональное бюро МОТ для стран Восточной Европы и Центральной Азии) работает в Москве с 1959 года. Бюро координирует деятельность МОТ в десяти государствах – Азербайджане, Армении, Беларуси, Грузии, Казахстане, Кыргызстане, Российской Федерации, Таджикистане, Туркменистане и Узбекистане. Территория региона обширна – более 20 млн. кв. км., а общая численность населения составляет около 230 млн. человек. Основные сферы деятельности Бюро – продвижение национальных программ достойного труда в странах региона, развитие социального диалога, социальная защита, развитие занятости, охрана труда, гендерное равенство в сфере труда, ВИЧ/СПИД на рабочих местах, искоренение детского труда и другие [8].*

Концепция МОТ «Достойный труд» преследует такие стратегические цели, как создание рабочих мест и эффективное обеспечение занятости, трудовых гарантий и прав в безопасных условиях, целевая социальная защита, развитие и совершенствование законодательства в сфере, активизация социального диалога. По словам министра занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан Шерзода Кудбиева, в рамках данной Концепции в стране предпринимаются эффективные меры по защите прав женщин и детей [9].

Как подчеркнул Генеральный директор МОТ Гай Райдер: «Основополагающая идея состояла в том, что прочный мир основан на обеспечении социальной справедливости. Сегодня, сто лет спустя после заключения мира, она остается столь же актуальной. Сегодня, когда мир сталкивается с глубокими преобразованиями, растущей напряженностью и повсеместными конфликтами, мы как никогда должны помнить об индивидуальной и коллективной ответственности всех государств, долг которых в рамках многостороннего сотрудничества – удвоить усилия в интересах обеспечения всеобщей социальной справедливости» [10].

Вместе с тем, заместитель Генерального директора МОТ Грег Вайнсот отмечал: «Сфера труда, как нам

всем известно, меняется, и темпы, масштабы, глубина перемен, которые она сегодня переживает, не имеют прецедентов. Существует единодушное мнение, что мир стоит на пороге «четвертой промышленной революции». Есть, однако, опасность, что в дискуссии о будущем сферы труда технологические перемены, в том числе распространение цифровых технологий и автоматизация производства, заслонят все прочие вопросы. Мы отдаем себе отчет в том, что эти процессы приведут к созданию одних рабочих мест и исчезновению других. Спорным остается вопрос о том, каким будет итоговый баланс этого «созидательного разрушения». Наша задача – сделать так, чтобы технологические инновации приносили максимум преимуществ в социальном плане. Но технология – не единственная движущая сила перемен. Есть и другие – такие как организация труда и производства, глобализация, изменение климата, демография. Вот почему МОТ приступила к осуществлению масштабной инициативы, цель которой – изучить вопрос о будущем сферы труда в самом широком смысле [11].

Мир труда переживает важный процесс перемен. Есть несколько сил, которые трансформируют его, начиная с будущего марша технологий и воздействия изменения климата на меняющийся характер производства и занятости, и это лишь некоторые из них. Чтобы понять и эффективно реагировать на эти новые вызовы, в настоящее время запущена инициатива «Будущее работы».

В первой половине 2019 года во всех государствах-членах организации планируется провести мероприятия, посвященные 100-летию МОТ, а также обсуждение доклада Комиссии. Кульминацией инициативы «Будущее работы» станет Международная конференция труда 2019 года с возможным принятием Столетней декларации.

МОТ приветствует реформы главы государства Узбекистана. «За два года президентства Шавката Мирзиёева было сделано много конструктивного в сфере искоренения детского и принудительного труда», – заявил Специальный советник Генерального директора Международной организации труда Кари Топиола во время Азиатского форума по правам человека. По словам Топиолы, «в течение нескольких лет в Узбекистане имели место вопросы детского и принудительного труда, связанного с ежегодным урожаем хлопка. И представители МОТ очень плодотворно сотрудничали с местной властью, чтобы искоренить эту проблему. «Перед проведением форума (в Самарканде – прим. ред.) в Ташкенте состоялся круглый стол, на нем обсуждались результаты сбора урожая хлопка этого года. И независимый мониторинг Международной организации труда констатировал, что вопрос о детском труде в Узбекистане больше не стоит», сказал представитель МОТ, добавив, что «в сфере принудительного труда тоже есть существенный прогресс» [12]. В 2017 году Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев пообещал искоренить принудительный труд в стране и подтвердил приверженность власти к сотрудничеству с МОТ.

Так, в начале августа 2017 года правительство республики установило запрет на привлечение к сбору урожая хлопка молодежи, не достигшей совершеннолетия, а также сотрудников сферы здравоохранения и образования [13].

В 2018 году правительство Узбекистана приняло ряд конкретных мер для предотвращения принуди-

тельного труда при сборе хлопка. В частности, был усилен мониторинг использования принудительного труда, была проведена информационная кампания среди населения, были запущены новые механизмы принятия жалоб на незаконные действия должностных лиц, а также повышена сумма оплаты труда сборщикам хлопка. В результате исключения узбекского хлопка из «черного списка» Министерства труда США («Список товаров, производимых детским трудом или принудительным трудом список») открыл пути для дальнейшего сотрудничества Узбекистана с компаниями Gucci, Louis Vuitton, Adidas, Nike, а также с другими известными мировыми брендами [14].

В рамках визита (Ташкент, 14 декабря 2018 года) делегации во главе с Генеральным директором Международной организации труда Гаем Райдером состоялась международная конференция на тему «Обеспечение достойной занятости в контексте Целей устойчивого развития: международная практика и опыт Узбекистана». Как отметил Генеральный директор МОТ Гай Райдер, «На основе происходящих в мире последних событий можно прийти к выводу о том, что меняются общество и климат, стремительно ускоряются процессы глобализации и миграции. Все это требует от нас незамедлительного анализа перспектив трудовых отношений».

Таким образом, в процессе глобализации и прогресса информационных технологий общество нуждается в новых тенденциях развития, и необходимо пересмотреть многие понятия в сфере труда.

#### Список литературы:

1. <https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/lang-en/index.htm>
2. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Международная\\_организация\\_труда#Устав\\_МОТ](https://ru.wikipedia.org/wiki/Международная_организация_труда#Устав_МОТ)
3. <https://normativ.kontur.ru/document?moduleId=1&documentId=277925>
4. [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_21316/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_21316/)
5. [https://ru.wikipedia.org/wiki#Методы\\_работы\\_и\\_основные\\_сферы\\_деятельност](https://ru.wikipedia.org/wiki#Методы_работы_и_основные_сферы_деятельност)
6. [http://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=1000%3A1%3A%3ACHANG\\_LANG](http://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=1000%3A1%3A%3ACHANG_LANG)
7. [https://www.ilo.org/gateway/faces/home/ctryHome?locale=en&countryCode=UZB&\\_adf.ctrl-state=quubftam9\\_83](https://www.ilo.org/gateway/faces/home/ctryHome?locale=en&countryCode=UZB&_adf.ctrl-state=quubftam9_83)
8. <https://www.ilo.org/moscow/lang--ru/index.htm>
9. <http://uza.uz/ru/politics/mezhdunarodnoe-sotrudnichestvo-i-perspektivnye-proekty-v-sfe-15-12-2018>
10. [https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS\\_649855/lang--ru/index.htm](https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_649855/lang--ru/index.htm)
11. [https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS\\_644601/lang--ru/index.htm](https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_644601/lang--ru/index.htm)
12. <https://news.mail.ru/politics/35480527/?frommail=1>
13. <https://news.mail.ru/economics/35449713/?frommail=1>
14. <https://news.mail.ru/economics/34824006/>



**Ф.Б.Зайнобиддинова**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети докторанти

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада мамлакатимизда инвестиция сиёсатини ислоҳ қилиш, фаол инвестициявий муҳит яратиш, инвестиция фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари қонунчилик ҳужжатлари таҳлили асосида кўриб чиқилган. Шунингдек, илмий ишда Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини самарали ҳуқуқий тартибга солишни тақомиллаштириш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, инвестиция шартномаси, инвестициявий фаолият, инвестициявий фаолиятнинг устувор объектлари, шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш.

**Annotation:** This article considers the issues of reforming investment policy, creating an active investment climate and contractual regulation of investment activities based on an analysis of current legislation. In addition, the scientific work presented some proposals to improve the effectiveness of legal regulation of investment activities in the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** investment, investment agreement, investment activity, priority investment objects, contractual regulation.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются вопросы реформирования инвестиционной политики, создания активного инвестиционного климата и договорного регулирования инвестиционной деятельности на основе анализа действующего законодательства. Кроме того, научной работе представлены некоторые предложения по повышению эффективности правового регулирования инвестиционной деятельности в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** инвестиция, инвестиционное соглашение, инвестиционная деятельность, приоритетные инвестиционные объекты, договорно-правовое регулирование.

Инвестициявий фаолият мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим омили бўлиб, бу нафақат давлатнинг самарали ички сиёсати балки халқаро майдонлардаги нуфузи билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Таъкидлаш керакки, давлат иқтисодиёти учун инвестицияларнинг ўрни беқиёс. Чунки улар мамлакат иқтисодиётининг барқарор тараққиётини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Хусусан, инвестициялардаги миқдорий жиҳатдан ўзгаришлар, ўз навбатида, умумий ишлаб чиқариш ҳажми, аҳолинг бандлик даражаси, халқ ҳўжалиги турли йўналишлари ривожининг динамикаси ва тизимли иқтисодий кўрсаткичларига бевосита таъсир ўткизади [1].

Шу тўғрисида, мамлакатимизда инвестиция сиёсатини тубдан тақомиллаштириш ва ислоҳ қилиш ҳамда амалга ошириш юзасидан замонавий, самарали ёндашув ва механизмларни жорий этиш, шунингдек, инвестиция жараёнларини жадаллаштириш ҳамда ишби-

лармонлик муҳитини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [2] ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида [3] белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида [4] иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида – макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, “хуфёна” иқтисодиётга қарши курашиш ва унинг улушини кескин қисқартириш, валюта сиёсатини эркинлаштиришни давом эттириш борасида кўпга вазифалар белгиланди.

Шунингдек, фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янги юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича стратегик ва муҳим аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ҳамда самарали ўзлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни инобатга олган ҳолда саъй-ҳаракатларни жамлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, булар орқали аҳоли бандлигини, уларнинг турмуш даражаси ва сифати оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [5] Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори [6] асосида манзилли дастурлар ишлаб чиқилди.

Чунончи, инвестиция фаолиятини самарали ҳуқуқий тартибга солишни тақомиллаштириш амалдаги инвестициявий-ҳуқуқий нормаларни ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат доирасида тизимлаштириш масаласи билан бевосита боғлиқдир. Бу эса тегишли қонун нормалари ўртасидаги қарама-қаршилиқлар ва тақорлашларга барҳам бериш билан бирга, мазкур соҳадаги тартибга солиниши ҳуқуқий нормалар билан қамраб олинмаган ижтимоий муносабатларни аниқлаш ишқонини вужудга келтиради.

Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилган “Инвестициялар ва инвестициявий фаолият тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси [7] 251-моддадан иборат энг катта қонун лойиҳалардан бири бўлиб, инвестициявий фаолиятга оид барча муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Бироқ, ҳуқуқий амалиёт ва етакчи хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили асосида мазкур қонун лойиҳасига қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

- қонун лойиҳанинг 3-моддасидаги инвестиция, инвестиция шартномаси, инвестициявий мажбурият, чет эл инвестицияси тушунчаларини янада тўлдирин;

- 13-моддадаги инвестициявий фаолият объектлари доирасига ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, инвестиция

киритилишига кўпроқ муҳтож бўлган ҳамда инвесторга янада мақбул кафолат ва имтиёзларни назарда тутувчи, “Инвестициявий фаолиятнинг устувор объектлари” тушунчасини киритиш;

- 31-моддада инвестициявий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш шакл ва методларидан бири сифатида – инвестиция шартномаларининг ягона реестрини юритиш ҳамда шундай шартнома мажбуриятларини бажариш юзасидан мониторингни амалга оширишни, қайд этиш;

- 209-моддани инвестиция шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганлик ҳолатига оид хатбоши билан тўлдириш;

- 249-моддада инвесторлар ўртасидаги низоларни ҳал қилишнинг усули сифатида медиация институтини ҳам киритиш, мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси, хусусан, Ўзбекистон Республикасида инвестициявий фаолиятнинг муваффақиятли амалга оширилиши мазкур фаолиятни тартибга солиш шарномавий-ҳуқуқий нормаларнинг самарали ишлаш механизмлари билан ўзаро боғлиқдир.

Қайд этиш керакки, бугунги кунда инвестициявий фаолиятга тегишли салмоқли миқдордаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигига қарамай, ушбу ҳужжатлар мазкур фаолиятга оид барча ҳуқуқий аспектларни қамраб олмайди, балки давлат инвестициявий фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, холос. Жумладан, инвестиция шартномалари доирасидаги инвестициявий муносабатлар давлат томонидан тўлиқ тартибга солинмаган бўлиб, инвесторларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳамда бу орқали фаол инвестиция оқимини таъминлашда бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар кузатилади.

Ҳозирдаги мавжуд илмий тадқиқот ишларига қарамай, ҳанузгача инвестициявий фаолият, инвестиция шартномаси тушунчалари борасида яқдил фикр мавжуд эмас. Инвестициявий фаолиятнинг шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари фанда тўлиқ тадқиқ этилмаган. Шу туфайли, Ўзбекистон Республикасида инвестициявий фаолиятга оид муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, инвестиция шартномаларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш орқали амалиётга самарали ҳуқуқий механизмларни жорий этиш, мамлакатимизда инвестициявий сиёсатни тубдан такомиллаштириш ва ислоҳ қилишда, долзарб аҳамиятга эга.

Чунончи, фанда инвестиция фаолиятни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига бағишланган бир қанча тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлиб, бироқ уларни аксариятида инвестиция сиёсати ва инвестициявий фаолиятнинг иқтисодий жиҳатларига кўпроқ урғу берилган. Жумладан, инвестиция фаолиятни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишнинг алоҳида муаммолари Т.Бутте, Н.Милнер, Р.Долзер, Т.Алее, С.Пейнхардт, С.Кристоф, М.Стивенс А.Вьоркунд, Д.Литвин, Ж.Боннитча, В.Н. Лисица, А.М. Мингазова, Ю.В. Потапова, И.А. Вдовин, Д.С. Ратникова, Б.В. Муравьев, И.Ю. Цевольникова, И.В. Андреева ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, Ch.Richard [8], R.Dolzer [9], Т.Алее, С.Пейнхардтларнинг [10] илмий ишларида инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш метод ва таъминлари ўрганилган ҳамда икки томонлама инве-

стиция шартномаларини тузиш масалалари кенг ёритиб берилган. И.Ю. Цевольникова [11] ва А.М. Мингазоваларнинг [12] илмий ишларида эса инвестициявий фаолиятни шартномавий ҳуқуқий тартибга солишнинг фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар тизими, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва элементлари масалалари атрофлича тадқиқ этилган.

Хулоса қилиб айтганда, юридик адабиётларда инвестициявий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишнинг кўплаб жиҳатлари ёритилганига қарамай, мазкур фаолиятни шартномавий ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, инвестиция шартномалари моҳиятини очиб беришга бағишланган ягона мустақил тадқиқот ишлари мавжуд эмас. Шунингдек, тадқиқотларда инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар элементлари масалаларига етарлича аҳамият қаратилмаган. Мазкур ҳолат, инвестициявий фаолиятни шартномавий ҳуқуқий тартибга солиш соҳаси етарли даражада ўрганилмаганлигини намоён этган ҳолда, ушбу мавзунинг долзарблиги акс эттиради.

Шу туфайли, Ўзбекистон Республикасида инвестициявий фаолиятга оид муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, инвестиция шартномаларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш орқали амалиётга самарали ҳуқуқий механизмларни жорий этиш, мамлакатимизда инвестиция сиёсатини тубдан такомиллаштириш ва ислоҳ қилишда муҳим аҳамиятга эга.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Тахумова О.В., Чепурков Г.В. Развитие инновационно-инвестиционной деятельности регионов в условиях глобализации мирового хозяйства // Экономика и менеджмент: современные подходы и конвергенция знаний / Алехина Е.С., Аливанова С.В., и др. коллективная монография. –Москва, 2016. –С.119.
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/2228>
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 06/19/5635/2502-сон
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.08.2018 й., 06/18/5495/1611-сон
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.12.2018 й., 07/18/4067/2354-сон
7. Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали // <https://regulation.gov.uz/uz/document/1418>
8. Ch.Richard. Bilateral Investment Treaties and Domestic Institutional Reform, Columbia Journal Of Transnational Law, 2017/ 55: 548-591 // [http://jtl.columbia.edu/wp-content/uploads/sites/4/2017/08/Chen\\_55\\_CJTL\\_547.pdf](http://jtl.columbia.edu/wp-content/uploads/sites/4/2017/08/Chen_55_CJTL_547.pdf)
9. Dolzer, Rudolf and Christoph Schreuer. 2012. Principles of International Investment Law. New York, NY: Oxford University Press, second ed.
10. Allee, Todd & Clint Peinhardt (2014). Evaluating Three Explanations for the Design of Bilateral Investment Treaties, World Politics, Vol. 66, p 47 // <https://doi.org/10.1017/S0043887113000324>
11. Цевольникова И.Ю. Гражданско-правовое регулирование инвестиционной деятельности : автореф. дис. к.ю.н. – М., 2005 //

<http://lawtheses.com/grazhdansko-pravovoe-regulirovanie-investitsionnoy-deyatelnosti>

12. Мингазова А.М., Договорное регулирование инвестиционной деятельности: автореф. дис. на соиск. учен. степ. к.ю.н.: спец. 12.00.03 / Казань 2017. –С.226  
<https://www.twirpx.com/file/2162327/>

**Д.Ш.Умарханова,**  
 ТДЮУ “Халқаро оммавий ҳуқуқ” кафедраси  
 доцент в.б.,  
 юридик фанлар доктори

### ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗАРО ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ ИНСТИТУТИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари ва тартибга солиш масалалари тушунтириш берилган. Муаллиф томонидан жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдамнинг шакллари таҳлил қилинган бўлиб, унинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг бошқа йўналишлардан фарқли жиҳатлари асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** халқаро ҳамкорлик, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, халқаро шартнома, далил, ахборот алмашиш.

**Аннотация:** в данной статье разъясняются понятие, особенности и вопросы урегулирования взаимной правовой помощи по уголовным делам. Автором широко проанализированы формы взаимной правовой помощи по уголовным делам, также обоснованы отличительные аспекты взаимной правовой помощи от других направлений международного сотрудничества по уголовным делам.

**Ключевые слова:** международное сотрудничество, взаимная правовая помощь, международный договор, доказательство, обмен информации.

**Abstract:** This article explains the concept, features and issues of mutual legal assistance in criminal matters. The author widely analyzes the forms of mutual legal assistance in criminal matters, also substantiates the distinctive aspects of mutual legal assistance from other areas of international cooperation in criminal matters.

**Keywords:** international cooperation, mutual legal assistance, international treaty, evidence, exchange of information.

Глобаллашув даврида уюшган жиноятчиликнинг ўсиши натижасида алоҳида давлатлар хавфсизлигига ёки халқаро хавфсизликка таҳдид солиниши, барқарор ривожланишига тўсқинлик қилиши, содир этилаётган жиноятларнинг шафқатсиз турлари пайдо бўлиши жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликда янги усул ва исботлаш воситаларини қўллашни талаб этмоқда. Жиноят содир этиш усулларини жадал равишда кенгайиб бориши, уларни содир этишда энг илғор техника ва технологиялардан фойдаланилиши натижасида жиноятчилар трансмиллий тавсифга эга оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишмоқда ва жуда кўп миқдордаги даромад топиш имкониятига эга бўлишмоқда. Шу билан бирга уларни жинойи жавобгарликка тортиш учун далилларни тўплаш ва жиноят иши бўйича исботлаш жараёнида фойдаланиш бугунги кунда анча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу эса трансмиллий жиноятларга қарши курашиш нафақат усул ва воситаларни такомиллаштиришни, балки жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдамнинг янги механизмларини яратишни талаб қилмоқда.

Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам асосан давлатларнинг ваколатли органлари томонидан тегишли бўлган жиноят юзасидан далилий

аҳамиятга эга маълумотларни олиш учун ёрдам сўрашидир. Бу жуда муҳим ҳисобланиб, жиноят иши юзасидан тергов олиб бораётган ҳар бир давлат ходими ўзларининг иш вазифаларини амалга ошириш учун далилларга эҳтиёж сезади.

Ф.М.Файзиевнинг фикрича, “жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам алоҳида шартномаларда кўзда тутиладиган, томонлар ўз ҳудудида бўлган жиноят содир қилган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ёки қонуний кучга кирган ҳукми ижро этиш мақсадида бир бирига ушлаб беришидир” [1.1; 23-б.]. Бундан ташқари, у экстрадиция институтини жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдамнинг шаклларида бири сифатида таҳлил қилади [1.1; 57-б.].

Л.А.Лазутин, И.Ю.Гринь [1.2; 95-б.], [1.3; 11-б.] ҳам ушлаб беришга ҳуқуқий ёрдамнинг бир тури сифатида қарайдилар. Фикримизча, ушлаб бериш ҳуқуқий ёрдам институтидан принципал фарқ қилади, унинг мажмуасини жиноий ишлар бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш борасида ҳамкорлик институти ташкил этади (гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар ва айбланувчиларни сўроқ қилиш; тинтув, экспертиза, кўздан кечириш ва далилларни тўплаш билан боғлиқ бўлган бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш; жиноят натижасида қўлга киритилган моддий далиллар, ҳужжатлар, қимматли қоғозларни тақдим этиш; жиноят ишини юритиш ва процессул ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этиш). Агар ҳуқуқий ёрдамни амалга ошириш ҳаракатлари асосий ролни ўйнамаса, яъни жиноий қидирувни амалга ошириш сўралаётган давлат рад жавоб берган тақдирда ҳам давом этадиган бўлса, ушлаб беришда эса жиноят ишининг кейинги тақдири шунга боғлиқ бўлиб қолади. Ушлаб бериш маъқулланса жиноий иш давом эттирилади, ушлаб бериш рад этилган тақдирда, жиноят иш айбланувчининг мавжуд эмаслиги сабабидан тўхтатилади, сўралаётган давлат органларига тақдим этилади ёки тугатилади. Ҳукми ижро этиш мақсадида шахсни ушлаб беришни ҳуқуқий ёрдам билан боғлаш ҳаракатлари эса ундан ҳам самарасиз, зеро, бу ҳолатда жиноятни очиш ҳаракатларини талаб қилмайди.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимки, қонунчиликда жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ушлаб бериш алоҳида бобларга ажратилган (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 64-ва 65- боблари). Бундан ташқари, қонун чиқарувчи жиноят ишларида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар билан бир қаторда ушлаб бериш тўғрисидаги махсус шартномаларни ратификация қилишига ҳам эътибор қаратиши лозим.

Шундай экан, “жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам” тушунчасига, давлат томонидан жиноят ишларида фойдаланиши учун далил йиғишда ёрдам сўраши ва бундай мурожаатни қаноатлантириш ёки қаноатлантирмаслик жараёни, ҳамда улар ўртасида самарали равишда ва тўғридан тўғри, кенг қўламдаги ёрдамга шароит яратиш” деб таъриф бериш мумкин.

Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам жиноят процессининг барча босқичларида амалга оширилиши мумкин бўлиб, ўз ичига қуйидагилар: гувоҳ сифатида сўроқ қилиш, далилий аҳамиятга эга ҳужжатлар, далолатномалар, ёзма ҳужжатлар, видео, аудиоёзув материалларини сўраб олиш ва бошқа шу каби ҳужжатларни тақдим этишни қамраб олади.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик амалиёти ҳозирги кунда иловадаги жадвалда

(Илова№1) кўрсатилган ҳуқуқий ёрдам шакллари кенг қўлланилаётганини кўрсатмоқда. Ушбу ҳуқуқий ёрдам шакллариининг соҳага оид Ўзбекистон Республикаси учун аҳамиятли бўлган халқаро шартномаларда ва Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида акс этганини иловадаги жадвал орқали қиёсий таҳлил қилиш мумкин. Мазкур қиёсий жадвалда БМТнинг Намунавий шартномалари, МДҲнинг “Фуқаролик, оила ва жиноят муносабатларида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Минск ва Кишинев конвенциялари, Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама шартномалар ва миллий қонунчилик доирада таҳлил амалга оширилган.

Хусусан, БМТ томонидан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг такшилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга йўналтирилган бир қатор тавсия ва намунавий шартномаларида жиноят ишларини юритишда ўзаро ҳуқуқий ёрдамнинг амалиётда мавжуд бўлган асосий шакллари кўрсатиб ўтилган.

БМТнинг Намунавий шартномасида қуйидаги ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг шакллари рўйхати берилган. Булар орасида, шахслардан кўрсатувлар ва гувоҳлик олиш, тутиб турилган ва бошқа шахслардан гувоҳлик ва кўрсатувлар олишда ёрдамлашиш, юридик ҳужжатлар тақдим этиш, излаш ва қўлга олишни ижро этиш, жой ва объектларни текшириш, гувоҳлик предметлари ва маълумот билан таъминлаш ва керакли ҳужжатлар ва ёзма тасмалар билан таъминлаш ва бошқалар ўрин олган [1.4].

Жиноят ишларини юритиш бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Намунавий шартномада кўрсатилган ҳуқуқий ёрдам шакллари қатъий эмас, яъни, намунавий шартномада кўрсатилмаган бошқа турдаги ҳуқуқий ёрдам шакллари давлат ўз эҳтиёж ва имкониятларини инобатга олган ҳолда шартнома шартларига киритишлари мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилган [1.4].

Бундан ташқари БМТнинг баъзи шартномалар маълум бир жиноятларга қарши кураш ёки уни олдини олиш учун намуна бўлади.

Хусусан, БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” Конвенциясининг 18-моддаси 3-қисмида қуйида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш шакллари қайд этилган:

- а) алоҳида шахслардан гувоҳлик кўрсатувлари ёки аризалар олиш;
- б) суд ҳужжатларини тақдим этиш;
- в) қидирув, олиб қўйиш ёки хатлаш каби процессуал ҳаракатларини ўтказиш;
- г) маҳаллий участкалар ва объектларни кўздан кечириш;
- д) маълумотлар, ашёвий далиллар ва эксперт баҳоси (хулосаси)ни етказиб бериш;
- е) тегишли ҳужжатлар ва иш материалларининг тасдиқланган нусхалари ёки аслини тақдим этиш;
- ё) исбот қилиш учун жиноий даромадлар, мулклар ва воситаларни аниқлаш, топиш, кузатиш;
- ж) сўралаётган давлат қонунчилигига зид бўлмаган бошқа ҳар қандай кўринишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш кабилар [1.5].

Минск конвенциясининг 6-моддасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳажми ёритилган бўлиб, унга кўра, иштирокчи давлатлар ҳужжатларни тузиш ва жўнатиш, кўздан кечириш, тинтув, олиб қўйиш, ашёвий далилларни топшириш, экспертиза ўтказиш,

томонларни, учинчи шахсларни гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчини, жавбрланувчи, гувоҳ, экспертни сўроқ қилиш, шахсни қидириш, жиноий таъқиб амалга ошириш, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки суд ҳукмини ижро этиш учун ушлаб бериш каби процессуал ҳаракатларни бажаришда бир-бирларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар [1.6].

Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланмаган ва ратификация қилинмаган Кишинев Конвенциясининг 6-моддасига кўра, иштирокчи давлатлар ҳужжатларни тузиш, ўтказиш ва адресатга етказиш, кўздан кечириш, тинтув, олиб қўйиш, ашёвий далилларни топшириш, экспертиза ўтказиш, томонларни, учинчи шахсларни, гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, жавбрланувчи, гувоҳ, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакилларини, айбланувчиларнинг қонуний вакилларини, экспертларни сўроқ қилиш, таниб олиш учун кўрсатиш, (шунингдек, видео алоқа, видео ёзув ва бошқа техник воситаларидан фойдаланган ҳолда), шахсларни қидириш, жиноят иши бўйича тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш, жиноий қидирув, шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ёки суд ҳукмини ижро этиш учун топшириш, жиноий йўл билан топилган мулк ва пул маблағларини қидириш ва хатлаш каби шаклларда ва аниқ ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда бошқа шаклда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишлари мумкин [1.7].

Икки томонлама шартномалар тўғрисида сўз юритиладиган бўлса, Ўзбекистон мустақиллик йилларида бир қанча хорижий давлатлар билан жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномаларни имзолаганлигини ёдга олиш даркор. Жумладан, Туркия (1994), Латвия, Литва, Грузия, Қирғизистон, Туркменистон (1996), Қозоғистон, Озарбайжон, Хитой Халқ Республикаси (1997), Украина (1998), Хиндистон (2000), Покистон (2007), Чехия (2002), Корея ва Болгария (2003), Бирлашган Араб Амирликлари (2014) билан шартномалардир.

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилиги ва бошқа МДҲ давлатларининг жиноят-процессуал қонунчилигида ҳуқуқий ёрдамнинг шакллари аниқ равишда турларга ажратилган ҳолда кўрсатилмаган. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2012 йил 25 майдаги “Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 5-бандида ҳуқуқий ёрдам шакллари баён қилинган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ жиноят ишлар бўйича суд ишларини юритиш соҳасида ҳуқуқий ёрдам қуйидаги кўринишларда амалга оширилади:

- материаллар ҳамда банк, молиявий, юридик ва бошқа ҳужжатлар асли ва тасдиқланган нусхаларини тузиш, жўнатиш, тақдим этиш, топшириш;
- тинтув ўтказиш, предметлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш, мол-мулкни аниқлаш ва хатлаш, шахснинг даромадини аниқлаш, ашёвий далилларни жўнатиш ва бериш;
- кўздан кечириш, гувоҳлантириш;
- экспертиза ўтказиш;
- даъвогар, жавобгар, учинчи шахслар (уларнинг вакилларини), жавбрланувчилар, айбланувчилар (судланувчилар), гувоҳлар, экспертларни сўроқ қилиш;

- бедарак йўқолган шахсларни қидириш, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишда айбланаётган шахсларни қидириш ва ушлаб бериш;

- жиноят ишини қўзғатиш;
- суд ҳужжатларини, шу жумладан, ҳукм нусхалари ёки суд қарорлари, судланганлик тўғрисида маълумотномалар (зарурат бўлганда тегишли қонунчилик нормалари матни илова қилинган ҳолда) тақдим этиш;

Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда ўзаролик принципига асосан қонунчиликка зид бўлмаган бошқа кўринишдаги ҳуқуқий ёрдам ҳам кўрсатилиши мумкин.

Олий суд пленуми қарорида жиноий суд ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг алоҳида йўналишлари ҳам ҳуқуқий ёрдам шакллари туркумига киритилган. Хусусан, экстрадиция, суд ҳукмларини тан олиш ва ижро этиш, экспертиза халқаро амалиётда соҳага оид ҳамкорликнинг алоҳида йўналишлари ҳисобланади.

Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масаласи ҳажми жиҳатидан бошқа ҳамкорлик йўналишларига нисбатан кенгроқ ва амалиётда энг кўп қўлланувчи институт ҳисобланади. Чунки, ушбу соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширишга ваколатли идораларнинг, шунингдек, баъзи ҳолатларда фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқий ёрдам масалаларини тартибга солувчи иккита ҳуқуқ тармоғи, яъни, халқаро ва жиноят-процессуал ҳуқуқ тармоқларининг йиғиндисидан иборатлигидадир.

Бизга маълумки, жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда сўралаётган давлатнинг ваколатли идоралари маълум бир процессуал ҳаракатларни ўз миллий процессуал қонунчилигига мувофиқ амалга оширади.

Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг бошқа йўналишларидан фарқи жиҳати шундан иборатки, бунда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш сўралаётган давлатга жиноят ишини юритиш бўйича қисман ваколатлари ҳам ўтказилади. Далиллар тўплаш, маълум бир бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, тезкор қидирув фаолияти ўтказиш билан боғлиқ талабномалар билан бирга сўралаётган давлатнинг ваколатли идораларига жиноят иши бўйича сўраётган давлатнинг ваколатли идораларининг ваколатлари ҳам қисман ўтказилади. Яъни, давлатнинг ваколатли идоралари иш юритишдаги жиноят иши бўйича маълум процессуал ҳаракатларни ўтказиш билан боғлиқ ваколатлари сўралаётган давлат миллий қонунчилиги бўйича ўша давлат ваколатли идоралари томонидан амалга оширилишига йўл қўйилади. Бунда сўралаётган давлат жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ ваколатли идоралари томонидан жиноят иши бўйича йиғилган ашёвий далиллар, бошқа процессуал ҳаракатлар акс этган баённомалар, иловалар олиниши ва расмийлаштирилиши жиҳатдан сўраётган давлат миллий жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига мос келса тан олинади [1.8; 185-189-б.].

Бошқа давлат ҳудудида жиноий таъқибни амалга ошириш ёки шахсни ушлаб беришда жиноят ишини юритаётган давлат органлари ваколатлари бошқа давлат органларига қисман ўтказилмайди. Чунки, биринчидан, бошқа давлат ҳудудида жиноий таъқибни амалга ошириш билан боғлиқ барча суриштирув ва тергов ҳаракатларининг натижалари бўйича қарор жиноят ишини юритаётган давлат томонидан миллий

қонунчилигига мувофиқ чиқарилади ва сўралаётган давлат жиноят ишини юритиш жараёни ва натижасига таъсир этувчи бирор бир процессуал ҳаракат бўйича қарор қабул қилмайди. Иккинчидан, шахсни жиноий жавобгарлик тортиш учун ушлаб беришда сўралаётган давлат ушбу шахсни нисбатан юритилаётган жиноят ишининг натижасига, шахсининг айблилик даражасига нисбатан муносабат билдирмайди, фақат шахсни топшириш ёки топширмаслик масаласини ўз миллий қонунчилиги ва халқаро шартномаларга асосан формал кўриб чиқади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасидаги халқаро ҳамкорлик халқаро ва ички қонунчилик даражасида тартибга солинадиган махсус ҳуқуқий механизмлар асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик кўрсатишнинг процессуал-ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси ЖПК нормаларида назарда тутилган. ЖПКнинг 64 бобига кўра, бундай ҳамкорлик бир давлат ҳудудида қўзғатилган жиноят иши бўйича гумон қилинувчи ёки айбланувчи бошқа давлат ҳудудида яширинган бўлса, бир давлат судида кўрилатган жиноят ишига тааллуқли гувоҳлар, жабрланувчилар ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчилари, ҳужжатлар бошқа давлат ҳудудида бўлган тақдирда амалга оширилади.

Шу туфайли, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг ваколатли органлари гумон қилинувчи ёки айбланувчини қидириш, уни ушлаш ёки қамоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш учун ушлаб бериш, ушбу жиноят иши бўйича тергов ва одил судловга юбориш, шунингдек, суд қарорини ижро этиш имкони мавжуд бўлмаган тергов ҳаракатларини амалга оширишда ёрдам сўраб мужораат қилади. Умумий қоидага кўра, хорижий давлат ҳудудида сўроқ қилиш, қўздан кечириш, қўлга олиш, тинтув, суд экспертизаси ёки бошқа тергов ҳаракатларини амалга ошириш зарурати туғилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ваколатли органи хорижий давлат ваколатли органига жиноят иши бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги тегишли талабномани юборади.

Бундай талабномани юбориш тартиби, мазмуни ва шакли Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 593-моддасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси иштирок этган жиноят ишлари соҳасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги халқаро шартномаларда кўрсатилган.

**Мухтасар қилиб айтганда,** Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги иккитомонлама шартномаларнинг таҳлили уларнинг айримларида талабноманинг махсус шакл ва белгиланган шартлар асосида ўтказилиши лозимлиги тўғрисида нормалар мавжудлигини кўрсатади. Бундай махсус шартлар талабномада кўрсатилиши ва талабнома юборилган давлатнинг қонунчилигига зид бўлмаслиги лозим.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Файзиёв Ф.М. Международно-правовое регулирование отношений между государствами по оказанию правовой помощи: Дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2007. – 139с.

2. Гринь И.Ю. Международное сотрудничество в сфере уголовного судопроизводства. Дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2006. – 161с.

3. Лазутин Л.А. Правовая помощь по уголовным делам как комплексное формирование в международном уголовном и уголовно-процессуальном праве. Дис. ... докт. юрид. наук. – Екатеринбург, 2008. – 434с.

4. Типовой договор о взаимной помощи в области уголовного правосудия и его Факультативный протокол, касающийся доходов от преступлений. [Электрон ресурс]: [www.un.org](http://www.un.org)

5. Конвенция Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступности Принята резолюцией 55/25 Генеральной Ассамблеи от 15 ноября 2000 года. Международное право и борьба с преступностью: Сборник документов / Составители: А.В.Змеевский, Ю.М.Колосов, Н.В.Прокофьев. – М.: Международное отношения, 2004. – С.433-478.

6. Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам (Заключена в г. Минске 22.01.1993) (вступила в силу 19.05.1994) (с изм. от 28.03.1997). [Электрон ресурс]: [www.e-cis.info](http://www.e-cis.info)

7. Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам" (07 октября 2002 г., г. Кишинев). [Электрон ресурс]: [www.cis.minsk.by](http://www.cis.minsk.by)

David McClean. International co-operation in civil and criminal matters. Third edition. Oxford University Press. 2012. – 504p.

**Н.Э.Гафурова,**

и.о. доцента кафедры Международное публичное  
право ТГЮУ,  
доктор философии по юридическим наукам (PhD)

## ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ МЕДИЦИНСКОГО ПРАВА КАК КОМПЛЕКСНОЙ ОТРАСЛИ В СИСТЕМЕ ПРАВА

